

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯ

Д.Н. АРЗИҚУЛОВ

МАДАНИЯТШУНОСЛИК

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ I-ҚИСМ

ТОШКЕНТ-2011

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯ

МАДАНИЯТШУНОСЛИК

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ I-ҚИСМ

ТОШКЕНТ-2011

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Тахририят – ношрлик хайятида маъқулланган.

Тузувчи - муаллиф: Арзиқулов Д.Н. Маданиятшунослик маърузалар курси I-қисми - Т: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011 172 б.

Ушбу маърузалар курсида маданиятшунослик фанининг мақсад вазифалари, жаҳон маданий тарақиётининг асосий қонуниятлари, ўзбек миллий маданиятини ривожлантиришнинг маъновий-маърифий асослари, марказий осий халқларининг маданияти, унинг жаҳон маданияти ривожига тутган ўрни ҳамда ислом маданияти ва унинг диний экстремизм ва фундаментализмга қарама – қаршилигининг ўзига хос томонлари ёритилган.

Маърузалар курси 1-ўқув курсида ўқитиладиган «Маданиятшунослик» фанининг ўқув дастурида назарда тўтилган 1-6 мавзуларни ўз ичига қамраб олади.

Мазкур маърузалар курсидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг адъюнктлари, тингловчилари фойдаланиш учун тавсия этилади.

Такризчилар: Ўзбекистон Республикаси Миллий университети
проректори, фалсафа фанлари номзоди,
доцент **Б. Ҳусанов;**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Фалсафа ва политология кафедраси бошлиғининг
ўринбосари фалсафа фанлари номзоди,
доцент **Х.Б. Саитхаджаев**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Психология ва касб этикаси кафедраси
доценти в/б. психология фанлари номзоди,
Р.Х. Душанов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011 й.

СЎЗ БОШИ

Маданиятшунослик фани Ўзбекистоннинг давлат мустақилиги қўлга киритилгандан кейин республикамиз Олий ўқув юртларида алоҳида фан сифатида ўқитиш йўлга қўйилди.

Маданиятшунослик фани янгича фикрлашни, инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантирувчи фан сифатида Ўзбекистоннинг миллий тикланишида, таълим-тарбия тизимида муҳим рол ўйнайди.

Мамлакат президенти Ислом Каримов «- барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат куриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтирилган, жаҳон миқёсидаги обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос»¹, - деб ўқтирган эди. Шундай экан, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш жараёнини, унинг келгусидаги тараққиётини ватанпарвар, имон-эътиқодли, меҳр-оқибатли, ўз касбини севувчи, юксак маданият соҳиби бўлган кишиларсиз тасаввур этиш қийин. Буюк келажагимизнинг ана шундай бунёдкорлари ва эгаларини тарбиялашдек масъулиятли масаланинг ҳал этилиши зарур.

Биз ўтмиш аجدодларимиздан ўтиб келаётган маданий-маънавий меросни ўз тажрибаларимиз билан тўлдириб, ривожлантириб борамиз ва келажак авлодларга мерос қилиб қолдирамиз. Бу узлуксиз умумбашарий аҳамиятга молик жараён. Ҳозирги мураккаб дунёда инсон, унинг ҳаёти, эзгулик, меҳр ва мурувват, адолат, ҳақиқат, эркинлик, тенглик, тинчлик, дўстлик, бахт-саодат, ватанпарварлик каби энг олий умуминсоний

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси /Ўз. Р. Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза 2010 йил 12 ноябр — Т., 2010. 6 бет.

қадриятларни асраб-авайлашимиз зарур. Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг сўзларини доимо ёдда тутишимиз лозим. Яъни “юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш — ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоғи даркор¹” деган эди. Бу фикр ўз навбатида ҳар бир ходимнинг фаолияти давомида ва аҳоли билан мулоқот қилиш жараёнида ўта маданиятли бўлишга ундайди.

Маданиятшунослик тингловчиларни турли тарихий даврлар маданиятлари ва социал гуруҳларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи тўғрисидаги билимлар билан бойитади. Тарихий ва гуманитар билимларни тартибга келтиради, ижтимоий турмуш воқеликларини ягона мазмун асосида англашга ёрдам беради. Кўплаб бетакрор ва мустақил маданиятлардан ташкил топган жаҳон цивилизациясининг бирлиги ва хилма-хиллигини кўрсатади. Кишиларнинг фуқаролик ва маънавий етукликка эришишларида, фикрлар ва қадриятлар плюрализмини кўра билишда фан тараққиётини тўғри баҳолаш қобилиятини ҳосил қилшида муҳимдир.

Маданиятшунослик курси тарих, фалсафа, социология, этнография, социал психология каби бир қатор фанларнинг кесишувида вужудга келган, янги социал гуманитар фан ҳисобланади. Унинг изланиш объекти ижтимоий воқелик бўлган маданият ва инсон ҳаёти услуби ҳисобланади. Унда маданиятнинг вужудга келиши, ривожланиши, жамиятда амал қилиниши билан боғлиқ масалалар тўғрисида, қадриятларнинг жамият ҳаёти ва ривожланишидаги ўрни, ўзаро алоқалари жараёнлари ўрганилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка бағишланган нутқида:

¹ И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги, Халқ сўзи газетаси, 25 октябрь сони

“Юртимизда миллатлар ва динлараро тинчлик – тотувликни мустахкамлаш, маънавий ва ахлоқий тарбияни кучайтириш, тарихий илдизларимизга, миллий ўзлигимизга қайтиш, аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган ишларимиз муҳим аҳамият касб этганини таъкидлашимиз лозим²” деган эди.

Маданиятшунослик — маданият ривожланишининг энг умумий қонуниятларини ўрганади. Унинг манбаи инсоният яратган барча маданий қадриятлардир. Маданиятшуносликнинг асосий вазифасига инсоннинг табиат, жамият билан биргаликдаги фаолиятини ҳамда кишиларнинг маънавий турмушига оид барча жараёнларни тадқиқ қилиш киради.

Маданиятшунослик ижтимоий фан ҳисобланиб, унга хос бўлган хусусият - инсоннинг маданий ҳаёт ҳодисасини тартибли тизимга солиб ёндашиш ҳисобланади. Шунингдек, маданият гуманитар билимларни ўзида мужассам қилган ҳолда намоён бўлиши билан бирга билишнинг ўта мураккаб объекти ҳамдир.

Ушбу маърузалар курсини яратилишда М. Абдуллаев, Э. Умаров, Э. Гулметов, А. Маруловларнинг маданиятшунослик фанига оид адабиётларидан кенг фойдаланилди.

Мазкур маърузалар курси маданиятшунослик соҳасидаги барча билимларни қамраб ололмаганлиги табиий. Шундай бўлсада ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг курсантлари, тингловчилари, ўқитувчилари ҳамда амалиётчи ходимларини юксак касб маданиятга эга бўлган ватанпарвар, халқпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш ишларига хизмат қилади деб умид қиламиз.

² И.А.Каримов Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.Т., 2007й., 28 бет.

1-Мавзу.

МАДАНИЯТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. «МАДАНИЯТ» ТУШУНЧАСИНИНГ ТАЛҚИНИ

1-§ Маданиятшунослик фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

Маданият жуда қадим замонларда, меҳнат жараёнининг тараққиёти натижасида пайдо бўлди. Меҳнат жараёнида инсон тафаккури камол топди, гўзаллик ҳисси ортди, воқеликдаги гўзаллик қулайлик ва фидоийлик тушунчалари кенгайди. Президент И.А. Каримов таъбири билан айтганда «инсон ўзлигини англагани, насл насабини чуқурроқ билгани сари юрагида **Ватанга муҳаббат туйғуси** илдиз отиб, улғая боради»¹.

Инсоният цивилизациясида жамият вужудга кела бошлаши билан эса ижтимоий тараққиётда катта ўзгаришлар содир бўлди: ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқа бошлади. Бу эса фан ва маданият ривожига муҳим аҳамият касб этди. Омма орасидан етишиб чиққан файласуф олимлар, мутафаккир ва алломалар олам ва одам ҳақида, худо ва коинот ҳақида, илм-фан, тараққиёт ва дин ҳақида фикр юритишди. Шунингдек, истеъдодли ижодкорлар меҳнаткаш халқ оммасининг орзу-истакларини, уларнинг гўзаллик ва худбинлик, олийжаноблик ва инсонпарварлик ҳақидаги тушунчаларини ифода этувчи асарлар яратдилар. Халқнинг турмуши, хулқ ва одатлари, ютуқ ва мағлубиятлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Маданият, ҳар бир даврда мавжуд бўлган ҳаёт гўзалликларини ифодалаб, одамларда юксак ҳислат ва фазилатларни камол топтирди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик, ёрқин келажакка интилиш йўлидаги курашга даъват этди.

Маданият назариясини, жаҳон маданиятини, унинг тарихини ўрганиш, тараққиёт қонуниятларини тушуниш, нодир ёдгорликлар билан танишиш, ўтмиш авлодларнинг ҳис-туйғу, ҳаётий тажрибаларини ўрганиш,

¹ И.А. Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008 й. 90 бет.

уларнинг ғоявий-эстетик, диний, мафкуравий, илмий қарашларининг шаклланишини билиш XIX асрга келиб фалсафадан маданиятшунослик фанини алоҳида мустақил фан сифатида ажралиб чиқишига олиб келди.

Бизнинг асримизда маданият масалаларига ва унинг назарий жиҳатдан ўрганишга катта эътибор берилмоқда. XX асрнинг 50-60 йилларида маданиятшунослик фанига асос солинди. унинг асосчиларидан бири бўлган Америкалик олим Л.О. Уайт (1900-1975) ўзининг «Маданият тўғрисидаги фан» (1949), «Маданият эволюцияси» (1959), «Маданият тушунчаси» (1973), асарларида маданиятшунослик фанига асос солинганини, унинг мустақил фан сифатида бир тизимга келтирганлигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда маданият умуминсоний қадрият, инсонлар амалий фаолиятининг натижаси сифатида антропологик маданиятнинг шаклланиганлигини кўрамиз. Шунинг билан бу фан алоҳида халқларнинг, миллатларнинг маданиятини ҳам ўрганмоқда.

Ҳозирги даврда маданиятнинг мазмуни ва моҳиятини ўрганиш айрим халқларнинг миллийлиги, ўзига хос бетакрорлиги билан ўзвий боғлиқдир.

Маданиятшунослик фани маданият тизими ҳақидаги фан экан, бу тизим барча халқлар маданиятининг дурдоналаридан ташкил топади. Бу фаннинг вудудга келиши маданиятнинг инсон ҳаёти ва жамиятдаги аҳамиятини англаб етиши билан изоҳланади. Фанда тупланган кенг ва кўплаб фактлар шуни кўрса-тадики, маданият жамият ҳаётининг барча соҳаларида амал қилади, ижтимоий тараққиётнинг йўналиши динамикасини белгилайди.

Маданиятни англаб етиш ижтимоий ҳаётда иқтисод ва сиёсатни мутлоқлаштириш тамойилига кескин зарба беради. У ёки бу даражадаги иқтисод ва сиёсат шакллари, тизимлари турли маданият турига қараб ҳар хил намоён бўлиши мумкин. Шунингдек, маданият турлари у ёки бу иқтисод, сиёсат шакллари вужудга келтиради. Бугунги кунда бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбек модели» бизнинг ўз маданиятимиз, анъаналаримиз, миллий

маънавиятимизни ҳисобга олган ҳолда ўзига хос ўзига мос йўлини вужудга келтирди.

У ёки бу ҳалқнинг илмий маданиятини ижтимоий ҳаётнинг конкрет шакли, ҳаётнинг турли соҳаларини ташкил этишнинг янги механизми билан ўзвий боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатмоқда. **Демак, маданиятни таҳлил қилиш ҳаётнинг барча соҳалари мазмунини очиб бериш билан ўзвий боғлиқдир.**

Биз янги жамият қураётган эканмиз, унинг йўналиши ва келажаги ҳақида фикр юритар эканмиз, маданиятимизнинг реал борлигидан, унинг конкрет намоён бўлишидан узоқлаша олмаймиз. Балки ички мантиғига кириб борамиз.

Маданиятни бир бутун таҳлил қилиб туриб ҳаётнинг яхлит тушуниб, иқтисод, миллий характер, миллий қадриятлар бирлигини ҳал қилиб бўлмайди.

Маданият ижтимоий ҳаётнинг бир бутун тарзда ташкил топишини кўрсатиб беради.

Инсонларнинг турлича қарашлари, фикр ва ҳаёллари, фаолиятлари маданият тизимида бирлашади, тартибга тушади. Бу эса, жамиятнинг тартибга тушган тизимини ташкил этади. *Маданият тизимининг бир бутунлиги ва унинг турлича ифодаланишини, умуминсоний маданият билан миллий маданиятнинг уйғунлигини таҳлил қилиш маданият фалсафасини вазифасидир.*

Маданият фалсафаси ижтимоий ҳодисаларнинг умумий йўналиши, динамикасини фалсафий англашга қаратилган бўлиб, маданиятнинг илмга, ахлоқий фазилатларга, динга умид қилишини, уларнинг мувофиқлиги ва ўзаро бирлигини ўрганади. Шунингдек, маданият фалсафаси инсон маънавий дунёсининг ўзаро алоқасини ўрганади. Маданият моддийлашади, бу жараён инсон маънавий борлиғига кириб боргандагина инсон моҳиятига айланади. У ҳаёт қалби билан яшайди. **Маданият инсон ижоди билан бирга яшайди,**

унинг фаолияти инсонлашган руҳ сифатида борлиққа кириб боради. Шунинг учун инсон яратган, архитектура ёдгорликлари, адабиёт, ашула ва рақс, мусиқа маданияти, тасвирий санъат ва маданиятнинг бошқа турлари орқали инсон руҳий дунёсига кириб боришга имкон беради.

Маданият инсон мовжудлигининг (экзистенцияси) асоси ядроси, сифатида намоён бўлади, кўпинча. инсон маънвий ахлоқининг позициясини белгилайди; бу уни инсонийликка қараб етаклайди. Немис файласуфи И. Кант табири билан айтганда инсонни фалсафий тушуниш-маданиятни англаб етиш демакдир. Маданиятни англаш инсоннинг дунёда тутган ўрни, дунёга ва бошқаларга бўлган муносабатларини фалсафий тушунишнинг шартидир.

Маданият фалсафаси донолик илми сифатида маданиятнинг руҳий ҳолати (рефлексияси)ни намоён қилади, бу ҳолатни рационал (ақлий) – назарий тафаккур доирасида таҳлил қилади, маданиятнинг бир бутунлигини, умумий йўналишларини ўрганади, маданиятнинг маъно ва аҳамияти, турли кўринишлари ҳақида фикр юритади.

Маданиятшунослик — маданият ривожланишининг энг умумий қонуниятларини ўрганади. Унинг манбаи инсоният яратган барча маданий қадриятлардир. Маданиятшуносликнинг асосий вазифасига инсоннинг табиат, жамият билан биргаликдаги фаолиятини ҳамда кишиларнинг маънавий турмушига оид барча жараёнларни тадқиқ қилиш киради. Унинг тадқиқот манбаи бўлиб:

- **инсон яратган санъат соҳаси;**
 - **кишиларнинг муомала воситаси бўлган тил;**
 - **жамият бойлиги ва мезони бўлмиш билим;**
 - **ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий ташкилотлар;**
 - **жамиятда содир бўлувчи демографик ва этник жараёнлар**
- хизмат қилади.**

Маданиятшунослик умум назарий фан ҳисобланиб, унга хос бўлган хусусият - инсоннинг маданий ҳаёт ҳодисасини тартибли тизимга

солиб ёндашиш ҳисобланади. Шунингдек, маданият гуманитар билимларни ўзида мужассам қилган ҳолда намоён бўлиши билан бирга билишнинг ўта мураккаб объекти ҳамдир.

Маданият — бу инсонларнинг ижодий фаолияти туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуигина бўлиб қолмай, айти пайтда у жамият тараққиётининг даражасини ҳам ифодалайди, яъни, жамиятдаги билим, мезон ва қадриятларнинг йиғиндиси маданиятда гавдаланади.

Маданиятни ўрганишда объектив қонуниятлар, ҳодисалардан сабабли боғлиқлик ҳақидаги анъанавий тасаввурлардан фойдаланмаслик ҳам мумкин. Умумий бир соҳа сифатида маданиятга системали ёндашув бир-бирига таъсир этувчи турли маданият соҳаларининг ўзига хос хусусиятларини қисмларга бўлиб эмас, балки уларни яхлит тасаввур қилиш имкониятини беради.

Маданиятшунослик фанининг қуйидаги бўлимлари мавжуд:

1. Маданият фалсафаси – маданиятдаги мураккаб ва кўп мақсадли жараёнларни таҳлил қилишда ёндашувнинг энг умумий тамойилларини намоён қилиб, қиёсий таҳлил, таснифлашга асосланади. Маданиятни фалсафий англаш, фалсафий асослаш билан боғлиқ материалистик, позитивистик, объектив идеалистик ва бошқа кўплаб қарашлар мавжуд. Уларнинг ҳар бирида инсоннинг табиат ва ижтимоий гуруҳ (социум) оламида жисмоний, маънавий ва руҳий ҳаёт фаолиятининг шаклланиши ва ривожланишини назарий тушунтириш усуллари ва ўзига хос таҳлилий услублари ишлаб чиқилган.

2. Маданиятнинг тузилиш шакли (морфологияси) – инсонга боғлиқ бўлмаган ва жамиятда мустақил мавжуд бўлган маданиятнинг ўзига хос шакли унинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Маданият ривожини жамиятнинг ички қонуниятларига ўзаро боғлиқдир, деб ҳисобловчи маданият морфологияси таққослаш, таҳлил ва бошқа

услуглар асосида маданият ривожланишининг манбаи ва омилларини очишга уринади. Унинг мавжудлик даври у ёки бу маданиятнинг пайдо бўлишидан то инқирозигачадир.

0. Маданият социологияси — бирон бир жамиятдаги мавжуд маданиятнинг аниқ жараёнларини ўрганиш билан шуғулланади; бу ҳар хил социологик ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган маданият жараёнини эмпирик (тажриба) тадқиқ қилишда маълум маданият шароитида кишиларнинг ўзаро муносабатларида, социомаданият тоифаларида намоён бўлади.

0. Маданият тарихи – ҳар бир маданиятни ноёб ва асл ҳодиса сифатида ўрганади; шунингдек, турли маданиятларни ўзаро таққослайди, уларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсири, замон ва макондаги уларнинг фарқларини маданий тараққиётидаги ўзига хос ва умумий томонларни тадқиқ этади.

5. Маданият экологияси — замонавий инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларини: инсоннинг индивидуал ҳаётини, жамият ҳаёти, табиат билан ўзаро муносабатларини қамраб олади. Бу маданиятшунослик тадқиқотидаги энг янги фаол ривожланаётган соҳалардан бири.

Маданиятшунослик фанининг асосий муаммоси инсон ҳисобланади, зеро **маданият — бу инсон яратган нарсалардир.** Маданиятшунослик инсоннинг олам билан фаол муносабатини ва бу муносабатлар унинг ҳаёт тарзида намоён бўлишини, шахснинг ижтимоий ва маданий ролини, маданиятлар типологиясини ўрганади.

Маданиятшунослик фани маданиятни илмий изоҳлаб, унинг умумтарихий мазмуни ва маъносини белгилайди, ижтимоий-тарихий билимлар тизимидаги ўрни ва мавқеини асослайди.

«Маданият» атамаси ҳозирги замон илмий адабиётларда ранг-баранг маъноларда ифодаланган. «Маданият» ва «Култур» атамалари мутахассислар фикрига кўра айни маънони англатиб,

лотинча «ишлов бериш», «парвариш қилиш» маъносини англатган. Кейинчалик «маърифатли бўлиш», «тарбияли», «билимли бўлиш» мазмунида ишлатилган. Ўзбек тилида кенг ишлатиладиган «Маданият» атамаси арабча «маданий»-«шаҳарлик» деган маънони билдиради.

Агар америкалик маданиятшунос олимлар *А. Кребер ва К. Клакхонларнинг 1952 йилдаги маълумотларига кўра маданият ҳодисасига берилган таъриф 164 та бўлса, сўнгги адабиётларда бу рақам 400 дан ортиқни*¹ ташкил этади.

Маданият ҳодисаси кенг маънода ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар таъсирлар остида ўзгаради ва жамиятга ҳам шундай таъсир кўрсатади. Натижада маданиятнинг турли функциялари вужудга келади:

1. Тарбиявий вазифалари: Булар маълум, конкрет (жамият, ўзи учун керакли бўлган, ўзи истагандака) шахсни шакллантиришга мўлжалланган. Бошқача айтганда, жамият қўйган конкрет вазифаларни сингдириш йўли билан жамият талабидаги шахсни тарбиялаш. Маданият жамият ривожланиши йўлидаги талабларни қондиради.

2. Гносеологик (оламни ўзлаштириш) функцияси: Бу функция ёрдамида маданият кишини бирон-бир фаолият олиб бора олиши учун, табиатни, оламни ўзлаштира олиши учун маълум бир билимлар билан қуроллантиради.

3. Норматив функция. Унинг мазмунига жамият аъзолари хулқини назорат қилиш киради. Маълумки, кишидан маълум бир хулқ, одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилиш талаб қилинади, табиийки бу хулқ нормалари вақт ўтиши билан кишининг ҳаёт тарзига айланади. Бу ижтимоий нормаларни шакллантириш маданиятнинг норматив функциясига киради яъни, уларни шакллантиришни маданиятнинг норматив функцияси ўз зиммасига олади.

¹ Л.Ч. Кертман, История культуры стран Европы и Америки, М. 1987 й. 14-бет.

Бу функция шунингдек, анъана, миллат руҳияти, жамият этикаси каби шаклларни ўз ичига олади.

4. Ахборотларни ўзлаштириш ва йиғиш функцияси хабарларни йиғиш ва сақлаш воситаси табиий хотира ёки хабарларни нарсаларга ёзиш (қўлёзмалар, картиналар, пластинкалар, китоблар, кинотасмалар, оҳанрабо ёки рақамли ёзувлар) бўлиши мумкин. Ўар қандай ҳолатда ахборотларни ташкил қилиш, унинг қадри ва мазмуни бўйича тартибга солишнинг маълум усули ва белгилар тизими зарур. Ўозирги даврда тил белгилар тизимининг кенг қўлланиладиган ва ўта ахамиятлиси бўлиб қолмоқда.

5. Коммуникатив функция (алоқа алмашув) – мохиятни аниқлашда билимлар, фикрлар, маънавий кучларни алмашлаш. Ижтимоий ҳаёт доимий равишда энергия, ахборот, ўзаро амалий ҳамкорликни тақозо қилади, негаки, фақат турли типларнинг муносабати (анъанавий, функционал-ахамиятли, шахслараро, ишлаб чиқарувчи, маърифий-маданий) жамиятнинг тузум сифатида мавжудлигини ва унинг кейинги тараққиётини таъминлашга қодир. Бу функциялар мажмуаси жамиятда маданиятнинг яшаши ва ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Маданият ҳодисаси тавсифида жуда кўп изоҳлар мавжуд «инсониятни яшаш усули; ижтимоий инсоннинг тўлақонли фаолияти», «инсон томонидан яратилган муҳит», «яхлит социал организм», инсоният яратган моддий ва маънавий қадриятлар мажмуи; сунъий-иккинчи табиат; инсон ижодий фаолияти маҳсули; умуман жамият; жамиятнинг маънавий ҳолати; жамият сифати; шартли белгилар тизими йиғиндиси; меъёр ва андозалар ва ҳоказо.

2-§ Маданиятни инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни

Маданиятшунослик фани тарих, фалсафа, социология, этнография, социал психология каби бир қатор фанларнинг кесишувида вужудга келган, янги социал гуманитар фан ҳисобланади. Унинг изланиш

объекти ижтимоий воқелик бўлган маданият ва инсон ҳаёти услуби ҳисобланади. Унда маданиятнинг вужудга келиши, ривожланиши, жамиятда амал қилиниши билан боғлиқ масалалар тўғрисида, маданият қоидалари институтларнинг, кадриятларнинг жамият ҳаёти ва ривожланишидаги ўрни, ўзаро алоқалари жараёнлари ўрганилади.

Форобий «**Ақл маънолари ҳақида**» рисоласида, ақл, бир томондан руҳий жараён, иккинчи томондан ташқи таъсир – таълим-тарбиянинг натижаси эканлигини уқтиради. Форобий фикрича, ақл фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват-руҳий куч билан боғлиқ.

Форобийнинг ақл, умуман билиш ҳақидаги таълимотида мантиқ (логика) илми муҳим ўрин тутди. «Мантиқ санъати кишига шундай қонунлар ҳақида маълумот берадики, бу қонунлар воситасида ақл чиниқади, инсон соғлом фикр юритишга ўрганади», – деб ёзган эди у. Форобий мантиқ илми билан грамматика ўртасидаги муштаракликни қайд этади: мантиқнинг ақлга муносабати грамматиканинг тилга муносабати кабидир. Грамматика одамлар нутқини тарбиялагани каби, мантиқ илми ҳам тафаккурни ҳақиқий йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғарлаб туради.

Форобий: «**Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишга зўр истеъдодга эга, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идрокка эга бўлганларни ақлли деб бўлмайди, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим**»¹.

Форобий ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда маданиятли жамиятнинг кўп масалалари-давлатни

¹ Маънавият юлдузлари. Т., 1999 й., 67 бет.

бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш, меҳнат ва бошқалар қамраб олинган.

Маърузамизнинг асосий масаласи бу инсон тўғрисидаги, унинг табиати ва имкониятлари тўғрисидаги масаладир. Табиатнинг мавжудлик қонуни хилма-хил бўлганидек, инсоннинг ички табиати, яъни маданияти ҳам табиий муҳит, ижтимоий борлиқ ва тарихий даврлар таъсирида доимий равишда ўзгариб туради. Бу ўзгариш фақат илгарилаб бориш, янги қадриятларнинг вужудга келишидангина иборат эмас, Бу бирон-бир соҳадаги бузилишлар, инқирозий аломатларнинг кучайиши билан ҳам характерланиши мумкин. Ҳозирги замон илмий техника тараққиётининг табиий муҳитга, маънавий ҳаётга ва бошқа соҳалари салбий таъсири фикримизнинг далилидир.

Ғарбий Европада маданият тушунчаси XVIII асрнинг охиридан эътиборан ҳозирги мазмунини касб этган бўлса-да, фақат XX асрга келиб ижтимоий ва гуманитар фанлар категориал тизимидан мустақкам ўрин олди. Кишилиқ жамиятини беқиёс кўламга эга бўлган ва доимий равишда ўзгариб боровчи маълумотларни муайян тартибга солишга ёрдам берувчи, умумлаштирувчи тушунчаларга бўлган эҳтиёжи маданият тушунчасини кенг тарқалишига сабаб бўлди. Қадимги Римда «Маданият»- тушунчаси «ҳаётни маънавий жиҳатдан янада яхшилашга ва тозалашга қаратилган ғамхўрлик» деган маънода ҳам фойдаланган. Маълумотларга кўра, машҳур Рим файласуфи-нотик Цицерон ҳам «руҳият маданияти» атамасини ишлатган. Европа халқларида XVIII асрнинг охирларигача «Маданият» атамаси ақлий-ахлоқий маданият тушунчаси билан ёнма-ён ишлатилган. Кўриниб турибдики, «Маданият» тушунчаси хилма-хил талқинига қарамай қадимдан ҳозирги кунгача ўз моҳиятини ўзгартирмаган¹.

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти 3-жилд. 2007. 309 бет 1-том.

Цивилизация – бу аввало маданият ютуқларидир. Бир маданиятнинг ўзи эса бир нечта династия ва давлатлардан узоқ яшаши мумкин. Ўз навбатида бир цивилизациянинг ўзи ҳам шунчалик узоқ умр кўрадики, умри давомида бир-бирини босиб олган турли давлатларни кўриш имкониятига эга бўлади. Цивилизация турли ҳудудларга тарқалиши, уларни босиб олиши (фақат куч ишлатиш йўли билан эмас), янги-янги халқ ва давлатларни эгаллаши мумкин. Шунингдек, цивилизация ўз маданий қадрият ва ютуқларини бошқа бир цивилизацияга бериб ўзи йўқолиб кетиши ҳам мумкин.

Айрим ҳолларда бир нечта цивилизациялар бирлашиб, ягона цивилизацияни ташкил қилиши ҳам мумкин (маслан, грек-рим цивилизацияси). Цивилизациялар бир-бири билан параллел равишда яшаши ҳам мумкин, ёки бўлмаса бирин-кетин вужудга келиши ҳам мумкин. Нима бўлганда ҳам цивилизация тарихи – бу маданият тарихидир. Цивилизацияни ўрганиш – бу ундаги маданият ривожини ўрганишдир.

Цивилизация маданиятнинг конкрет намоён бўлишини, унинг реал мавжуд ҳаётини акс эттиришидир. Цивилизация маданиятсиз, маданиятнинг цивилизациясиз, ундан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас. Чунки, инсон маълум бир цивилизация бағрида ўтмиш авлодлари томонидан яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштирган ҳолда шаклланиши, камол топиши мумкин.

Ҳозирги даврдаги маданиятнинг илмий тушунчаси инсоният томонидан яратилган ва яратилиши давом этаётган маънавият, руҳиятнинг ўзига хослигини англаши натижасида вужудга келди. Инсоният «Табиий» турмуш тарзи асосида яшаган даврда: яъни териб истеъмол қилиш, ов қилиш, балиқ тутиш, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган вақтларида маданият тўғрисидаги фикрнинг туғилиши мунозаралидир. Оддий, бир маромда ривожланувчи жамиятда инсон ўз маданияти билан «қўшилиб» яшаган. Урф одатлар, эътиқодлар,

ҳаётнинг моддий ва ижтимоий шакллари ундан фарқ қилмаган. Маданиятнинг автономияси намоён бўлиши учун муайян даражада техниканинг ривожланиши ва меҳнатнинг ижтимоийлашувига эришиш талаб этилади. Шу асосда маданият аста-секинлик билан инсониятдан тобора кўпроқ мустақил бўлиб боради. Инсоннинг эса маданиятига тобеълиги ортади. Ҳозирги постиндустриал жамиятлардаги экологик, маънавий ва ахлоқий соҳалардаги мавжуд муаммолар фкиримизнинг далилидир. Шунинг учун маданиятни феномен сифатида идрок этиш, унинг ривожланиш қонунларини тушуниш ва шу тушунчалар асосида маданиятни бошқаришга ўрганиш зарурият бўлиб қолади.

Маданиятшунослик фани маданий тарихий даврларни таҳлил қилишда билишнинг уч босқичини табиий бирликда олиб қарашга ҳаракат қилади.

А) Конкрет даврнинг яхлит қиёфасини, яъни унинг бадиий образини яратишга интилади;

Б) Инсоният борлигининг умумий динамикасида даврнинг маънавий ўрнини аниқлайди (ижтимоий онг тарихида, фанда, санъат ва фалсафада ўрганилувчи даврга берилган баҳонинг эволюциясини ҳам ўз ичига олади).

В) Конкрет даврнинг «мазмун»ни таҳлил қилади, яъни унинг ҳозирга давр тафаккурида қандай ўринга эга эканлигини, унинг муаммоларини бизга қандай таъсир этишини, бизга қайси томонлари билан ҳозирги вазиятнинг қайси социал ва индивидуал камчиликлари унда актуаллашганлигини кўрсатади.

Маданият типлари тарихий даврларга қараб ўзгариб туради. Даврларнинг алмашилиши билан маданиятда ҳам сифат ўзгаришлари юз беради. Конкрет тарихий даврда яшаган кишиларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари, билими, маънавий қадриятлари тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлишимиз учун биз шу даврнинг маданиятига мурожаат

қилишимиз лозим. Шунинг учун маданиятшунослик фани турли халқларнинг маданий ривожланиш тарихини жаҳон маданий тараққиётининг таркибий қисми сифатида ўрганиш билан бирга конкрет тарихий даврнинг ижтимоий тараққиётда тутган маънавий ривожланиши босқичлари, умумий қонуниятлари, ўзига хос хусусиятларини ҳам ўрганади.

Маданиятшунослик тингловчиларни турли тарихий даврлар маданиятлари ва социал гуруҳларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи тўғрисидаги билимлар билан бойитади. Тарихий ва гуманитар билимларни тартибга келтиради, ижтимоий турмуш воқеликларини ягона мазмун асосида англашга ёрдам беради. Кўплаб бетакрор ва мустақил маданиятлардан ташкил топган жаҳон цивилизациясининг бирлиги ва хилма-хиллигини кўрсатади. Кишиларнинг фуқаролик ва маънавий етукликка эришишларида, фикрлар ва қадриятлар плюрализминини кўра билишда фан тараққиётини тўғри баҳолаш қобилиятини ҳосил қилшида муҳимдир.

«Инсон энг олий даражадаги тарихий мавжудотдир. Инсон тарихий даврда, тарихий давр инсонда мужассам» (Н. Бердяев). Негаки, ҳар қандай даврнинг хусусият ва даражаси маданият ривожини билан ўлчанади.

Маданиятшунослик фани муҳим тарбиявий вазифани ҳам бажаради. Инсонда зиёлилик ҳиссини тарбиялаш курснинг диққат марказида туради. Киши қанчалик зиёли бўлса- деган эди Д. С. Лихачев- у шунча кўп тушунади ва ўзлаштиради, унинг дунё қараши ва қабул қилиш доираси шунчалик кенгаяди. Кишининг маданий савияси қанчалик тор бўлса, у ҳамма янгиликларга ва «жуда эски»ликка нисбатан шунчалик бефарқ бўлади. Ўзининг эски одатлари билан яшайди. Дунёқараши тор бўлиб, ҳамма нарсага шубҳа билан қарайди. Ўтмишнинг маданий қадриятларини ва ўзга миллатлар маданиятларини

билиш, уни сақлаш, кўпайтириш, эстетик қимматларини қабул қила билишнинг ривожланиб бориши маданий-тараққиётнинг энг муҳим воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Инсоният маданияти ривожланиши тарихи бу нафақат янги, балки эски маданий қимматларни излаб топиш тарихидир. Шунингдек, ўзга маданиятларни билиш, маълум маънода гуманизм тарихи билан қўшилиб кетади. Бу бошқа халқларга нисбатан ҳурмат, тўғри маънодаги бардошлилик, тинчлик тилаш демакдир¹.

Зиёлилик тушунчаси илмий ва оддий онг даражасида таърифланиши жиҳатидан фарқ қилади. Оддий онг даражасида интелегентлилик деганда олий маълумотга эга бўлган, асосан, ақлий меҳнат билан шуғулланувчи, билимли кшлилар тушунилади.

Маданиятшунослик фанининг ***яна муҳим вазифаларидан бири бу кишида ижодий қобилиятни ривожлантиришдир.***

Маданият фақатгина моддий ва маънавий қимматлар йиғиндисидан иборат эмас, балки ижодий фаолиятдир. Маданиятшунослик янги маълумотлар бериш билан бирга ёшларда маданият воқеликлари билан муносабатда бўлиш малакасини ҳосил қилади. Хилма-хил маълумотлар бериш билан бирга тингловчиларда илмий тафаккур қилиш услублари узлуксизлиги, мантикийкни шакллантиради.

Курснинг тарбиявий функциясини тадбиқ этилиши, уни билиш функцияси билан қўшиб ўрганилишини талаб этади. Тарихий даврлар маданиятини ўрганиш маданиятларни қарама-қарши қўйиш, уларга баҳо бериш, фарқ қилиш мақсадларига эмас, балки янгиликни ўрганиш, бошқа маданиятлар қимматларидан баҳраманд бўлишига хизмат қилади. Бу вазифаларни бажаришда маданиятшунослик курси тархий антропология-маданиятга яхлит феномен, дунё ва ҳаётни идрок этиш усули сифатида муносабатда бўлади.

¹ Лихачев Д.С Поэтика древнерусской литературы. М.Наука. 1979. стр.159.

Тарихий антропологиянинг энг муҳим тушунчаларидан бири бу менталитетдир. **«Менталитет»** – бу маданиятга тааллуқли бўлган кишиларда у ёки бошқа муҳитнинг муайян «ақлий воситалар йиғиндиси», «психологик мослама»ларнинг мавжудлигини билдиради. Улар инсонга ўзгаришининг табиий ва социал борлигини мустақил қабул қилиши ва идрок этишига шарт-шароитлар яратади. Бетартиб узук-юлуқ тушунчалар ва таъсирлар тафаккур орқали қайта ишланади, нисбатан тартибли дунё манзарасига айланади. Бу манзара инсон хатти-ҳаракатида ўчмас из қолдиради. Бир социал ва маданий умумийкнинг тегишли бўлган, тарихий жараёнининг субъектив томони ҳисобланувчи идрок ва хис қилиш услублари тарихнинг объектив жараёнига қўшилади.

Ҳозирги замон маданиятшунослик фани «маданият» тушунчасини қўлланишига қараб қуйидагича ўрганади:

- а)** Индивидуал-шахс маданияти;
- б)** гуруҳий маданият-миллий, синфий, табақавий, касбий, оилавий;
- в)** макон ва замонда чекланган муайян типдаги жамият маданияти;
- г)** инсоният маданияти.

Маданиятни қўлланиш жиҳатидан турларга бўлиш мунозарали бўлса-да, биз уларнинг мавжудлигини инкор қила олмайди. Ижтимоий тараққиёт тафовутларини йўқотмайди, балки, аксинча, унинг хилма-хиллигини янада кенгайтиради. Шунинг учун уларни тобора чуқурроқ ўрганиш маданият тўғрисидаги тасаввуримизни кенгайиб боришига хизмат қилади.

Маданият тушунчаси қўлланиш жиҳатидан хилма-хил бўлгани каби, кундалик ҳаётда (оддий онг) ва фанда ҳам турли мазмун касб этади. Биз **«муомала маданияти», «меҳнат маданияти», «хатти-ҳаракат**

маданияти» каби иборалардан фойдаланамиз ва уларга кўникиб қолганмиз.

Кундалик ҳаётда маданиятдан воқеликни баҳолаш тушунчаси сифатида ва шахснинг маълумотлилиги, хушмуомалалиги, озодалигига, вазминлиги каби хусусиятлари билан боғлаб тушунтириш одатга айланган. Маданиятли киши тушунчасига қўшиб ишлатилувчи сифатлар жуда кенг бўлиб, уни қўллаш жамиятнинг умумий маданий даражаси ва шахснинг социал статусига боғлиқдир.

Ҳозирги даврда **«ишлаб чиқариш маданияти», «хизмат кўрсатиш маданияти», «дам олиш маданияти»** ва бошқалар тўғрисида кўп гапирилмоқда. Бу иборалар орқали маданият деганда ижтимоий институтларнинг самарали фаолият кўрсатишлари тушунилади. Баъзан маданият тўғрисидаги тасаввурлар шаҳарлар турмуш тарзи, кинотеатрлар, театрлар ва кутубхоналарга тез-тез бориб туриш **«маданий»** кишилар билан дўстлашиш ва чиройли нарсалар билан боғлиқ деб фикр қилинади. **Рўзномаларда, статистик маълумотларда «иқтисод ва маданият», «фан ва маданият», «сиёсат ва маданият» иборалари** кўп ишлатилади, бунда маданият маънавий устқурма ёки ахлоқ ва санъат соҳалари билан чекланган. Илмий нуқтаи назардан иқтисодни, сиёсатни ва фанни маданиятдан ташқари турувчи соҳа деб ҳисоблаш ҳақиқатдан йироқдир. Шунингдек, классик қадриятлар ва санъатнинг буюк намуналари, идеал ва юксак интилишлар маданиятга тааллуқли соҳалар бўлиб, оддий, кундалик нарсалар унга ётдир деган фикрлар асоссиздир. Кундалик ҳаётда маданиятга фақат қадриятлар йиғиндиси сифатида қаралиши ҳам тўғри эмас, чунки маданиятда инсониятга зарарли бўлган, эскилик қолдиқлари, тўлиқ текшириб кўрилмаган **«янгиликлар»** каби салбий нарсалар ҳам ўзлаштирилиши мумкин.

Кундалик ҳаётда ва фанда маданият атамасидан фойдаланиш тўғрисидаги мулоҳазаларни хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, маданият энг кенг маънода инсонни ўраб турган табиатдан, ижтимоий муносабатларда ва бевосита ўзида стихияли равишда вужудга келган тайёр маълумотлардан фойдаланишни, онгли равишда ажратиб олишни тақозо этади. Маданият табиатдан фарқ қилади, анъаналар, рамзлар, тил, бевосита тақлид қилиш ва амалий ўрганиш орқали авлоддан-авлодга сингдирилади. Маданият шахс томонидан, униш социал жиҳатдан шаклланиши жараёнида ўзлаштирилади ва асосан кенг тарқалган ва кўпчилик қабул қилган ахлоқ, тафаккур ва ҳис қилишнинг парчаларидан ташкил топиб, индивидуал ҳаракатлар ҳиссаси бунда жуда камдир.

Оддий онгда маданиятни тушунишининг хусусияти бевосита унда амалий иштирок этилишига боғлиқлигидадир. Маданий воқеликларга инсон бефарқ муносабатда бўла олмайди. Унинг қадриятларга муносабати ва ҳиссий эмоционал тасаввурлари болалик даврида тўплаган тажрибасидан бошланади ва кишининг жамиятда тутган ўрнига, ёшига, мавқеига ҳам боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан у ўзига бегона бўлган урф-одатлар ва хатта-ҳаракатларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади.

Фан эса бевосита умумий аҳамиятга эга бўлган, объектив ҳақиқатга мос тушунчалардан фойдаланиши керак.

4. Қадрият (аксиологик) ўлчови асосидаги таъриф. Бунда маданият инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий қимматларнинг йиғиндисидан иборат деб талқин этилади. Маданият инсон фаолиятдан ташқарида мавжуд эмас. Баҳолаш қадрият нуқтаи назаридан воқеликни таҳлил қилиш фаолиятининг табиий ва зарур бўлган шартидир. Маданият нимада намоён бўлишидан қатъи назар муайян қадрий ўлчовга эга бўлади.

Маданият тушунчаси тараққиёт, тарих, инсон инсонпарварлик каби категориялар билан бир қаторда туради. Инсоннинг фаолият натижаси, муайян қадриятларга эга бўлган воқелик предметли аксиологик таърифнинг негизини ташкил этади. У кишиларнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ақлий фаолиятни қамраб олади. Бу таъриф камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. У воқеликни яхлит идрок этишга, натижаларни механик ҳисобга олишга асосланган. Бундай ёндашув воқеликка субъектив баҳо беришга имконият яратади. Аксиологик ёндашув доирасида маданият фаолият натижаси-ўтмишга айланиб қолиб, ўтмиш ва ҳозирга замон билан табиий алоқалар бузилиши мумкин. Кадрий ёндашувнинг заиф томонларини кўрсатиш бошқа даврга хос бўлган қимматлар тизимидан воз кечшши англатмайди.

1994.Маданиятни «Фаолият» тушунчаси асосида таърифлаш. Маданиятнинг умумий табиатини идрок этишга қилинган ҳаракат туфайли маданиятни кишиларнинг ижодий фаолияти жараёни сифатида тушуниш вужудга келди. Фаолият категорияси ўрганиш объекти инсон бўлган фанлар ҳаракатини интеграция қилиш учун қулай имконият яратади. Маданиятни ижодий фаолият ва инсон фаолиятининг ўзига хос услуби сифатида таърифлаш концепцияси бир қатор муҳим масалаларда бир бирини тўлдиради. Жамият нафақат қайта қуришга, балки анъаналарни, маданий ёдгорликларни сақлаб қолишга ҳам муҳтождир. Жамиятнинг амалий ва назарий, моддий ва маънавий каби ҳар қандай фаолияти ижодий соҳа билан бирга ўзида фаолият кўрсатиш ва маданиятнинг ўзлаштириш аспектларини мужассамлаштиради. Ижодиёт фаолият кўлами қанча катта бўлса, маданиятнинг ишлаб туриши функцияси ва келгуси авлодларга етказиб бериш учун зарур бўлган фаолият кўлами шунча кенг бўлади. Фаолият мақсадли йўналтирилган активликдир. Инсон қанчалик фаол ҳаракат қилса, шунчалик маданиятнинг «чегаралари» йўқолиб боради. Бу чегаралар вақт, макон ва

қиммат ўлчовларига эга. Фақатгина белгиланган вақт интервалида инсон фаолияти натижаларини тўғри тасаввур қилиш ва уларни режалаштириш мумкин. Фаолият натижаси, бошланишидан қанчалик йироқ бўлса, шунчалик уни маданиятга муносабати ноаниқлашиб боради.

Маконда ва қиймат чегараларида ҳам худди шундай хусусиятлар мавжуд. Интенсив фаолият чегараларни кенгайтиради, лекин бунда вужудга келувчи воқеликлар мавжуд маданият учун бегона ва хатарли бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, ушбу ёндашувига хос бўлган маданиятнинг тирик асосидан фалсафий абстракциялар дунёсига ўтишга интилиши, ҳозирги даврга хос бўлган технократик тафаккур таъсирини кучайишига олиб келади. Ушбу таърифнинг кучли томонлари мавжудлигига қарамасдан, амалда у тарихий-маданий изланишлардан йироқ бўлиб қолмоқда.

Информацион таъриф маданиятни «барча ирсий бўлмаган информациялар йиғиндиси», уни ташкил этиш ва сақлаш услублари сифатида таърифлаб, маданият информациялар омбори эмас», у ниҳоятда мураккаб ташкил этилган механизм бўлиб, у информацияни доимий равишда энг фойдали ва қулай услубларни ишлаб чиққан ҳолда сақлайди, янги информацияларни қабул қилади, уларни қайта маълумотларга айлантиради, уларни белгиларини бир тизимдан бошқасига ўтказди, деб изоҳлайди.

«Барча ирсий бўлмаган информациялар йиғиндиси» деганда биз мисол учун хотирани тушунишимиз мумкин. Чунки хотира механик мазмунга эга эмас, балки ижодий жараён ҳисобланади. Хотиранинг энг муҳим маънавий аҳамияти шундаки, у вақт тўсиғини енгади ва ўлимга қарши туради. Умумий хусусиятларга мувофиқ биз маданиятни хотира билан қиёслашимиз мумкин. Бунда биз алоҳида олинган шахснинг хотирасини эмас, балки жамият хотирасини назарда тутамиз.

Ю.М. Лотманнинг фикрича бир қатор қоидалар, чеклашлар сифатида намоён бўлувчи ташкилий вазият маданиятни белгиловчи хусусияти ҳисобланади. К. Леви Строснинг фикрига кўра, «қаерда қоида бўлса, шу ерда маданият бошланади. Инсон табиатидаги барча умумийлик табиатга тегишли бўлади ва стихияли автоматизм билан характерланади, мажбурлаш нормалари билан белгиланувчи сифатлар маданият соҳасига тегишли бўлиб ўзида нисбийлик ва хусусийликни мужассамлаштиради»⁷.

Ю.М. Лотман таъкидлайдики, «маданият энтропияси» информацияга айлантиришнинг энг мукаммал механизмидир. Бу механизм информацияни сақлаши ва узатиши билан бирга унинг кўламларини кенгайтиради. Ўз-ўзини доимий равишда мукаммаллаштириши ва ривожлантириб бориши унинг қонунидир. Шунинг учун маданият бир вақтда ҳам стабиллик ҳам динамизм хусусиятларини намоёиш қилиши керак. Шу маънода маданият тирик организм ва санъат асарларига хос бўлган хусусиятларига эга. Маданиятни инсоният томонидан яратилган яхлит бадиий асар сифатида қабул қилмоғимиз лозим.

XXI асрга келиб маданият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига кириб бормокда. Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш маданияти ҳақида, маиший ва хизмат кўрсатиш (сервис) маданияти ҳақида, бошқарув маданияти ҳақида, хулқ маданияти ҳақида бемалол гапириш мумкин. Маданиятнинг санаб ўтилган ҳар бир соҳаларида инсон куч-қудрати ривожининг натижасини кўриш мумкин.

Илмий адабиётларда маданиятни моддий ва маънавий маданиятга бўлиш расм бўлган. Маданиятни моддий ва маънавий маданиятга бўлиш инсон фаолиятининг икки асосий соҳаси – моддий ва маънавий ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқдир. Моддий маданият моддий фаолиятнинг барча соҳаларини ва натижаларини ўз ичига олади. Моддий

⁷ Лотман Ю. М. Статьи по типологии культуры. Тарту. 1970. 7.6.

маданиятнинг муҳим элементлари ишлаб чиқариш, транспорт, алоқа воситаларидир. Моддий маданиятга уй-жой, кийим-бош, уй-рўзгор буюмлари, истеъмол воситалари деб аталадиган ҳодисалар ҳам киради. Буларсиз маълум бир халқ маданияти, унинг тарихий тараққиётининг турли босқичларидаги ўзига хосликлари ҳақида тўғри фикр юритиш мумкин эмас. Албатта, моддий маданиятни фақат ишлаб чиқариш ва истеъмол воситаларига тақаб қўйиш тўғри бўлмайди.

Умуман олганда ижтимоий ҳаётда моддий ишлаб чиқариш соҳаси билан биргаликда ижтимоий соҳа, сиёсий соҳа, маънавий соҳа фаолиятлари ҳам мавжуд. Кишининг бу соҳадаги фаолиятлари маданият классификациясининг асоси сифатида қабул қилинади.

Бундай классификация тизимининг биринчи босқичига бир қарашда мустақил кўринган, лекин бир-бирлари билан чамбарчас боғланган қуйидаги маданият соҳалари киради:

- *моддий маданият*;
- *ижтимоий маданият*;
- *сиёсий маданият*;
- *маънавий маданият*.

Моддий маданиятга — техника маданияти, ишлаб чиқариш маданияти, режалаштириш маданияти, тақсимлаш ва айирбошлаш маданияти киради.

Ижтимоий маданиятга — оила ва никоҳ масалалари маданияти, ижтимоий-демографик гуруҳлар маданияти, маиший маданият, маориф ва таълим маданияти, шахслараро мулоқот маданияти, экологик маданият киради.

Сиёсий маданият соҳасига - ҳуқуқий маданият, фуқаролик маданияти, сиёсий фаолият юритиш маданияти, яъни синфлараро мулоқот, ижтимоий гуруҳлар, давлат, халқ киради.

Маънавий маданият соҳасига – дунёқараш, мафкура, илм-фан, дин, бадиий маданият, санъат, миллий анъаналар, ахлоқий маданият, эстетик маданият ва ҳ.к. киради.

Узоқ вақтлар фанда маданият деганда фақат маънавий маданият назарда тутилди. Негаки, борлиқни ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик белгилайди деб ҳисоблашган. Шунинг учун, биринчи ўринда илмий тадқиқотларнинг асоси ахлоқ, нафосат бўлиб келди. Натижада, жамиятнинг моддий ҳаётини, унинг иқтисодиётини ўрганишга эътибор берилмади. Моддий маданият тадқиқот учун қизиқарсиз ҳисобланган.

Индустриал жамиятнинг вужудга келиши, унинг техникавий тараққиёти ва технологияларини тезда алмашиши маданиятшуносларни инсониятнинг барча моддий маданиятини ўрганишга мажбур қилди. Шунингдек, ҳозирги кунда маданият тизимларидан бўлмиш моддий ва маънавий маданият бир-бирларига шундай таъсир қилишяптики, бир томондан маънавий маданият моддий маданият яралишига сабаб бўлса, иккинчи томондан моддий маданиятнинг бойиши маънавий маданиятнинг янги қирраларини очилишига сабаб бўлмоқда.

Энг қизиғи бўлмиш учинчи томондан эса, моддий маданиятда маънавий маданият ва аксинча маънавий маданиятда моддий маданиятни учратиш мумкин. Масалан, илмий-техник прогресс бўлмиш оммавий ахборот воситалари, радио, телевидения, кино, магнитофон, видеотехника, компьютер – моддий маданият бўла туриб маънавий маданият ошишига хизмат қилишади. Маънавий маданият бўлмиш илм-фан эса техниканинг ривожига хизмат қилади. Хаттоки, техникани маънавийлаштириш асри бошланди. (Масалан, техник эстетика...).

Моддий маданият инсоният меҳнати билан яралган барча қадриятлар йигиндисини билдиради. У жамият ҳаёти даражасини, моддий эҳтиёж ва моддий қондирилиш имкониятини яратади. Моддий маданиятга аввало, меҳнат қуроллари ва ишлаб чиқариш, ижтимоий-маиший хизмат

турлари (булар: транспот, алоқа воситалари, коммунал уй-жой хўжалиги хизмати ва ҳ.к.). кийим-бош, уй-рўзғор буюмлари киради. Демак, моддий маданият – инсоннинг табиатни қай даражада эгаллай олганлигини кўрсатади.

Маданиятшунос олим Ю.В.Рожественский ўзининг маданиятшунослик фанига бағишланган асарларидан бирида моддий маданият ҳақида қимматли маълумотлар берган.

1. Ҳайвонот олами.

2. Ўсимлик нави.

3. Бино ва қурилмалар.

Бу мажмуалар моддий маданиятнинг энг кўргазмали элементи ҳисобланади.

Бино – инсонлар мавжуд бўладиган, улар тўпланадиган жой.

Қурилмалар деб қурилиш ишларининг натижасига нисбатан айтилади. Уларда хўжалик фаолият шароитини ўзгартириш мумкин.

Булар – **уй-жой**, бошқарувлик фаолияти учун хона, ўйин-кулги учун хона, ахборот алмашиш учун хона, ўқув фаолияти учун хона.

Қурилмаларга – сув хўжалиги, плотина, кўприклар, ишлаб чиқариш фаолияти учун хоналар киради. Таъкидлаб ўтиш керакки, бино ва қурилмалар маданияти мавжудлиги – уларнинг таъмирланишида, фойдали жиҳатлари янгиланиб туришида кўринади.

4. Асбоб, мослама ва ускуна. Ақлий ва жисмоний меҳнатнинг барча турларини акс-эттирувчи бу тушунчалар моддий маданиятнинг асосий категориясини ташкил этади. Улар ҳаракатда бўлувчи мулк ҳисобланиб, биргаликда фаолиятнинг барча турига хизмат қилишади.

5.Транспорт воситалари. Моддий маданиятнинг бу категорияси кўчмас ва кўчувчи, ҳаракатланувчи умумий мулк мажмуасини билдиради.

Кўчмас мулк қўйидагиларда кўринади:

- *транспорт йўлларини йўналтириш;*

- *умуман йўллар қурилиши* (бетон, ер ости йўли, кўприк, релс, шпала ва ҳ.к.).

- *транспорт воситалари* учун керакли бино ва қурилишлар (почта бекатлари, темир йўл бекатлари, бензин қуйиш шаҳобчалари, депо ва ҳ.к.).

Кўчувчи, ҳаракатланувчи мулкка ғилдиракли ва ғилдираксиз бўлган, шунингдек, юк ташувчи транспортлар киради: арава, локоматив, самолёт, пароход, теплоход ва ҳ.к.

6. Алоқа ва алоқа воситалари. Моддий маданиятнинг бу соҳаси почта, телеграф, радио, телевизион тармоқ, телефонли ва радиотелефонли системани ўз ичига олади.

Технология. Технология меҳнат санъати сифатида моддий маданиятнинг барча соҳаларида мавжуд.

Технологик маданиятда энг асосий нарса бу – таълимдир. Таълим инсон шахсига мўлжалланган. Таълим олган инсонгина технологик маданиятни эгаллайди.

Маънавий маданият моддий маданиятга нисбатан анча аввалроқ ўрганила бошланган. Инсоният тарихининг бошларидан кишилар маънавий маданиятни белгилашга, унинг шаклланиш сабабларини аниқлашга, маънавий бойлик ижодкорлари ва яратувчилари қандай сифатларга эга бўлишлари кераклиги ва маънавий ижодкорлик жараёни қандай бўлишини тушунтиришга уринганлар.

Маънавий маданият. маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий онг шакллари яратиш билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг барча соҳаларини қамраб олади. Маънавий маданият намоён бўлишнинг турли кўринишлари мавжуд: ҳар хил тасаввурлар ва ғоялар, назариялар ва таълимотлар, илмий билимлар ва санъат асарлари, ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар, фалсафий, сиёсий қарашлар, мифология, дин ва ҳ.к.

3-§ Маданиятшунослик фанининг ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятидаги аҳамияти

Инсоният жамияти доимий ривожда бўлиб, у ўзгариб такомиллашиб боради. Турли тарихий даврларда ва хилма-хил маданиятларда одамлар дунёни ўзгача англайдилар ва қабул қиладилар, ўзларига хос равишда тасаввурлари ва билимларини ҳосил қиладилар. Биз ҳозирги даврдаги мавжуд муаммоларга ўхшаш бўлган тўсиқларни ўтмишда одамлар қандай қилиб енгиб ўтганларини ўргана бориб ўтмишга саволлар билан мурожаат қиламиз, ўтмиш бизга жавоб қайтаради ва шу билан ўтмиш, Ҳозирги замон ва келажак ўртасида доимий мулоқот бўлиб туради.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онгнинг, қонунийликнинг, қонунларнинг такомиллаштиришнинг ва ҳуқуқий тажрибанинг муаян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир тури сифатида кўрилади¹.

Ҳуқуқий маданият инсонсиз ва унинг дунёқарашини белгиловчи фаолиятсиз, бундай фаолият ва тафаккурнинг прогрессив йўналишисиз мавжуд бўла олмайди. У ҳуқуқий реалликнинг ҳақиқий амал қилиш ва ривожланишидаги муҳим жихатларини қамраб олувчи, аниқ белгиланган мақсадлари йўналтирилган ижтимоий ходиса сифатида намоён бўлади. Шунингдек, ҳуқуқий воситасини қўллашга – шахс ва жамиятни прогрессив ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш муҳимдир.

Ҳуқуқий маданият фақат ижтимоий тараққиёт доирасидагина тўлиқ ҳолда тушунилиши мумкин. Ҳақиқий ҳуқуқий маданият тарихий ижобий ҳуқуқий тажрибани эътиборга олмасдан мавжуд бўла олмайди².

¹ А.Саидов, У.Тожихонов Давлат ва ҳуқуқ назарияси, - Т., 2001, 253 бет.

² Ўша жойда 354 бет

Шахс ҳуқуқий маданиятининг тузилиши жуда хилма – хилдир. Бу ерда ҳуқуқ маданиятининг йўналишлари унинг ижтимоийлашуви даражаси, мазмуни ва бошқалар назарда тутилмоқда.

Шахс ҳуқуқий маданияти уч хил ҳолатда намоён бўлади:

1. ҳуқуқ маданиятини тушунишда;
2. ижодий фаолиятни амалга оширишда;
3. бу тушунчанинг амалга ошириш натижаларида шахс ҳуқуқий маданияти индивиднинг махсус ривожланиш даражаси сифатижа аввало унинг тайёргарлиги.

Ҳуқуқий маданиятнинг касб билан боғлиқ даражаси мажмуи ҳуқуқий фаолият билан шуғулланадиган шахсларда, жумладан ҳуқуқшуносларда вужудга келади. Кундалик ҳаётда ҳуқуқий воқеаларга узлуксиз равишда дуч келиш улар ҳуқуқий маданиятнинг касбий хусусиятларини вужудга келтиради.

Ҳуқуқий маданиятнинг функциялари.

Ҳуқуқий маданият бир неча махсус функцияларни бажаради. Бу функциялар қуйидагилардан иборат:

1. регулятив (тартибга солувчи) функция;
2. норматив функция;
3. социологик (ижтимоий) ҳуқуқий функция;
4. коммуникатив (алоқалар ўрнатиш) функцияси;
5. прогноз (башоратлаш) функцияси.

Ҳуқуқий маданиятнинг регулятив функцияси демократик ҳуқуқий давлатнинг шакллантиришни ва адолатли фуқаролик жамиятини вужудга келтиришни таъминловчи назарий ва ташкилий фаолият билан боғлиқ бу функция умумий ва шахсий манфаатларни, инсоният ижтимоий ривожланишининг марказига қўйиш, шахснинг ҳар тамонлама камол топиши учун муҳит яратиш, зарур меҳнат ва ҳаёт шароитини яратиш, сиёсий

эркинликни таъминлашга ёрдам беради. Ҳуқуқий маданиятнинг регулятив функцияси ҳуқуқий ва бошқа социал нормалар орқали амалга ошади.

Ҳуқуқий маданиятнинг норматив функцияси аксиологик (баҳоловчи) тавсифлар тизими ёрдамида акс эттирилади. У турли ходиса ва фактларда, маълум бир аҳамият касб этган онгли шахслар ҳаракатида ўз аксини топади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий нормалар бошқа жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини тшkil қилувчи элементларни баҳоловчи объект сифатида майдонга келади. Ҳуқуқий маданиятнинг норматив функцияси ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган ҳаракат намуналарида назарда тутилган ҳаракат намуналарига мос ҳолда ҳуқуқий воқеаликни ўзгартиришга эришилган натижага нисбатан муносабатда ўз аксини топади.

Ҳуқуқий маданиятнинг социологик функцияси шахснинг ҳуқуқий сифатлари шаклланиши тизими орқали ўрганиб чиқилиши мумкин. Шу билан бирга, мақсадли ҳуқуқий тарбиявий ишларни олиб бориш, аҳолининг ҳуқуқий таълимини ташкил қилиш чорасини кўриш, уларга юридик ёрдам кўрсатиш, шахснинг ўзини – ўзи тарбиялаш жараёнини фаоллаштириш зарур.

Ҳуқуқий маданият коммуникатив функцияси ҳам бажаради. У фуқароларнинг ҳуқуқий доирасидаги мулоқатини таъминлар экан, шу мулоқот орқали мавжуд бўлади ва таъсир этади. Ҳуқуқий маданият ўзида ҳозирги ва ўтмиш давр ҳуқуқий маданиятининг илғор ютуқларини тўплаши лозим.

Ҳуқуқий маданиятнинг прогностик функцияси ўз ичига ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашни қамраб олади, қонунлар ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашни, фуқароларнинг ҳуқуққа мос ҳатти – ҳаракати, фаоллигини, бутун ҳуқуқий тизим учун хос бўлган анъаналарни ўз ичига олади. Ҳуқуқий маданият башоратлар эҳтимоли бўлган ўзига хос қадриятлардан иборат. Бундай ҳолларда ҳатто маълум даражадаги ноаниқликлар етарли асосланган башорат қилиш имкониятини чеклаб қўяди.

Маданиятчилиқ деб ички ишлар идоралари ходимларининг ақлий ва ижтимоий камолотининг қанчалик ривожланганлигини, унинг жамият ва

давлат манфаатларига мос келишини ифодаловчи ички ва ташқи ахлоқда-эстетик, сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ва хатти-ҳаракатларининг муайян тизимига айтилади.

Юксак маданият соҳиби бўлган ходимгина халқдан ўзини ажратмайди, унинг дилига ошно, дардига малҳам бўлади.

Маданиятшунослик фани бевосита ИИИ ходимлари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки ҳар бир ички ишлар органи ходими бевосита фуқаролар билан мулоқат қилишда, моддий ва маънавий бойликларимизни асраб авайлашда, қолаверса маданиятли шахс сифатида камол топишида бу фаннинг ўрни беқиёсдир. Биргина мисол, “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг «Касб одобномаси»нинг 4 бандида “Ички ишлар идоралари ходими юксак маданият соҳибидир. Унинг юқори даражада тарбияланганлиги, айтган сўзининг устидан чиқиши, фидоийлиги, қўл урган ишини ўз вақтида пухта тезкорлик билан бажариш қобилиятларига содир этилган воқеани аниқ таҳлил этиш ва тўғри қарор қабул қилиш, вазминлик, мардонаворлик, турли хавф – хатарлардан, ҳақоратлардан эсанкираб қолмаслик сифатларига, шахсий ҳулқ – одоби, обру – эътибори билан қариндош – уруғлари, фарзандлари ҳамда маҳалладошларига ўрнатилган бўлишга интилиш каби фазилатларга эга эканлиги билан белгиланади. Юқорида қайд этиб ўтилган талабларга риоя қилиш – биринчидан ҳар қандай мураккаб масаланинг ечимини осонлаштиради ва иккинчидан, атрофдагиларга ижобий таъсир этади”¹ деб таъкидланган.

Маданият — жамиятнинг маҳсули, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим жабҳаларидан биридир. Маданиятсиз жамият бўлмаганидек, маданият ҳам жамиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди. Мураккаб ижтимоий воқелик сифатида маданиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у инсоният авлодларининг меҳнати ва билимларини ўзига сингдириб олади, сақлайди ва доимий бойитиб боради. Маданият ижтимоий

¹ Ўз.Р. ИИВнинг 30.12.1993 446-сонли «Ўз.Р. ИИИ ходимларининг «Касб одобномаси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи, 6 бет.

ҳаётнинг ворислиги, қадриятларини тўплаши ва уларни келгуси авлодларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган соҳаларни ифодалайди.

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ Ўзбекистон Республикаси миллий-маънавий, маданий меросимизни тиклаш, бу муаммони давлат сиёсати даражасига кўтаришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди.

Ўзбек маданиятининг ўзига хослигини тиклаш қуйидаги асосий факторларда кўринади:

- халқнинг маънавий-маданий илдизини тиклаш;
- тикланаётган ҳар бир меросга алоҳида эътибор ва муносабатда бўлиш;
- умуминсоний қадриятларни бойитувчи, инсонпарварлик тамойилларига мос тушувчи, жамиятимиз янгиланишига хизмат қилувчи миллий маданиятимизнинг маданий ва ахлоқий жиҳатларини танлаб олиш;
- умуминсоний қадриятларга миллий ва замонавий маданиятимизни қўшиш натижасида халқаро алоқаларни ўрнатиш;
- онги ва тафаккури мустақиллик руҳини ярата оладиган янги авлод интеллигент-зиёлиларини тарбиялаш;

Ушбу тамойиллар бевосита ИИИ ходимлари фаолиятининг асосий тамойилларига ҳам айланмоғи керак.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданиятини ички ва ташқи маданиятга бўлиб ўрганамиз. *Ички маданият* деганда, ходим маънавий оламининг бойлиги, дунёқараши-нинг кенг ва соғломлиги, мустақил ва ижодий фикрлай олиш лаёқати, ахлоқий поклиги, ҳис-туйғуларининг бой ва фаоллиги, дидининг юксаклиги тушунилса; *ташқи маданият* деганда эса ходимнинг хатти-харакати ва юриш-туриши, гапириш ва кийиниш маданияти тушунилади. У ходимнинг ҳаё, ибо, назокат, андиша каби бир қатор ижобий фазилатларини ўз ичига олади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан бўладиган хулқ-атвор маданияти муомала маданиятининг узвий қисми ва аниқ ифодаси хисобланади.

Хулқлар яхши ёки ёмон хулқларга бўлинади.

Яхши хулқлар жумласига поклик, собитқадамлик, ростгўйлик, шижоат, хаё, матонат, диёнат, қаноат, кадр-қиммат, фаросат, итоат, камтарлик, мулойимлик, хайрихоҳлик, мунислик, афв, садоқат ва бошқалар киради.

Ёмон хулқларга худбинлик, ҳасад, хушомадгўйлик, жаҳл, ғазаб, ғийбат, такаббурлик, тамагирлик, ёлғончилик, чақим-чилик, тухмат, бахиллик, очкўзлик, адоват, ҳақорат, нифоқ, зулм, ялқовлик, қўрқоқлик ва бошқалар киради.

Ички ишлар идоралари ходимларининг хулқ-атвор маданияти, шубҳасиз, ходимларнинг аҳоли билан бўладиган муносабатларида фақат яхши хулқларини намоён қилишлари, ёмон хулқларини яширишлари, уларни йўқ қилиш учун курашишларини тақозо этади.

Одамларнинг хулқ-атвор маданияти тўғрисида «Хадис»ларда шундай дейилган: «Сизлар одамларни мол-дунёларингиз билан мамнун қила олмайсизлар, балки очик юз ва яхши хулқларингиз билан миннатдор қилишларингиз мумкин», «Мўминларнинг афзали хулқ-атвори яхшиларидир»¹, дейилган. Шундай экан, халқнинг осойишталиги, тинчлиги, бахт-саодати йўлида хизмат қилаётган ҳуқуқ посбонлари ўзларининг яхши хулқлари билан халқ орасида обрў топишлари об-хаводек зарур.

Ички ишлар идоралари ходимларининг хулқ-атвор маданияти хушмуомалалик, маданиятлилик, одоб кабиларда намоён бўлади.

Хушмуомалалик деб ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб, самимий, сиполик ва мулойимлик, камтарлик, хайрхоҳлик, холислик билан қиладиган ахлоқий хатти-харакатларининг мажмуасига айтилади.

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари.-Т.:Фан, 1990.-34,52-б.

Хушмуомалалик ички маданиятнинг ташқи кўринишидир. Унинг асосини инсонийлик ташкил этади. Фуқаролар билан бўладиган хушмуомалалик қуйидаги хулқ-атвор қоидаларини қамраб олади:

- одамларга хурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш;
- инсонга хайрхоҳлик, эътиборлилик;
- мухтожларга ўз вақтида ёрдам бериш, уларнинг ҳолатини чиқариш;
- илтифот билан жой кўрсатиш, жой бериш, олдинга ўтказиб юбориш, ёрдамлашиш;
- одамларни ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ноқулай ахволга солиб қўймаслик, агар шундай ҳолат юз берса, тезликда кечирим сўраш ва ўз хатти-ҳаракатини тузатиш;
- кексаларга, болаларга ва аёлларга алоҳида илтифот кўрсатиш ва хоказолар.

Ходим ушбу талабларга ўзининг бутун фаолияти давомида, яъни фуқароларни қабул қилганда, кузатиб қуйганда, жамоат тартибини сақлаш учун хизматга чиққанда, жинойтчиларни ушлаганда, тинтув ўтказиш, сўроқ қилиш чоғида, хизматдан ташқари вақтларда, транспортда, театрда, кино залларида, уйда ва жамоат жойларида амал қилиши керак.

Ташиқи қиёфа шахснинг ички маданиятидан келиб чиқувчи жисмонан соғломлик, тананинг бекаму-кўстлиги, хатти-ҳаракатларнинг енгил ва нафислиги, кийим-бош ва афт-ангорнинг покиза ва озодалиги ҳамда уларнинг ўзаро муносаббати, аниқроғи тана ва кийимнинг ўзаро уйғунлигидир.

Ички ишлар идоралари ходимларининг кийиниш маданияти деб уларнинг Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган либос кийиш ва фарқловчи белгилар тақиб юриш қоидаларини оғишмай амалга ошириш асосида ўз кадр-қимматини сақлашга ва бутун ички ишлар органларининг обрў-эътиборини ҳимоя қилишга қаратилган ахлоқий-эстетик хатти-ҳаракатлари тизимига айтилади.

Хулоса

Мазкур мавзуга хулоса сифатида шуни айтиш керакки, Маданиятшунослик курси гуманитар фанлар қаторида олий ўқув юртларида ўрганилиши ҳозирга давр талабига мос келади. Жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни фақат иқтисодий, сиёсий тадбирлар ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш билангина тўла ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун жамиятнинг маънавий ҳаётини ҳам қайта қуриш талаб этади. «Маънавият йўқ жойда- деган эди Президент И. А Каримов — ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди».

Маданиятшунослик фани бевосита ИИО ходимлари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки ҳар бир ички ишлар органи ходими бевосита фуқаролар билан мулоқат қилишда, моддий ва маънавий бойликларимизни асраб авайлашда, қолаверса маданиятли шахс сифатида камол топишида бу фаннинг ўрни беқиёсдир.

Маданиятшунослик тингловчиларга жаҳон маданияти ва унинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон маданиятини ривожланиш тарихи, хусусиятлари, ўзаро алоқадорлиги муаммолари ва истиқболлари тўғрисида билим, кўникма ва малакаларни бериш билан айна пайтда, миллий маданиятга ва ўзга миллатлар маданиятларига, кадриятларига уларни ҳурмат руҳида тарбиялашда, маданият ёдгорликларига ижодий муносабатда бўлишларида, маънавий жиҳатдан ривожланишларида кўмаклашади

Маданият жуда қадим замонларда, меҳнат жараёнининг тараққиёти натижасида пайдо булди. Меҳнат жараёнида инсон тафаккури камол топди, гўзаллик ҳисси ортди, воқеликдаги гўзаллик қулайлик ва фидойилик тушунчалари кенгайди. Инсоният цивилизациясида жамият вужудга кела бошлаши билан эса ижтимоий тараққиётда катта ўзгаришлар содир бўлди: ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқа бошлади. Бу эса фан ва маданият ривожига муҳим аҳамият касб этди. Омма орасидан

етишиб чиққан файласуф олимлар, мутафаккир ва алломалар олам ва одам ҳақида, худо ва коинот ҳақида, илм-фан, тараққиёт ва дин ҳақида фикр юритишди. Шунингдек, истеъдодли ижодкорлар меҳнаткаш халқ оммасининг орзу-истакларини, уларнинг гўзаллик ва худбинлик, олийжаноблик ва инсонпарварлик ҳақидаги тушунчаларини ифода этувчи асарлар яратдилар. Халқнинг турмуши, хулқ ва одатлари, ютуқ ва мағлубиятлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Маданият, ҳар бир даврда мавжуд бўлган ҳаёт гўзалликларини ифодалаб, одамларда юксак ҳислат ва фазилатларни камол топтирди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик, ёрқин келажакка интилиш йўлидаги курашга даъват этди.

Юқоридагиларни ҳулосалаб, шуни қайд этиш мумкинки, ички ишлар идоралари ходимларининг ташқи кўриниши, биринчидан, унинг ички маданияти, яъни тиришқоқлиги, хизматга шайлиги, интизомлилиги, ўз касби ва атрофдагиларга муносабатини билдирувчи; иккинчидан, фуқаролар ва ўз ҳамкасбларининг ишончига сазовар қилувчи; учинчидан, инсонга эстетик завқ берувчи; тўртинчидан, атрофдагиларга ахлоқий-руҳий таъсир ўтказиб тарбияловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Кўпгина ижодий йўналишлар орқали, янги эстетик қарашлар орқали замонавий Ўзбекистон маданияти ўзининг ривожланиш тенденциясини оширмоқда. Бу ҳодиса ўз навбатида Ўзбекистон маданий-маънавий ҳаётини барқарорлаштириш учун замин яратмоқда.

Маданиятшунослик фани маданият тизими ҳақидаги фан экан, бу тизим барча халқлар маданиятининг дурдоналаридан ташкил топади. Бу фаннинг вудудга келиши маданиятнинг инсон ҳаёти ва жамиятдаги аҳамиятини англаб етиши билан изоҳланади. Фанда тупланган кенг ва кўплаб фактлар шуни кўрса-тадики, маданият жамият ҳаётининг барча соҳаларида амал қилади, ижтимоий тараққиётнинг йўналиши динамикасини белгилайди.

Маънавият ва маданият – инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашларини шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўриш учун

мослашиб олишига йўл қўймайди, фожеалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунлари иродасини мустаҳкамлайди.

Мавзу бўйича саволлар

- 0. “Маданият” атамасини ким биринчи бор муомалага киритган?
- 0. “Маданият” атамасини луғавий маъноси нима?
- 0. “Маданият”нинг элементларини белгиланг?
- 0. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилувчи ҳуқуқий ҳужжатни кўрсатинг?
- 0. “Маданият”нинг асосий турларини белгиланг?
- 0. Қуйидагилардан қайси бири “Маданият”нинг соҳаси бўлиб ҳисобланади?
- 0. Қуйидагилардан қайси бири “Маданият”нинг соҳасига тааллуқли эмас?
- 0. Моддий маданият нима?
- 0. Ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва моддий ҳаёт учун хизмат қиладиган бойликлар
- 0. Маънавий маданият нима?
- 0. Маданиятшунослик фанининг предметини нималар ташкил этади?
- 0. Маданиятшунослик фанининг вазифаларини аниқлаб беринг?
- 0. “Маданиятшунослик” фани қайси фанлар билан боғлиқ?
- 0. “Маданиятшунослик” фанига қачон асос солинди?
- 0. “Маданиятшунослик” фанининг асосчиларидан қайси бири тўғри кўрсатилган?
- 0. Маданиятшунослик фанига асос солинганлигини, унинг мустақил фан сифатида бир тизимга келтирилганлигини қайси асарларда кўришимиз мумкин?
- 0. Маданият ижтимоий ҳаётнинг...
- 0. Қуйидагилардан қайси бири “Маданиятшунослик” фанининг тадқиқот манбаи бўлиб ҳисобланади?

2 - мавзу

ЖАҲОН МАДАНИЙ ТАРАҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ

1-§ Моддий ва маънавий маданият ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги

Маданий жараёнинг ўзига хослиги шундаки, маданият ҳодисаси ҳар доим шакл ва мазмун, борлиқ ва муносабат, нарсанинг мавжудлиги ва унинг рамзий мазмуни уйғунлигига эга бўлади. Моддий маданият ва маънавий маданият-маданиятнинг асосий икки соҳаси бўлиб, бир-бири билан ўзаро алоқада, ўзаро таъсирда ва бир-бирини тақозо қилган ҳолда ривожланади. Моддий маданият ҳар доим маълум бир маънавий маданиятнинг тимсоли ҳисобланади, ўз навбатда маънавий маданият ҳам қайсидир нарса, белги, тасвир, рамзларда моддий уйғунликда мужассам бўлади.

Моддий маданиятнинг маънавийдан тарихан айрилиги фақат инсоният тараққиётининг бошланғич даврларигагина хосдир. Жамиятда маънавий фаолият махсус соҳага айлангач ахлоқий мезонлар, дин, санъат, ҳуқуқ, сиёсат, фан шаклланиб, маълум доирадаги кишилар бу соҳа билан шуғуллана бошлади.

Узоқ вақтлар фанда маданият деганда фақат маънавий маданият назарда тутилди. Негаки, борлиқни ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик белгилайди деб ҳисоблашган. Шунинг учун, биринчи ўринда илмий тадқиқотларнинг асоси фан ахлоқ, нафосат бўлиб келди. Натижада, жамиятнинг моддий ҳаётини, унинг иқтисодиётини ўрганишга эътибор берилмади. Моддий маданият тадқиқот учун қизиқарсиз, ҳисобланган.

Индустриал жамиятининг вужудга келиши, унинг техникавий тараққиёти ва технологияларини тезда алмашиши маданиятшуносларни инсониятнинг барча моддий маданиятини ўрганишга мажбур қилди.

Кишиларнинг амалий қайта ўзгартирувчилик фаолияти, уларни ижтимоий ишлаб чиқариш ва такрорий ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги моддий маданиятнинг ўзига хос соҳаларга бўлиниши маданиятшуносликда муайян тадқиқотларга зарурият туғдирди.

Моддий маданиятнинг **биринчи катта соҳаси** бу меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришнинг барча воситалари, турар жойлар, алоқа воситалари, техника қурилмалари. Хуллас, сунъий шароитда яратилган нарсаларнинг барчаси, шунингдек моддий маданиятнинг бу қисми ишлаб чиқариш техника маданияти ёки жамият ҳаётининг моддий техника асоси деб аталади. Ишлаб чиқарувчи техника маданиятининг махсус қисмини ишлаб чиқариш технологиялари, меҳнат фаолиятида иштирок этувчиларнинг ижодий кўлами, уларнинг техник билими, ишлаб чиқариш маданияти, жисмоний ва руҳий имкониятлари ташкил қилади.

Моддий маданиятнинг **иккинчи соҳаси** ижтимоий ҳаёт ва унинг барча тармоқларининг меъёрий ҳаракатини таъминловчи кўплаб ижтимоий институтлар, ташкилот ва муассасалар фаолияти билан боғлиқ. Бу турли ҳокимият тузилмалари ва унга муносиб бошқарув шакллари, ижтимоий ташкилотлар, таълим, ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш, соғлиқни сақлаш ва дам олиш, бўш вақт ва кўнгил очиш муассасалари тизими каби барча ижтимоий институтлар амалда жамият маданиятини сақлайди, ўзгартиради ва қайта шакллантиради.

Моддий маданиятининг **учинчи соҳаси** (ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи) инсоннинг ўзи ҳисобланади. Моддий маданиятнинг бу соҳаси нафақат инсониятни шунчаки биомавжудотлик муаммоларини тадқиқ қилмасдан, балки авлодларнинг ўзаро муносабатлари муаммоларини ҳам таҳлил қилади.

Инсон улғайиши ва жамоага мансублиги мезонидан бошқа жамият маданияти аъзоси сифатида шаклланиши мумкин. Икки хил,

баъзан инсонни икки турдан ҳам кўпроқ маданиятга мансублиги уни кўп томонлама, турли маданий оламга мансуб қилади. Аммо, бунда маълум хавф ҳам яширин бўлади. Яъни, улғаювчи авлод жамиятга аралашуви жараёнида бегона маданиятларнинг аралашуви ёшларни ўзининг маданият манбаидан айрилишига, ўз этник анъаналарини тушунмаслигига олиб келади. Ўз миллий маданиятидан маҳрум киши манқуртга айланади ва ҳар қандай маданиятга ҳам бефарқ муносабатда бўлади. ***Шунинг учун мерос, маданиятнинг узлуксиз анъанавий янгиланиш жараёнини таъминлаш ўта муҳим.***

Моддий маданият муайян тарихий даврда жамиятда мавжуд бўлган буюмларни моддий ишлаб чиқариш фаолиятининг барча соҳаларини ва натижаларини ўз ичига олади.

Маънавий фаолиятнинг турли шакллари мавжуд, бироқ, уларнинг барчаси илк бутунлик элементлари бўлиб қолади. Фан, дин, фалсафа, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ сиёсат, мафкура миллий ўзлик маънавий маданиятнинг аниқ шакллари ҳисобланади. Алоҳида шаклдаги маънавиятнинг хусусияти махсус тузилиш ва маълум вазифалар мажмуидан иборат, ҳар бирининг ўзига хослигида ифодаланади. Маънавий маданиятнинг айрим шакллари (фан, санъат) «чегараланганликда» фарқлашади, яъни маънавий маданиятнинг аниқ соҳасига айланади, бошқа шаклларида (ахлоқий, эстетик) фаолиятининг барча турлари қоришиб кетади. Маданиятдаги ҳайратланарли функционал ҳаққонийлик шуки, унда ҳеч бир ортиқча, шунчаки нарсаяўқ, барча маданият ҳодисаси ўзаро фойдали улуши алоқадорликда кечади.

Тадқиқотчилар маданиятнинг турли функцияларини кўрсатадилар. Жумладан: **Оламни ўзлаштириш ва қайта ўзгартириш**; бунда у мавжуд нарсаларнинг жисмоний талабларини, шунингдек ижоддаги ҳаётий талабларни қондириш зарурати билан боғлиқ.

Ҳимоя-мослашув вазифаси; жамият ва атроф-муҳит ўртасидаги мувофиқликни сақлаши. Ушбу функция узок вақт қийин табиий шароитларда барча янги ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишида ва кўниктиришда (олов, турар жой, кийим, деҳқончилик ва ҳ. к.) одамнинг омон қолишини таъминлайди. Кейинги вақтларда ўта жиддий бўлиб турган муаммо табиатан ҳимоя қилувчи воситаларни яратиш, бунда экологик мезон, экологик тафаккурининг кенг кўламда ёйилишини амалга ошириш зарур.

Сигнификатив функция (белгилаш, рўйхатга олиш мазмунида):- мазмун, маъно, ном, белгилар кўламини ишлаб чиқиш воситасида дунёнинг қиёфасида, воқеликни белги тизимининг яратилиши. Сезгилар ҳам, ташқи идрок ҳам, на шуурнинг бевосита кечинмалар ҳолидаги йиғиндиси ҳам йўналишни аниқлаш тизимини инсонга таъминлаб бермайди. Бу вазифани маълумотларни ўзида сақламасдан, назарий моделлар ва ахборотлар билимини тўпланиши вужудга келтириш учун фақат материал бўлиб хизмат қилувчи мазмун бажаради.

Ахборотларни ўзлаштириш ва йиғиш функцияси хабарларни йиғиш ва сақлаш воситаси табиий хотира ёки хабарларни нарсаларга ёзиш (қўлёзмалар, картиналар, пластинкалар, китоблар, кинотасмалар, оҳонрабо ёки рақамли ёзувлар) бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ахборотларни ташкил қилиш, унинг қадри ва мазмуни бўйича тартибга солишнинг маълум усули ва белгилар тизими зарур. Ҳозирги даврда тил белгилар тизимининг кенг кўлами ва ўта аҳамиятлиси бўлиб қолмоқда.

Коммуникатив функция (алоқа алмашув) – моҳиятини аниқлашда билимлар, фикрлар, маънавий кучларни алмашлаш. Ижтимоий ҳаёт доимий равишда энергия, ахборот, ўзаро амалий ҳамкорликни тақозо қилади, негаки, фақат турли тиипларнинг муносабати (анъанавий, функционал-аҳамиятли, шахслараро, ишлаб

чиқарувчи, маърифий-маданий) жамиятнинг тузум сифатида мавжудлигини ва унинг кейинги тараққиётани таъминлашга қодир.

Нормативийлик функция (мезон-меъёрий)- кишилар хулқини тартибга солиш, уларнинг кучини бир меъёрда ва жамиятни бир бутунликда сақлаш мақсадида мувофиқлаштириш. Меъёр-қоида қандайдир ҳаракат ёки қандайдир предметлар, нарсаларни яратиш соҳасида аниқ кўрсатмадир. Онгли равишда ўрнатилган ёки кўп асрлик анъаналарга таянувчи мажбурий, тақиқловчи меъёрлар мавжуд (ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлар), бироқ уларнинг мазмуни бор жамиятни барбод қилмаслик учун кишилар фаолиятини тартибга солиш, аниқ чегаралар билан белгилаш.

Рухий ёки «лойиҳавий» мўътадиллик- байрамлар, диний маросимлар, ўйин, томоша жараёнларида руҳий зўриқишларни бартараф қилиш. Қоникдрсиз истаклар, рўёбга чиқмайдиган ниятлар, амалда тақиқланувчи жанжаллар мавжудлиги руҳий зўриқишлар пайдо бўлишига олиб келиб, нафақат маълум бир шахс саломатлигига зарар етказди, балки, оммавийлик касб этиб, жамият ҳаракатини издан чиқариши мумкин. Шунинг учун маданиятда кераксиз ҳиссиётдан халос бўлиш механизми ишлаб чиқилган.

Хуллас, кишилар яратган моддий ва маънавий қадриятлар, бойликлар уларнинг қобилиятлари, муносабатлари ва моҳиятли кучлари намоён бўлшидан иборат. Инсон маданият соҳасида бу маънавий қадриятларга ўз муносабатини билдирар экан, айти вақтда, ўзи ривожланадиган, ўзи ўзгариб турадиган моҳият сифатида ҳам намоён бўлади. Демак, маданият нарсалар шаклида, инсон фаолиятининг тайёр маҳсулотлари шаклида ва инсоннинг жонли қобилиятлари, билимлари шаклида яшаб туради.

Кишилар ижтимоий тажриба жараёнида зарурий моддий шарт-шароит ва ҳаёт воситаларини яратиш билангина кифояланмай, айти

чоғда ўз онгини ҳам такомиллаштиради. Ижтимоий онг шакллари (дунёқараш, ахлоқ, ҳуқуқ, эстетик онг) вужудга келтирадилар ёки маънавий ишлаб чиқариш фаолиятни амалга оширадилар. Буларнинг мажмуи маънавий маданият соҳасини ташкил этади.

Маданиятнинг қуйидаги функциялари бевосита шахс билан боғлиқ:

— **«Гоминзация»** — уруғдошлик хусусиятларини ўрганади. Маданият «ақлли одам» учун хос бўлган-нутқ, нарсаларни рамзий ифодалаш (ёки мавҳум тафаккур) хусусиятларини ҳар бир одам ўрганишга имкон яратади.

— **Социализация** — (умумлаштириш)-жамият ҳаёти учун унинг ҳақиқий аъзоси сифатида зарур ҳисобланган маълум миқдордаги шартларни ўзлаштириш. Бу функция идрок, тафаккур, нутқ, сўзларни қўлланилиши, оҳанги, имо-ишора ва шама, типик ҳодисаларга муносабат тарзи, шунингдек, талаб ва қадрият йўналишлари тизимини шакллантириш каби андозавий усулларнинг мустаҳкамлаш билан боғлиқ

— **Инкультурация** — аввало ўз халқининг, кейин эса умуминсоний маданий меросга (аралашиш) муносабатда бўлиш.

— **Индивидуализация** — маданият маълум шахслар қобиляти, иқтидори, хусусиятини ўта ривожлантиришга мўлжалланган. Шахс маданияти қолган барча маданиятлар доирасида- (жамият, инсоният) энг асосий бўғин бўлиб, бу ҳар бир аниқ шахс маданиятининг баркамоллик даражасига жамият ёки бутун инсоният маданияти боғлиқ бўлишини билдиради.

Шахс маданиятининг шаклланишида жамият маданиятининг қуйидаги тизимлари унга ўз таъсирини кўрсатади.

Сиёсий маданият.

Иқтисодий маданият

Ахлоқий маданият.

Эстетик маданият.

Маданият тизимида **фан**- моддий ва маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, фан маънавий ишлаб чиқаришнинг маҳсули сифатида ўзида инсоннинг моҳиятли кучларини ифода этиб, маданият ҳодисаси сифатида намоён бўлади.

Фан маданият ҳодисаси сифатида билимларни ишлаб чиқариш хусусиятлари назарда тутилади. Ҳар қандай тасаввур ва билимлар сингари фан ҳам ижтимоий практика, ижтимоий эҳтиёж туфайли юзага келади¹.

Маданият тизимида **дин** инсоннинг эътиқод рамзи, охират ш ҳаёт тасаввурларнинг маънавий ва моддий маданият сифатида намоён бўлишидир. Шунингдек, дин барча жамиятларда ахлоқни шакллантирувчи соҳа бўлиб келди ва ғоявий-сиёсий йўналишларга эга бўлди.

Қадрия тушунчаси маданиятшуносликнинг асосий тушунчалари дандир. Айрим тадқиқотчилар уни даврнинг эҳтиёжини белгилайди, яъни, тарихий хусусият касб этади деб ҳисобласа, бошқа бир тадқиқотчи Рикерт аксинча, қадрият доимий, универсал хусусиятга эга дейди. Т. Парсонс қадрнинг меъёрий андоза деб айтади. Мазкур турли хил, ҳатто қарама-қарши фикрлардан қадриятнинг маъноси кўп қиррали эканлиги англанади.

Қадрият – кишилар ҳаётида ўта аҳамиятли ҳодисадир. Уни маданият соҳалари рўёбга чиқарган ҳодиса сифатида боғлиқликда англаш мумкин. Шунда хўжалик, техник, ижтимоий, сиёсий, бадий, илмий, ахлоқий қадриятлар ажралади. Расмий нуқтаи назардан қадриятни ижобий ва салбий, ўзига хос ва доимий, мустақил ва шартли тарзда фарқлаш мумкин. Моддий нуқтаи назардан қадрият ҳиссий (яъни оддий ҳис қилиш органи)- бу ҳаётӣ, маиший, техник, қониқиш

¹ М.Абдуллаев. Маданиятшунослик асослари. Фаргона, 1998 й., 40-бет.

қадрияти ва бошқа; ва маънавий-илмий, ахлоқий, эстетик, диний ва бошқаларга бўлинади. Айрим қадриятлар (хўжалик, техник, сиёсий) тарихий хусусият касб этиб, яъни маданият, давр ўзгариши билан улар ҳам ўзгариб туришини батафсилроқ ўрганиш чошда аниқлаш қийин эмас; бошқа қадриятлар эса доимий, универсал хусусиятга эга (ахлоқий, бадий).

Қадриятларнинг иерархияга асосланган мураккаб тазимида индивиддага сингари турли тоифадаги умумнинг ҳам ўзига хослиги асосий ва такрорий, марказий ва четдаги, устунлик ва ҳолатдаги тарзларга ажратиш мумкин. Қадриятлар рўйхати ҳар бир жамиятнинг миллий ва ўзига хос цивилизацияси билан боғлиқ ҳолда кескин фарқланади. Ҳамма даврларда, барча халқларда энг юксак қадриятлар эзгулик, ҳаё, меҳнат, севги, ҳақиқат, бахт сингари мезонларда ифодаланган.

Қадриятлар амал қилиш доирасига кўра миллий, минтақавий ва умуминсоний турларга бўлинади.

Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олади.

Минтақавий қадриятлар иқтисодиёти, маданияти, тили, тарихи, дини урф-одат ва анъаналари муштарак бўлган халқлар мафаатларига хизмат қиладиган табиий ва ижтимоий ҳодисалар мажмуасини ташкил этади.

Умуминсоний қадриятлар мазмуни жиҳатдан чуқур ва кенг бўлиб, умумбашарий аҳамият касб этади. Умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишига мувофиқ келади. Миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан

қанча кўп унрунлашган бўлса, уларнинг тараққий этишига шу қадар кенг имконият очилади.

Маданиятнинг меъёрий ривожланиши уни асраб келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришни билдиради. Бироқ, бу жараён оддий ва бир хилда кечмайди. Унинг аниқ намоён бўлиши типларининг кўплиги, тенденциялар хилма-хиллиги билан фарқланади. Ҳар бир янги авлоднинг ворислик механизми ўтмишдошларининг тажрибасидан маданиятнинг турли соҳаларида фарқланади: санъатдаги ўлчам фандагидан бошқача; табиий фанлар гуманитар фанлардан фарқли. Ворислик (мерос) ҳар қандай соҳада инсоннинг ҳақиқий ўзлаштиришда намоён бўлади, ва айти пайтда маҳаллий ёки дунё миқёсидаги жараёнлар шаклида ҳам ифодаланиши мумкин.

Бу фаолият маданий босқичларда бир меъёрда, теккис йўналиш шаклларида бўлмай, унинг бир босқичдан иккинчи босқичга сакраб ўтиши нотекис бўҳронлар хусусиятига эга. Инсониятнинг маънавий ютуқларини мерос қилиб қолдиришда ворислик кенг миқёсли (умумий) шаклда жараёнлар муффасал йўналишда амалга ошади.

Агар маданият ва маънавият соҳалари таркибида тил, удумлар, анъаналар ва бошқалар бўлса, маълум халқнинг маданият тарихи доирасида мерос қолдириш жараёни яхшироқ кечади. Бошқа соҳаларда эса техника, фан, санъат каби соҳалардаги бир халққа тегишли мерос бошқа халқларга ҳам тегишли мулкка айланади.

Кейинги авлодларга мерос қолдириш учун маданиятда белгиланган усул ва механизм мавжуд. Улардан баъзилари қадимдан амал қилади, бу — намойиш қилиш, оғзаки узатиш, фольклор, санъат; бошқа усуллар кейинроқ пайдо бўлди, бу — кино тасвири, оҳанрабо ёзуви, компьютер хотираси. Барча жамиятларда ҳам ҳақиқатдан маънавий мероснинг фойдаланиш имкониятларини ўзгартириш шароити бир хилда эмас. Улар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ғоявий омиллар

билан белгиланади. Бу омиллар мероснинг ҳажми, танлаш хусусияти, интенсивлигига боғлиқ. Бизга маълумки совет жамиятида коммунистик гоё ҳукмронлиги даврида халқлар, хусусан Ўзбекистонда ҳам ўзининг ҳақиқий тарихий, миллий ва маънавий меросидан маҳрум этилган эди. Умуман, маданий меросдан мутлақо маҳрум бўлган ёки фойдаланмаган жамият ёки халқлар тарихда бўлиши мумкин эмас.

2-§ Маданият ва цивилизация. маданиятнинг асосий турлари ва йўналишлари

Цивилизация тушунчасини ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини ифодалаш учун ишлатиш маълум маънода ўринли. Чунки бундай маънода ишлатилганда, цивилизация тушунчаси кишилик жамияти ривожланишининг ибтидоий ҳолатидан кейинги даврдаги бутун ҳолатини тўлалигича қамраб олади. Варварликдан цивилизацияга ўтиш ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиши, товар ишлаб чиқаришнинг юзага келиши, савдо-сотиқнинг пайдо бўлиши ва уни касб қилиб олган савдогарлар қатламининг шаклланиши, металл пулнинг муомалага киритилиши, ёзувнинг пайдо бўлиши, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг бир-биридан ажралиши, сиёсий ҳокимиятнинг қарор топиши каби хусусиятлар билан характерланади¹.

“Маданият” тушунчаси билан “цивилизация” тушунчасини кўп ҳолларда синоним сифатида ёнма-ён ишлатилади. Бунда, цивилизация тушунчаси остида яратилган моддий ва маънавий ютуқлар назарда тутилади. Лекин, цивилизация ҳақида юқоридаги фикрга қарама-қарши бўлган қарашлар ҳам мавжуд. Немис файласуфи О.Шпенглер уни маданиятнинг антиподи маъносида, яъни маданиятнинг ҳалок бўлиш жараёнини, босқичини характерлаш учун ишлатади. Шпенглер учун цивилизация – бу ижодиёт, илҳомланиш, илҳом, ривож, маънавий бойиш

¹ Ўша асар. 310-бет.

даври ўрнига жамиятнинг тошқотиши, ижоднинг танг ҳолатга келиши, маънавий бўшлиқ даври билан алмашувидир.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, цивилизация кишига боғлиқ бўлмаган, унинг ташқарисида содир бўлаётган ташқи ҳаёт, олам, ташқи жараёндир. Маданият эса бунинг акси бўлиб, у айнан киши ички дунёсида вужудга келадиган жараёндир. Маданиятнинг ундай ёки бундай бўлиши киши ички дунёсининг қай даражада бой ёки камбағал эканлигидан далолат беради.

Цивилизация – бу аввало маданият ютуқларидир. Бир маданиятнинг ўзи эса бир нечта династия ва давлатлардан узоқ яшаши мумкин. Ўз навбатида бир цивилизациянинг ўзи ҳам шунчалик узоқ умр кўрадики, умри давомида бир-бирини босиб олган турли давлатларни кўриш имкониятига эга бўлади. Цивилизация турли ҳудудларга тарқалиши, уларни босиб олиши (фақат куч ишлатиш йўли билан эмас), янги-янги халқ ва давлатларни эгаллаши мумкин. Шунингдек, цивилизация ўз маданий қадрият ва ютуқларини бошқа бир цивилизацияга бериб ўзи йўқолиб кетиши ҳам мумкин.

Айрим ҳолларда бир нечта цивилизациялар бирлашиб, ягона цивилизацияни ташкил қилиши ҳам мумкин (маслан, грек-рим цивилизацияси). Цивилизациялар бир-бири билан параллел равишда яшаши ҳам мумкин, ёки бўлмаса бирин-кетин вужудга келиши ҳам мумкин. Нима бўлганда ҳам цивилизация тарихи – бу маданият тарихидир. Цивилизацияни ўрганиш – бу ундаги маданият ривожини ўрганишдир.

Цивилизация маданиятнинг конкрет намоён бўлишини, унинг реал мавжуд ҳаётини акс эттиришидир. Цивилизация маданиятсиз, маданиятнинг цивилизациясиз, ундан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас. Чунки, инсон маълум бир цивилизация бағрида ўтмиш авлодлари томонидан яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштирган ҳолда шаклланиши, камол топиши мумкин.

Маданият, келиб чиқиш жиҳатидан бир бутунликдаги яхлит ҳодисадир. Лекин, у ҳамиша изланишда, ривожланишда бўлади. Демак, маданият ўз хусусиятига кўра ўзгарувчандир. Минг йил ичида маданият шу даражада ўзгарадики, бемалол у маданий ҳолат билан бу маданий ҳолат ўртасидаги сифат даражасини фарқлаш мумкин. Бу даврда юз берган ўзгаришларга қараб ҳаттоки бемалол, ўзаро ўрин алмашган маданият турлари ва шаклларини ажратсак бўлади. Шу билан биргаликда, бир вақтнинг ўзида, параллел равишда яшаган маданият турлари ва шакллари ҳам мавжуд бўлган. Эр.ав. V асрда мавжуд бўлган қадимги Греция маданияти билан шу даврда сайёрамизнинг бошқа нуқтасида ривожланаётган маданият ўртасида фарқ бўлиши табиийдир.

Хўш, маданиятнинг асосий турлари қандай бўлади? Улар нечта? қайси белгилари орқали маданиятнинг бир тур иккинчи турдан фарқланади? Бу саволлар жавоби типологиянинг (туршунослик) асосий мазмунини ташкил этади. Бирон-бир юз берган ҳодисанинг типологиясини (турларини) аниқлаш мураккаб жараён ҳисоблансада, маданият типологияси алоҳида қийинчиликлар туғдиради. Хўш, булар қандай қийинчиликлар экан?

Биринчидан маданият «моторли ғилдирак» каби тўхтовсиз равишда ҳаракатда, ривожланишда бўладиган ҳодисадир. Бундай «ғилдиракли» маданиятнинг вақт-давр жиҳатидан аниқ чегарасини топиш осон иш эмас. Сабаби, бир тарихий-маданий этап даври бошқа бир тарихий-маданий этап даврига мос тушмаслиги, иккинчи этапнинг ривожланиш даври кўпроқ ёки камроқ вақтни ўз ичига олган бўлиши мумкин. Масалан, тарихий манбаларда эрамизнинг IV асригача бўлган давр қадимги дунё, эрамизнинг IV асридан кейинги давр ўрта аср деб юритилади. Тарихни, маданий ривожланишни, боринки цивилизацияни бундан хронологик чегаралаш Жанубий ва Ғарбий Европа худуди тарихи, маданиятига мос тушади. Бошқа

кўпгина ҳудудлар маданий ривожланиш даврини, тарихини эса бу хронология қониктирмайди.

Нимага энди айнан эрамизнинг IV асри чегара қилиб олинishi лозим? Нимага эрамизнинг III ёки II асри қадимги дунё билан ўрта асрлар ўртасида чегара вазифасини бажармайди?

Нима учун бошқа ҳудуд маданияти ёки тарихи бу сана билан ҳисоблашиши лозим?

Иккинчидан, турли халқлар, турли ҳудудлар, турли даврлар маданияти бир-бирларидан фарқланишлари ҳам, бир-бирлари билан умумий жиҳатга эга бўлиш ҳам мумкин. Масалан, тил ўхшашлиги, дин умумийлиги, моддий ёки маънавий-бадий ҳаётнинг яқинлиги ва ҳ.к. Савол туғилади: Хўш, қанчалик даражада ўхшаш бўлишлик иккита алоҳида маданиятни бошқа-бошқа маданият турлари сифатида ўрганилишига йўл қўймайди? Бошқача изоҳлаганда, иккита турли хил маданиятнинг умумий жиҳати нечтага етганда ёки нечта бўлганда улар алоҳида олинган маданият турлари бўлмай ягона маданият турига айланиб қолади? Шундай қилиб, бу йўл билан ҳам маданият турлари чегарасини аниклаш тўғри хулоса бермайди. Масалан, айрим илмий адабиётларда қадимги грек маданияти бир маданият тури, қадимги Рим маданияти иккинчи маданият тури деб ўрганилса-да, бошқа адабиётларда бу икки маданият тури битта қилиб грек-рим маданияти деб юритилади.

Чуқур мулоҳаза қилиб кўрилса, алоҳида равишда грек маданият тури деб ҳам, Рим маданият тури деб ҳам, ҳар иккисини қўшиб грек-рим маданият тури деб ҳам юритиш тўғридек туюлади. Лекин, бунда аниқ чегара яна йўқолади. Хўш, бу ҳолатда маданият турларини ажратиш керакми ёки қўшиш керакми?

Учинчидан, жаҳон маданиятини, жаҳон маданияти бойлиги ва меросини, инсониятнинг маданият оламида эришган ютуқларини биз ягона, битта умуминсоний маданият ва бойлик деб тушунамиз. Шундай экан,

ягона жаҳон маданияти мавжуд экан нима учун маданиятни турларини аниклаш, уни бир нечага ажратиш лозим?

Бу саволларга айнан маданият типологияси жавоб бермоғи керак. Яъни типология халқаро, миллатлараро, ижтимоий гуруҳлараро маданият, мулоқот ва муносабат қай даражада эканлиги аниклаш, уларни ўрнатиш муаммолари ечими билан боғлиқ. Бу муаммолар ечими нафақат типологияга балки тарихга ҳам, сиёсатга ҳам боғлиқ муаммолардир. Бу муаммолар ечимига маданият тақдири, демак, инсон тақдири ҳам боғлиқ.

Кўп ҳолларда маданиятшунослик бўйича мутахассислар бир неча цивилизацияларни аниклаб олиб, шундан сўнг, ушбу цивилизациялар ичида ривожланган маданиятларнинг кўринишини, уларнинг ўзига хослигини ўрганишади. Лекин, О.Шпенглер назарияси бундан мустасно. Биринчи мавзуда таъкидлаб ўтилганидек, О.Шпенглер маданият ва цивилизацияни бир вақтда юз берадиган жараён, бири иккинчисининг ичида учрайди деб ҳисобламайди.

У, цивилизация вужудга келганда маданият ўлади, деб фикрлайди. (О.Шпенглер ўзининг “Закат Европы” 1918 йил, асарида цивилизацияни техник-механик элементлар йиғиндиси даври, маданиятни эса “органик ҳаётнинг шоҳлик даври” деб тушунтиради). Шундай қилиб, бошқа мутахассислар сингари маданият ва цивилизацияни бир-бирига боғлиқ деб ҳисобламайдиган Шпенглер улардаги ривожланиш этаплари ҳам бошқа-бошқа, бир-бирига боғлиқ эмас, деб таъкидлайди. Шпенглер ўз асарида 8-9 та цивилизацияларни кўрсатиб ўтади. Рус маданиятшуноси Н.Я.Данилевский (XIX аср) 10 та цивилизацияни, XX аср инглиз олими А.Тойнби 20 га яқин цивилизацияларни турли хил маданият типлари билан ажратиб кўрсатган.

Умуминсоний маданиятнинг бирлигини таъкидлаш билан бир қаторда турли хил маданият турлари ҳам мавжудлигини тан олиш керак. Жаҳон маданияти ҳам, турли маданият турлари ҳам бир-бирларини инкор

этмайдилар, аксинча, улар бир вақтнинг ўзида параллел равишда яшаб келишган. Инсоният ривожининг қайсидир даврларида маданиятнинг турланиши табиий бўлган: бир маданият иккинчи маданиятдан диний, ахлоқий қарашлар системаси, моддий ва маънавий маданият шакллари орқали фарқланадилар. Жаҳон маданиятининг ри ҳақида гап кетганда уни турли хил маданиятлар йигиндиси, мажмуаси сифатида тасаввур қилиш ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

Вақт ўтиши билан инсоният умуминсоний қадриятларга ва умумий маданиятга эҳтиёж сеза бошлади. Умуминсоний қадриятлар илк бор қадимдан, жаҳон динларининг ахлоқий қарашлари шакллана бошлаган даврларидан бошлаб вужудга кела бошлаган бўлсада, XX асрга келибгина улар умуминсоний қадриятлар деб тан олина бошландилар.

XX аср немис мутафаккири К.Ясперс фикри бўйича, эр.ав. VIII-II асрларда вужудга кела бошлаган илк умумдиний ва ахлоқий қадриятлар умуминсоний қадрият ва маданиятнинг яратилишига асос бўлиб хизмат қилди. Бу тарихий даврни Ясперс умуминсоният тарихининг асоси, бошланғич нуқтаси, деб таърифлайди. Дин эса ҳар қандай жамиятда қадрланганлиги сабабли, ундан бошланган умуминсоний маданият ҳам элатлар ва миллатлар маданияти илдизига мустаҳкам сингдирилган.

Юқорида баён этилган фикрларга қарамасдан умуминсоний маданиятнинг оёққа туриши қийин кечган. У иқтисодий, сиёсий, миллий, ирқий каби кўпгина муаммоларга дуч келган.

Шуни унутмаслик керакки, миллий маданиятларнинг умуминсоний маданиятга қўшилишда эҳтиёткор бўлиб қолишлари табиийдир. Бу эҳтиёткорлик туйғуси миллий маданият, ундаги миллий тил, анъана, урф-одатлар тақдири ҳақида қайғуради. Умуминсоний маданиятга қўшилиш айрим ҳолларда миллий маданий қадриятларнинг йўқ қилинишига олиб келади, деган тушунча мавжуд. Бир қарашда бундай ҳадикни тушуниш мумкиндек туюлсада, доимо ёдда тутиш лозимки, умуминсоний маданият

ҳар бир маданий қадриятларга ҳурмат билан ёндашиб, уларни асраб-авайлайди. Ҳар бир маданият ҳодисаси бу – бутун жаҳон маданиятининг бир элементиدير. Демак, жаҳон маданияти турли маданият кўринишларининг ҳар бир бўлагини қадрлайди.

Айрим вазиятларда миллий маданиятнинг ўзи бир неча турларга бўлинади, деб қаралади. Масалан, марксизм қарашлари тарафдорлари учун ҳар бир миллий маданиятнинг ўзи қатламларга қараб бир неча маданият турларига бўлинади, деб тушуниш хосдир. Марксизм давомчилари ҳам миллий маданиятни иккига: қуйи синф маданиятига (ишчи-деҳқон маданияти) ва буржуа маданиятига (оқ суяклар маданияти) бўлади. Агар жамиятда юзага келган синфий қатламларга назар ташланса унда помещик (бой) ва деҳқон маданиятлари мавжудлигини кўриш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, турли хил ижтимоий қатламларнинг маданий қарашлари, қадриятлари орасида кўзга кўринарли фарқлар мавжуд бўлган ва ҳозир ҳам айрим ғарб давлатларида мавжуд. Аввало бу хусусият моддий маданиятда, яъни ҳаёт тарзида, таълим олиш имкониятлари даражасида, бадиий қадриятларни танлаш имкониятларида кўринади. Аммо, тил, дин, ахлоқ - булар миллий маданиятнинг бирлигини, ягоналигини таъминловчи асосий омиллардир. XX асрга келиб илм-фан, техника шу қадар жадал ривожланиб кетдики, бу ҳол, таълим олиш имкониятлари, ҳаёт тарзи, бадиий маданиятни танлаш ўртасидаги ижтимоий қатламлараро чегарани ўчириб ташлади. XX аср маданият турларининг янгича кўринишини: оммавий ва элитар маданиятни вужудга келтирди. Хўш, бу маданиятлар бир маданият тури ичидаги ҳар хил йўналишларми ёки бошқа-бошқа маданият турларими? Юзаки қарашда ҳар икки маданият кўринишлари бир жамият ичида вужудга келган бўлиб бир маданият турининг икки хил йўналишларидек туюлсада, аслида уларнинг бир-бирига ўхшамаслиги доимо, ўзаро қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради. Шу нарса аниқки, бу икки маданиятлар ўртасида фарқ

бор. Лекин, бу фарқлар сиёсий ёки ижтимоий тенгсизлик натижаси юзасидан вужудга келмаган.

XX асрда маданият бўлинишининг яна бир кўриниши – бир-бирига асло ўхшамайдиган турларни келтириб чиқарди. Яъни, бугунги кун замонавий маданиятида икки хил кўринишли маданият турлари мавжуд. Биринчиси, ижтимоий-гуманитар фанларга асосланган одоб, ахлоқ, шахс, санъат ва ҳ.к. Иккинчиси, табиий фанлар ютуғига асосланган саноат, технология каби техник жараёнлар маданияти тури. Бу ҳолат умумий маданиятнинг бутунлигини, ягоналигини синдиради. Балки бу икки маданият турини алоҳида-алоҳида олмасдан, битта, ягона маданият турининг хар хил йўналишлари дейиш тўғри бўладими? Битта маданият турининг хар хил йўналишлари сифатида оммавий ва элитар маданиятни ҳам назарда тутиш тўғри бўладими? Бу саволларга инглиз олими Ч.П.Сноу ўз асарларида тўхталган.

Биз эса турли цивилизацияларда учрайдиган бошқа-бошқа маданиятларнинг ўзаро алоқасига тўхталиб ўтамиз. Китобхон диққат қилган бўлса, ушбу мавзу бошида маданиятшунослар (Шпенглердан ташқари) бир неча цивилизацияларни санаб ўтиб, шундан сўнг ушбу цивилизациялардаги маданиятларнинг ўзига хослигини ўрганишади, деб таъкидлаган эдик. (Ёдингизда бўлса, Шпенглер 8-9 та цивилизацияни, Данилевский 10 та цивилизацияни, Тойнби 20 га яқин цивилизацияни бир нечта маданият турлари билан кўрсатиб ўтганлигини баён этган эдик).

Бу бўлимни Н.Я.Данилевский (XIX аср, рус олими) ва О.Шпенглер (немис олими XX аср) қарашлари билан бошлаймиз. Данилевский ва Шпенглер назариялари ўзининг оригиналлиги, ҳақиқатга яқинлиги, машҳурлиги ва таниқлилиги билан ажралиб туради.

Айниқса, Шпенглер ғоялари “Закат Европы” (1918 йил) асаридан сўнг мутахассислар орасида машҳур бўлиб кетди. Данилевский ғоялари ҳам Шпенглерникига яқин бўлсада бу олимга машҳурлик юлдузи кам кулиб

боқди. Сабаби, Данилевский ўз қарашларини Шпенглерга нисбатан 50 йил аввал баён қилган булиб, бу даврда эса Европа интеллегенциясининг онги, дунёқараши ҳали бу ғояларни қабул қилишга тайёр эмас эди.

Шунга қарамай Данилевский назарияси ҳам интеллегентлар томонидан эътиборсиз қолмади. Олимнинг “Россия и Европа” (1869) асари чоп этилгандан сўнг айрим мутафаккирлар ижобий, айримлари эса танқидий фикр билдиришди.

Данилевский назариясининг бошланғич принципи бу – мустақил маданий-тарихий турларни ўрганиш давомида уларни биологик организмга ўхшатиш ва бу ўхшатиш орқали маданий-тарихий турларнинг ривожланганлик даражасини кузатиш. Яъни, маданий-тарихий турлар тирик организм каби ҳамиша бир-бирлари ва атроф-мухит билан ўзаро курашда бўладилар; биологик турлар каби улар ҳам олдиндан белгиланган кучга тўлиш, қариш ва ўлиш каби босқичларни босиб ўтадилар. Данилевский фикрича тарихнинг ҳаёт йўли – бу маданий-тарихий турларнинг ўзаро курашиб, бир-бирларини сиқиб чиқазишдан иборат булган йўлидир. Данилевский қуйидаги тарихий-маданий турларни ёки бошқача айтганда, илк цивилизацияларни ажратиб кўрсатади;

1. Миср,
2. Хитой;
3. Вавилон (Бобил);
4. Ҳинд;
5. Эрон;
6. Европа;
7. Грек;
8. Рим;
9. Араб;
10. Герман-роман ёки Европа дейиш ҳам мумкин.

Бу асосий тарихий-маданий ёки илк цивилизация турларга Данилевский яна иккита америкача турларни ҳам қўшади. Булар: Мексика ва Перу тарихий-маданий турларни ёки илк цивилизациялари. Охирги икки маданиятнинг тугатилиши XVI асрга келиб мажбурий равишда амалга ошган. (Америкага испан босқинчилари кириб келиши сабаб бўлган).

Данилевский ўзгача бўлган маданият турлари ёки цивилизацияларнинг тарихий ривожлана олиши йўли қонунини ишлаб чиққан:

1. Алоҳида тили ёки қардош тиллари гуруҳига эга бўлган ҳар қандай халқ ёки халқлар гуруҳи – ўзи мустақил маданий-тарихий турни шакллантира олади.

2. Маданий-тарихий тур хусусиятига эга бўлган цивилизация ўзининг туғила олиши ва ривожлана олиши учун унга эгалик қилган халқ сиёсий жиҳатдан мустақил бўлмоғи лозим.

3. Бир маданий-тарихий турнинг бошланғич цивилизацияси бошқа турга кирувчи халқларга таъсир кўрсатмайди. Ўар бир тур ўзи учун алоҳида цивилизацияни ишлаб чиқади.

4. Ўар бир маданий-тарихий турда вужудга келиши аниқ бўлган цивилизация гуллаб-яшнаши учун ушбу турга кирувчи халқлар эркин сиёсатга эга бўлишлари лозим. Шундагина бу цивилизация тўлиқ равишда етукликка эришган бўлади.

5. Маданий-тарихий турнинг ривожланиш йўли узоқ яшаб ҳаётида бир маротаба ҳосил берадиган ўсимликка ўхшайди: ўсиш жараёни узоқ бўлиб, гуллаши ва мева бериш даври қисқа ва бор кучни суғириб олувчи бўлади. Натижада бу цивилизация сўнади.

Данилевский маданий-тарихий турда олий, ниҳоясига етган ижтимоий бирликни кўради. Бирон бир маданий-тарихий турга кирувчи халқларнинг манфаатлари мазкур турнинг манфаатларига бўйсунishi

лозим, қуйи манфаатлар юқори манфаатларга хизмат қилиши лозим бўлганидек..., деб қарайди Данилевский ўз назариясида.

Шпенглер назарияси Данилевский ғоялари билан кўп жиҳатдан бир-бирларига мос тушсада, лекин Шпенглер ўз назариясида маданий-тарихий тур тушунчасини ишлатмайди, аксинча у цивилизацияни ривожланиш натижасида вужудга келадиган босқич деб, яъни уни маданият кетидан келадиган ҳодиса, жараён деб билади. Шпенглер ёшини яшаб бўлган ёки ривожланишда тўхтаб, қотиб қолган 8 та цивилизацияларни кўрсатиб ўтади. Шпенглернинг фикрича, айнан бугунги кунда Ғарбий Европа ўзининг маънавий ривожини йўлидаги ижодий босқичини якунлаб, тугаллаб бормоқда, шунинг учун у XX асрни Европа ниҳоясининг бошланиши, деб изоҳлайди.

Хуллас, Данилевский ва Шпенглер назариялари ўрганиб чиқилса, улардан: бир неча турли хил маданиятлар бир-бирларига ўзаро таъсир кўрсатиб бир-бирларини бойита олмайдилар, деган хулоса келиб чиқади. Бир маданият турининг иккинчи бир маданият омилидан, кашфиётидан фойдаланиши биринчи маданият турига фақатгина зарар келтиради. Бундай йўл билан бошқа маданият ютуғидан фойдаланиш ҳолатининг амалга ошиши жуда қийин, сабаби бошқа негизда етишиб чиққан бегона маданий омил одатда қабул қилинмай, рад этилади.

Шпенглер ва Данилевский ғоялари нотўғрилигининг исботи ва далили сифатида жаҳон динларининг мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Тарихдан маълумки, дин бир ҳудудда келиб, бир неча ҳудудларга тарқалиб келган. Мана сизга ёрқин мисол! Бир маданият тури омили бошқа маданият тури томонидан ўзлаштирилди ва яшаб кетди. Ўудди шу тарзда кўпгина тадқиқотлар, илмий кашфиётлар, ёзув, бадиий асарлар хаттоки, этикет нормалари бошқа халқлар томонидан ўзлаштирилиб, фойдаланиб келинмоқда.

XX асрнинг 60-йиллар охирида социологлар жамиятда ва маданиятда юз бераётган жараёнларни изоҳлаш учун янги контр- маданият

ва субмаданият тушунчасини фанда қўллай бошлашди. Контрмаданият деганда – жамиятдаги мавжуд ҳукмрон маданиятга қарши қўйиладиган янгича назария, қадриятлар, қарашлар ва янгича идеаллар тушунилади. Кўпинча бундай ҳолатга масалан, бир қисм ёшлар ва зиёлилар гуруҳнинг замонавий ғарб цивилизацияси билан боғлиқ бўлган янгича маданиятни қабул қилмаганлигини киритиш мумкин.

Хўш, бундай йўл билан ғарб маданиятидан бош тортиш яъни контрмаданият ҳолатини келтириб чиқазиш қандай юз берди? Жавоб: шундай вазиятда контрмаданиятга – шарқона диний таълимга берилиш, атайин онгли равишда ғарб одоб-ахлоқ, ҳуққ, этикет нормаларига риоя қилмаслик уларни рад этиш ҳолатларини келтириб чиқазиш киради. Бунда контрмаданият – фалсафий, бадий, ва маънавий жихатдан тўйиниб олиб, сўнгра ғарбнинг эгоизмга тўла маънавий савияси паст маданиятининг қисмига қарши эътироз билдирувчи “адвокат” сифатида вужудга келади. (Шуни унутмаслик керакки контрмаданиятга “адвокат” сифатида қараб уни жуда мураккаблаштириб юбориш контрмаданиятнинг асл моҳиятини йўқотишига олиб келса, уни ташкил қилган эътирозчи гуруҳлар эса жамият тузумига қарши бош кўтаришгача бориб қолишлари мумкин. Контрмаданият одатда маданият ниқоби остида жамиятдаги мавжуд сиёсатга қарши ёки ундан қониқмаслик натижасида вужудга келтирилади).

Субмаданият – бу турли ижтимоий гуруҳлар маданияти деб қаралади. Афсуски, ижтимоий гуруҳни ташкил қилувчи аъзолар (кишилар) ўзлариникига нисбатан мураккаброқ, савияси баландроқ маданият кўринишларини қабул қила олишмайди, тушунишмайди. Субмаданиятга ижтимоий қатламлар - шаҳарликлар, қишлоқ аҳолиси, ёшлар, ишчилар, деҳқонлар, ўрта қатлам, қуйи қатлам ва ҳатто юқори қатлам киради. Гап шундаки, шу қатламга кирувчи кишилар фақатгина ўзларининг қатламига тегишли маданиятни ёқтирадилар, қолган қатламлардаги маданият тури уларга бегонадек, тушунарсиз кўринади. Сабаби эса субмаданият ҳар бир

ўзига тегишли гуруҳни бошқа гуруҳ маданиятларидан “изоляция”да сақлайди. Масалан, энг ривожланган ва актив бўлган – ёшлар субмаданияти. Ёшлар субмаданиятининг марказини мусика ташкил қилади (Асосан поп ва рок мусикалари). Бу субмаданиятнинг кейинги элементини эса кийим, стиль ва ҳ.к. ташкил қилади.

Оммавий маданият – бу барча учун тушунарли, барча фойдалана оладиган, бутун оммани ҳар томонлама қониқтира оладиган маданият туридир. Бирок, XX асрга келиб фалсафа, социология ва маданиятшунослик соҳалари оммавий маданиятни бошқача талқин қила бошлади. Бир қатор олимлар томонидан оммавий маданият, биринчидан, ривожланишнинг маълум бир босқичига етган жамият учун хос хусусият деб; иккинчидан, оммавий ахборот воситаларининг (газета, радио, кино, телевидения ва ҳ.к.) ўсиши билан боғлиқ хусусият деб; учинчидан, салбий ҳолат сифатида изоҳланди.

Нимага энди салбий ҳолат? ўйлаб қаралса, барча учун тушунарли бўлган маданият кўриниши бўлса, барча санъаткорлар, маданият намоёндалари айнан шундай «оммавий» даражада халққа тушунарли бўлишга интилишлари лозимдек бўлиб туюлсада, лекин оммавий маданиятга салбий муносабатда бўлувчилар бу маданият турини – ривожланмаган бадий дидга, примитив ва содда равишда диний ва ахлоқий қадриятларни тушунишга асосланган, ҳақиқий маънавий маданиятни бузиб талқин қиладиган ҳамда юксак классик маданиятни оммага яқинлаштирмайдиган, савияси паст, “эгоист” маданият деб изоҳлайдилар одатда, оммавий ахборот воситалари орқали маънавий савияси паст бўлган, арзон, қиймати кам маданият кўринишини омма онгига сингдириб, сўнгра уни сотиш йўли билан даромад топиш мақсадида оммавий маданиятдан фойдаланилади.

Оммавий маданиятни – маҳсулот ёки иқтисодий маданият тури деб ҳам юритилади.

Америка социологи Д.Белл ўзининг “Массовая культура и современное общество” номли асарида баён қилишича, оммавий маданиятнинг қандай бўлиши кераклиги омма сони ёки характери билан белгиланмай, балки шу омма аъзоларининг ақлий қобилиятига, дунёқарашига, унинг онги нимани «ҳазм» (қабул) қила олишига боғлиқ.

Оммавий маданиятда асосийси – бунинг маҳсулотлилиқ даражасида бўла олиши, оммабоплигидир.

Оммавий маданиятнинг асосий усули – бу томашабинларнинг содда равишда берилвчанлик ҳис-туйғуларидан фойдаланиш, яъни чуқур мулоҳазалантирмайдиган маданият кўринишлари орқали уларнинг ҳис-туйғуларини “қармоққа илинтириш”.

Оммавий маданият тури илк бор XX асрда АҚШ индустриал ва постиндустриал цивилизация маҳсулоти сифатида вужудга келди.

Оммавий маданиятнинг асосий шакллари; вестерн, фантастика, эротика, порнография, ужас, мистика, мелодрама ва детективни киритиш мумкин.

Юқорида биз XX аср ўрталарида оммавий маданият кучли танқидга учраганини, уни салбий маданият тури деб баҳолашганини баён қилган эдик. Танқидчилардан асосан инглиз ёзувчиси О.Хаксли, немис файласуфи Т.Адорно, испан маданиятшунос олими Хосе Ортега-и-Гассет, немис социологи Г.Маркузе қарашлари диққатга сазовордир.

Оммавий маданиятни ўрганишдан аввал шу маданият истеъмолчилари бўлмиш “омма”нинг ўзини аввал ўрганиб чиқмоқ лозим.

XIX аср француз психологи Ж.Лебон ўзининг “Психология толпы” номли асарида баён қилишича, йирик оммалар жамият ривожини, эртанги кунини белгилайдилар. Сабаби, бугунги кунга келиб маданият, сиёсат йирик оммалар дидига, талабига мослашиб бормоқда, бу эса жамиятнинг мажруҳланишига олиб келади.

Парламент тизими, сайловлар, референдумлар оммани сиёсий кучга айлантириб қўйди. Бир томондан бу демократияга эришиш йўли бўлса, иккинчи томондан йирик тўдалар улкан хавф ҳам туғдирадилар. Масалан, қайси йўл билан бўлса ҳам ўз мақсадига эришмоқчи бўлганлар, машҳур бўлишни истаганлар, сиёсат оламига ўта кучли равишда кирмоқчи бўлган – сиёсий демагоглар ва бошқалар оммани ўзлари истаганларича бошқаришлари мумкин. Омма эса берилувчанликка мойилдир. Киши оммага кирганда ўз аслини йўқотиб, шу оммага мослашади. Унинг онгли равишдаги МЕНлиги – ШАХСлиги йўқолиб ўрнига онгсиз равишдаги тўданинг бир бўлагига айланиб қолади. У махсус йўналтирилган ғоя ва ҳис-туйғуларга, агитация ва пропагандага тез берилувчан бўлиб қолади. Якка ўзи бўлганда бажармайдиган нотўғри хатти-ҳаракатларни индивид тўда ичида амалга оширади. У ўзи қилаётган хатти-ҳаракатига ҳамиша ҳам тўғри баҳо бера олмай қолади. Лебон сўзи билан айтганда “инсонлар тўда ичида ўзларини якка ҳолатларидагига нисбатан ёмон тутиш хусусиятига эгалар”, “Психология толпы” асарида Лебон инсониятнинг агрессив ҳолатлари бўлмиш – урушлар, инқилоблар, оммавий террор ҳақида фикр юритиб “киши қайсидир муддатга маданият таъсиридан чиқар экан у бемалол агрессив ҳаракатларни амалга ошира олади”, деб таъкидлайди.

Диний низолар ва урушлар мотиви ҳақида сўз кетганда Лебон, “кироллар Варфоломей кечасини яратишмаган, диний урушларни ҳам улар келтиришмаган, Франциядаги терроризмни ҳам Робеспьер, Дантон ёки Сен-Жюст келтириб чиқазмаган, юз берган мудҳишликларнинг барчасида “тўда юраги”, истаги бор бўлган”, деб ҳисоблайди.

Ҳақиқатдан ҳам, қироллар, лидерлар, етакчилар юз бериши керак бўлган жараёни фақатгина тезлатишлари ёки секинлатишлари мумкин холос. Индивид, тўда ичида ўзлигини йўқотиб иродасиз, тафаккурсиз бўлган автоматга айланади. Шу йўл билан у ўзи билмаган равишда цивилизациядан бир неча поғона пастга тушган тўданинг бир қисми бўлиб

қолади. Оддий, якка ўзи бўлган ҳолатда бу индивид-маданиятли инсон бўлган бўлиши мумкин. Лекин, тўдада у – варвар. Унда – бош кўтариш, агрессивлик шунингдек, ғайрат, куч-қудрат, қаҳрамонликка мойиллик туйғулари уйғонади.

Оммавий маданиятга танқидий муносабатда бўлган яна бир маданиятшунос бу – Х.Ортега-и-Гассет. Олим фикрича, XX аср жаҳонга умуман янгича шароитни олиб келди: эндиликда кишилар оммаси қатъиятлилиқ билан сиёсатга аралашадиган, тарихнинг йўналишини, маданиятнинг тараққиёт йўлини бошқарадиган бўлишди. Омма – нафақат кишилар сони билан балки, сифат даражаси билан ҳам белгилана бошланди. Лекин, шунини унутмаслик керакки омма сифати қай даражада эканлигини аниқлаб бўлмайди. У тушунарсиз, ноаниқ бўлиб, кўп ҳолатда сифат даражаси паст, қуйи поғонага яқин бўлади. Омма, улар учун тушунарсиз бўлган, уларнинг онги қабул қилмайдиган чуқур мазмундаги маданият турларини ёқтирмай қарайди. Шунинг учун ҳаммаша, элитар маданият билан оммавий маданият ўртасида низо келиб чиқиш хавфи мавжуд.

Г. Маркузе ҳам оммавий маданиятни танқид қилар экан, жамият оммавий ахборот воситалари орқали индивидга битта шаклли маҳсулотни усталик билан зўрлаб «тиқиштиради», деб ҳисоблайди.

Америка социологи Э.Шиллз ҳам оммавий маданиятни ҳимоя қилади. Бугунги кунда ғарб маданиятшунослик ва социология фанларида оммавий маданият – бу оддий оммавий кишининг талабларини қониқтирувчи нормал ҳолат, деган тушунча пайдо бўлди. Ўзирги пайтда бу маданият турини йўқ қилиб бўлмайди ва бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Аксинча, юқори маданият намоёндалари ўз аралашувлари орқали оммавий маданиятнинг сифат даражасини кўтаришга, яхшилашга уринмоқдалар. Улар, олий маданият оммавий маданиятга сингиш жараёнида уни юқори даражага олиб чиқади, деб ҳисоблашади.

Олий – элитар маданият. Элита термини (французча – “энг сара” сўзидан олинган) - ҳар қандай ижтимоий тузилманинг бошқарув жихатларини мувофиқлаштириш ҳамда ривожлантириш функцияларини амалга оширувчи олий, имтиёзли қатламдир. Элита ҳақидаги назариялар даставвал Платон, Аристотель, Ницше ва бошқа олимларнинг қарашларида баён қилинган.

Хозирги ғарб социологиясида элита турли хил талқин этилади. Бунда элита ҳокимиятга йўналган, сиёсий жихатдан энг фаол одамлар (Москва), жамиятда энг кўп обрў, мақом, бойликка эга бўлган, оммага нисбатан ақлий ва ахлоқий устунликка эга одамлар (Х.Ортега-и-Гассет), жамиятнинг ноижодий кўпчилигидан фарқ қилувчи қисми (Тойнби), энг малакали мутахассислар, менежерлар ва бошқарув тизимидаги олий хизматчилардир, деб изоҳланади¹.

Элитар маданияти остида одатда анъанавий ижтимоий-гуманитар ва илмий-техник (интеллектуал) маданият тушунилади. Элитар маданият – бу кам сонли кишилар маданиятидир. Бу маданият тури олий таълим-тарбия кўрган, махсус тайёрланган, ижтимоий ва интеллектуал келиб чиқиши энг сара, юқори бўлган кишиларга тегишлидир. Бошқача айтганда, киборлар – элитар маданият жамиятнинг имтиёзли табақаларига мўлжаллангандир. “Санъат САНЪАТ учун” қоидаси маданиятда нафис санъат, мумутоз мусика, фақат киборларгина мутолаа қиладиган бадий адабиёт намуналарини назарда тутди. Бундай маданият намуналари мураккаб бўлиб, улар махсус интеллектуал – эстетик мақомга эга бўлган, юксак дид вакиллари учун яратилади³.

Зиёлиларнинг элитар маданиятга бўлган муносабатлари турли хилдир. Элитар маданиятда тарбия топган мутафаккирларнинг бир қисми бу маданият турини даврнинг энг соф маданияти деб ҳисоблашса, бошқа

¹ Социология: ўқув қўлланма. Муаллифлар жамоаси. Т., 2002 й. 88-бет.

³ Ўша асар. 88-бет.

олимлар гуруҳи бу маданият турини умумий маданиятнинг бир йўналиши холос, деб ҳисоблайдилар.

Киборлар – элитар маданияти бошқа маданият турларидан ўзининг чуқур мазмунлилиги, муаммолар моҳиятини очиб бера олишлиги, нозик-нафислиги, мулоҳаза қилдирвучанлиги, бутунлиги, ҳис-туйғуларга бойлиги билан фарқланади. Киборлар маданиятига энг сара адабиётлар, турли санъат асарлари, фалсафа, табиий, техник ва ижтимоий соҳадаги илмий-назарий тадқиқотлар киради. Бу маданият тури ўз ижодкорининг жамиятдаги обрўси ёки ижтимоий келиб чиқишига қараб эмас, яратилган асарнинг савиясига, етуқлигига қараб белгиланади.

Бу маданият турида асарлар бадиий жиҳатдан юқори маънавиятли, инсонпарварлик ғоялари билан сугорилган, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ва умумхалқ томонидан тан олинган бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, замонавий техника ва технологиялар, оммавий ахборот воситалари жамики маданият турларини, маданий қадриятларни жамият аъзолари орасида кенг ёйилиши ва мустаҳкамланиши имконини беради. Элитар маданият билан жамият аъзолари, ижтимоий қатламларнинг барчаси ўқиш жараёнида яъни, ўсмирлик даврида таништирилса кишиларнинг қалбида қадриятларнинг барча турлари шаклланиб умрбод мухрланиб қолади. Лекин, шуни унутмаслик керакки, қайси даврда, қайси жамиятда бўлишдан қатъий назар кишиларнинг ўзлари истаган маданият турини танлаш имкониятлари эркин бўлмоғи лозим.

3-§ Маданий ва маънавий меросни сақлаш ва ҳимоя қилишда ички ишлар идоралари ходимларининг тутган ўрни

Ички ишлар идоралари ходимлари халқнинг тинч-осуда ҳаёт кечириши, ҳолол ва фидокорона меҳнат қилиши учун масъул бўлган давлат

хизматчилари ҳисобланишади. Улардаги ушбу масъулият ҳисси, энг аввало, ўзлари ҳизмат қилаётган юртнинг утмишини, авлодлардан мерос бўлиб қолган ва келажак авлодларга ҳам сақланиб қолиши керак бўлган маданий ва маънавий бойликларни авайлаб асраш ва уни химоя қилишдан бошланади.

Дунёдаги ҳар бир тирик инсон моддий ва маънавий олам эҳсонларидан ташкил топган бўлиб, моддий олам унга тана, жисмоний озиқ, куч-камолот берган бўлса, маънавий олам унинг танасига руҳий қувват, ақлий заковат ато этади. Президентимиз И.А. Каримов табирибилан айтганда — “ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис авваламбор рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига ега бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга еришади.

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ етиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор”¹.

Инсондаги ана шу икки вужуд, яъни моддий ва маънавий вужуд бир-бирлари билан кўшилиб, уни ҳайвонот дунёсидан фарклантради ва оламнинг олий зотига айлантиради.

Моддий ва маънавий меросни авайлаб асраш деганда ички ишлар идоралари ходимларининг ўзларини ўзбек халқининг бир вакили деб билган ҳолда она Ватаннинг тупроғ ини, сувини, хавосини ва жамики бойликларини

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси /Ўз. Р. Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза 2010 йил 12 ноябр — Т., 2010 6 бет

кўз қорачиғ идай асрашлари ҳамда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний тарзда чин виждон, имон, эътиқод, садоқат, ишонч, ҳалоллик, довюраклик, беғ аразлик, ҳурмат, катта фидойилик ва ақлий теранлик билан химоя қилишга қаратилган ички руҳий ва ақлий оламининг мажмуига айтилади.

Моддий ва маънавий меросни авайлаб асраш соҳасида ҳар бир давлат, мамлакат ва жамият муайян қонун –қоидалар ишлаб чиқади. Шундай қонунларнинг энг асосийси бу ҳар бир далаатнинг Конституцияси бўлиб ҳисобланади.

Дунёда мавжуд Конституциясиларнинг барчаси уларни ижод этган халқнинг, миллатнинг сиёсий – маданий тафаккури маънавияти ва маданияти билан боғлиқ. Ҳар бир Конституцияси ўз мазмунида жамиятнинг, Миллатнинг маънавий-маданий қадриятларини, унинг тарихан шаклланган анъаналари, урф-одатлари ва хусусиятларини аск эттиради.

Худди шу маънода Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз табиатига хос барча маънавий маданий қадриятларни, ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган.

Конституция мазмунида мужассамлашган ўзбек миллий маданияти ва маънавий мероси узоқ асрларга бориб тақалади.

Унинг таркибига қўйидагилар киради.

- Миллий давлатчилик тажрибаси, сиёсий ва ҳуқуқий маданий мерос.*
- Маънавий- маданий, илмий фалсафий ва адабий мерос,*
- Умуминсоний маданий, қадриятларни сингдириш асосида қарор топган, шунингдек, исломий қадриятлар таъсирида шаклланган мерос.*

Миллий-маънавий меросимизнинг улуғворлигига шак-шубҳа йўқ. Унга қабий таянган ҳолда иш куриб бугунги маънавиятимизни камол топтириш ва чинакам адолатли ижтимоий тузим ҳамда эркин фуқаролик жамиятини яратиш мумкин.

Ички ишлар идоралари ходимлари ҳам жамиятдаги барча фуқаролар сингари асрлар мабойнида сақланиб, сайқалланиб келган миллий урф-одатлар, расм-русумлар, удум-анъаналарга содиқ ҳолда ўз эътиқодларини шакллантиришлари лозим.

Уларда ўзбек халқининг миллий хусусиятлари, юриш-туриши, ғурури, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, дини, ҳуқуқий онги ва умуман маънавий-маданий дунёси акс этади.

Ўзбек халқининг маданиятида миллатнинг утмиши, ҳозирги куни ифодланиши билан бирга, бу маданият оилавий ҳаёт учун, ҳар бир инсон учун муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Ўзбек миллий мафкурасининг узвий таркибий қисмини бой маданий мерасимиз ташкил этади, бизнинг ҳудудимиздаги 9 мингдан зиёд тарихий, маданий, меъморчилик ёдгорликлари ўзбек халқининг бекиёс маданий меросининг тирик гувоҳларидир.

Уларни таъмирлаш, тиклаш, сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг маънавий-инсоний бурчимиздир.

Шунинг учун Конституциямизнинг **49** моддасида „**Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар**” – дейилган.

Ўзбек халқининг бой маданий меросини авайлаб асраш уни келажак авлодларга сақланиб қолишини таъминлашда барча фуқаролар сингари Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам бурчидир.

Ички ишлар идоралари ходимлари халқимизнинг маданий маънавий меросини аввайлаб асрашда ва сақлашга масъул ҳамдирлар. Чунки, улар жамоат ҳавфсизлиги, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш билан бирга тарихий маданий бойликларимизни сақлаш уларни муҳаваза қилиш юзасидан назорат ва профилактика ишларини ҳам олиб боришади.

Бу каби ишларни олиб бориш ва ўрнатилган тартиб қоидаларга буйсунмаган фуқароларга нисбатан ички ишлар идоралари ходимлари ўрнатилган тартибда чара тадбирлар қўлайди. Жумладан, **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодексида алоҳида моддалар кўрсатилган бўлиб, унда яъни, 64 – модда „Тарихий ёки маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш”- деб номланади.**

Унда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча маданий маънавий бойликларни, тарихий обидалар уларни сақланиши, музейлар ва ёдгорлик жойлари улардан фойдаланиш тартиб қоидаларини бузган фуқаро ва мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўланилиши баён этилган.

Шу Кодекснинг 82 – моддасида эса „Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш” деб номланиб, унда Давлат Миллий табиат боғлари, буюртма куриқхоналари, табиат ёдгорликлари, сувни муҳофаза қилиш тгаралари, курорт табиий ҳудудлари, ботаника боғлари, дендрология ва ҳайвонот боғлари ҳамда алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тартибини бузган фуқаро ва мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари ҳақида фикр билдирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига ҳам маданий ва маънавий меросни сақлаш ва авйлаб асраш ҳақида алоҳида моддалар кiritилган. Жумладан, шу кодекснинг 132 моддаси „Тарихий ва маданият ёдгорликларини nobуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш” – деб номланиб, унда Давлат муҳофазасига олинган тарихий ёки маданият ёдгорликларини қасддан nobуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса – энг кам иш ҳақининг эллик барабаригача ёки 3 йил ахлоқтузатиш ишлари ёхуд 6 ой қамоқ билан жазоланиши кўрсатилган.

Шунингдек, ЖКнинг 172, 173 моддаларида (Мулкни куриқлашда виждонсиз муносабатда бўлиш, Мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш) ҳам Моддий ва маънавий меросни сақлаш ва авйлаб асраш тўғрисида алоҳида жиноий жавобгарлик масалалари ўрнатилгандир.

Хулоса

Антик даврдан бошлаб, жамоатчилик маданиятни нафақат билим ва кўникма балки инсоният амалий ҳаракатининг натижаси сифатида қабул қила бошлаган. Масалан, эр.ав. 45 йилда яшаган файласуф Цицерон “онг, тафаккур маданияти” ҳақида тўхталади. Рим нотиқининг фикрча, онгга, тафаккурга худди ерга бўлгани каби ишлов бериш лозим. Ана шундай, тафаккурига ишлов бера олган, маънавий қобилиятларини ривожлантира олган инсонгина – маданиятнинг асосий моҳияти бўлиб ҳиобланади⁴. Демокрит фикрича ҳам, маданият негизини айнан инсон яратган. Инсон, табиатга тақлид қилиш ва уни ўзига бўйсунтириш жараёнида маданий қадриятларни яратиб боради. Грек фалсафасининг энг асосий кульминацион нуқтаси – бу инсонга қолип сифатида қараш, яъни улар ҳамма нарсани инсон қиёфасида кўришади, ўз дунёқарашларида ҳамма нарсани инсон шакл-шамойили ва характериға ўхшатишади. Улар фалсафасида хаттоки худолар ҳам ҳатти-ҳаракатлари ва ташқи-кўринишлари билан инсон сифатида, қиёфасида тасвирланганлар.

Ўрта асрларға келиб маданият ҳодисасини идрок этишда маълум бир ўзгаришлар юз берди. Энди, худо кадр-қиймат негизи сифатида қабул қилиниб шу асосда маданият принциплари ишлаб чиқилди. Христианлик фалсафасининг асосчиси Аврелий Августин фикриға кўра, “Худо йўлида яшаш – бу инсон учун ягона бўлган қадрли йўл. Энг гўзал, яхши, тоза ва ёруғ хислатлар ягона Худода мавжуд, ҳаётда эмас. Худо санъаткор каби борлиқни яратди. Инсон ҳам санъаткор у маданиятни яратди...”.

⁴ Цицерон М.Т. Избранные сочинения. М., 1998 г. стр. 252.

Ўрта асрлар маданиятининг охирги художўй файласуф Фома Аквинский реализмнинг мўътадил намоёндаси сифатида майдонга чиқди ва Худонинг бирламчилиги, рухнинг ўлмаслиги каби ғояларни тарғиб қилувчи фалсафага асос солди.

Уйғониш даврига келиб вазият бир мунча ўзгарди. Одам (индивид) мустақилликни қўлга кирита бошлади. Натижада, унинг янгича дунёқараши ва позицияси шаклланди.

Эндиликда, инсон энди нафақат худо томонидан яратилган мавжудот, балки у ўзини ўзи яратиб шу жиҳати билан табиатдан фарқланувчи ижодкор сифатида намоён бўла бошлади.

Ички ишлар идоралари ходимлари халқнинг тинч-осуда ҳаёт кечириши, ҳолол ва фидокорона меҳнат қилиши учун масъул бўлган давлат хизматларини бажаришларида жаҳон маданияти дурдоналарини ўзларининг онг ва фаолиятларига сингдирганлари ҳолда юксак маънавий савияга эга бўлишлари даркор. Ҳамда ички ишлар органи ходимларидаги ушбу масъулият ҳиси, энг авало, ўзлари хизмат қилаётган юртнинг утмишини, авлодлардан мерос бўлиб қолган ва келажак авлодларга ҳам сақланиб қолиши керак бўлган маданий ва маънавий бойликларни авайлаб асраш ва уни химоя қилишдан бошланишини асло эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Мавзу бўйича саволлар

0. Маданиятнинг асосий турларини кўрсатинг?
1. Узоқ вақтлар фанда маданият деганда фақат қайси маданият назарда тутилди?
2. Индустириал жамиятининг вужудга келиши, унинг техникавий тараққиёти ва технологияларини тезда алмашиши маданиятшуносларни асосан инсоният яратган қайси бир маданият турини ўрганишга мажбур қилди?
3. Моддий маданиятнинг неча соҳаси мавжуд?
4. Меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришнинг барча воситалари, турар жойлар, алоқа воситалари, техника қурилмалари моддий маданиятнинг қайси соҳасига тегишли?
5. Моддий маданиятнинг қайси бир соҳаси ижтимоий ҳаёт ва унинг барча тармоқларининг меъёрий ҳаракатини таъминловчи кўплаб

ижтимоий институтлар, ташкилот ва муассасалар фаолияти билан боғлиқ?

0. Моддий маданиятининг қайси бир соҳаси (ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи) инсоннинг ўзи бўлиб ҳисобланади?
0. Маданиятнинг мавжуд нарсаларнинг жисмоний талабларини, шунингдек ижоддаги ҳаётий талабларни қондириш зарурати билан боғлиқ функциясини кўрсатинг?
0. Маданиятнинг жамият ва атроф-муҳит ўртасидаги мувофиқликни сақлаши билан боғлиқ функциясини кўрсатинг?
0. Маданиятнинг мазмун, маъно, ном, белгилар кўламини ишлаб чиқиш воситасида дунёнинг қиёфасида, воқеликни белги тизимининг яратилиши билан боғлиқ функциясини кўрсатинг?
0. Маданиятнинг хабарларни йиғиш ва сақлаш воситаси билан боғлиқ функциясини кўрсатинг?
0. Маданиятнинг кишилар хулқини тартибга солиш, уларнинг кучини бир меъёрга ва жамиятни бир бутунликда сақлаш мақсадида мувофиқлаштириш билан боғлиқ функциясини кўрсатинг?
0. Маданиятнинг байрамлар, диний маросимлар, ўйин, томоша жараёнларида руҳий зўриқишларни бартараф қилиш билан боғлиқ функциясини кўрсатинг?
0. Маданиятнинг қуйидаги функцияларидан қайси бири бевосита шахс билан боғлиқ?
0. Маданиятнинг қуйидаги функцияларидан қайси бири уруғдошлик хусусиятларини ўрганади?

3-Мавзу:

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

1-§ Мустақиллик шароитида ўзбек миллий маданиятини ривожланиши

Ҳар қандай жамият тараққиёти, унинг у ёки бу вақт ва макондаги даражаси кўп жиҳатдан фуқаролар маънавияти, турмуш тарзи, кишиларнинг маънавий-моддий, ижтимоий эҳтиёжлари ҳамда уларнинг қай даражада қондирилишига боғлиқдир. Мустақиллик давригача ва ундан кейинги ўтган тарихан қисқа муддат ичида рўй берган ҳолатлар, жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва тарбиявий-мафкуравий соҳасидаги ўзгаришлар бизга шўролар мустабид тузуми ҳамда истиқлол йилларида

Ўзбекистоннинг реал ҳаётида ҳолисона жавоб излашга ва унга эришишга имкон беради.

Узоқ минг йилликлар тарихи шундан далолат берадики, ўзбек миллий давлатчилик тарихи энг аввало маънавий-маърифатнинг жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу азалий анъанага мустақиллик йилларида ҳам алоҳида эътибор берилиши жуда аҳамиятли бўлди. Қайд этиш лозимки, истиқлолнинг дастлабки даврлариданок маданиятнинг методологияси ўзгарди. Агарда, шўролар мустабид тузими даврида маданиятнинг асосий вазифаси жамият аъзоларининг коммунистик мафкура ва сохта ғояга эътиқодини мустаҳкамлашга сафарбар этиш бўлса, истиқлол даврида унинг мақсади тамомила ўзгарди.

Хўш, булар нималарда кўринди?

Биринчидан, энг аввало, мамлакат ҳукумати, Президент И.А.Каримовнинг маънавий-маърифий омилларга нисбатан муносабати шаклланди. Жумладан, маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий устивор йўналиши, деб ҳисобланди. Жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулиятнинг ҳокимлар, вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари зиммаларига юклатилиши жуда катта ижтимоий аҳамият касб этди.

Иккинчидан, маънавияти юксак миллат ва давлатнигина келажаги буюк бўлиши мумкин эканлиги тўғрисидаги ижтимоий фикр шакллана бошланди. Дарҳақиқат, иқтисодий-сиёсий омилларнинг ҳар қандай давлат, миллат ҳаётидаги ўрни ва роли каттадир. Бироқ, маънавий омилларгина жамиятда содир бўлган барча муаммоларни ҳал этишга қодир омил эканлиги энди ҳақиқатдир.

Учинчидан, маънавият ва маърифат жамиятни поклантирувчи куч эканлиги эътироф этилмоқда, зеро шўролар мустабид тизими давридан қолган ярамас «маънавий» меросдан покланмасдан туриб истиқлолга хизмат

қиладиган, фуқаролар қалби ва онгини янгилашга қодир маънавиятни шакллантириш мумкин эмас.

Тўртинчидан, истиқлол даври Ўзбекистон жамияти маънавиятининг энг муқаддас мақсадларидан бири – ўтмиш тарихий-маданий, илмий, ахлоқий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий қадриятларига шўро даврида таркиб топган муносабат каби «иллат» сифатида эмас, аксинча, жамиятни поклантирувчи ва келажакни маънавий жиҳатдан мустаҳкамловчи омил асносида қарашдан иборат жамоатчилик фикри шаклланди.

Бешинчидан, истиқлол даврида маънавиятнинг ҳар қандай сиёсий ҳукмрон мафкуралардан ҳолилиги, муҳими, шаклланаётган миллий мафкуранинг маънавият билан уйғунлиги таъминланди.

Мамлакат Президенти Ислом Каримов қайд этганидек, мустақиллик даврида бажарилиши лозим бўлган энг устивор вазифа «халқимиз орасида катта маърифий-амалий ишларни олиб бориб, миллий мафкурамизга куч-қувват берадиган, уни янги-янги марралар сари сафарбар этадиган, кенг оммага таъсир ўтказишга, халқни ўзига тарафдор этишга хизмат қиладиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олишдир¹».

Ҳақиқатдан ҳам, мустақиллик йилларида маънавият ва маърифатнинг ижтимоий мақсади аниқлаб олинди, унинг бажарилиши лозим бўлган вазифалари белгиланди. Ана шундай шароитда жамият фуқаролари томонидан билдирилган ижтимоий эҳтиёж – маънавий-маърифий соҳаларда янги аср ва умуман, учинчи минг йилликдаги бош ғоя қандай бўлиши аниқланди.

Хўш, ҳозирги ва янги асрда маънавият соҳасидаги бош ғоямиз нималардан иборат? Мазкур саволга жавоб бера туриб, И. Каримов куйидагиларни ёзади: «Модомики биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги йигирма

¹ Каримов И. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т., 1999. 16-бет.

биринчи асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз ҳам ана шундан келиб чиқмоғи даркор. Яъни эркин фуқаро-онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур.

Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистонда истиқлол маънавият соҳасида мавжуд бўлган вазифалар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик шароитида муттасил равишда бажарилиб келинмоқда. Чунончи, агар истиқлолнинг дастлабки йилларида жамият маънавий ҳаётида турган энг бош вазифа фуқароларда шўролар даврига хос тафаккурни эскича фикрлаш сарқитларини бартараф этиш эди. Мазкур масалада қатор ютуқларга эришилди. Бироқ, бу борада ҳали талай ишларни бажариш лозим»¹.

Иккинчи, энг муҳим вазифалардан яна бири эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантиришдир, зеро «озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айти замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир»⁵.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон маданияти хусусида фикрлаш асносида алоҳида қайд этилиши лозим бўлган масалалардан яна бири – маънавият соҳасидаги давлат сиёсатининг тобора конкретлашиб бориши, вазифаларни ҳал этиш йўлларининг ойдинлашувидир.

Маънавият жамият аъзоларини руҳан поклантирувчи, қалбан улғайтирувчи, инсон ички дунёсига, иродасига куч-қувват берувчи, миллий виждонини уйғотувчи ва доимий ҳаракатдаги конкрет кучдир. Шундай экан, маънавиятга умумий тарзда муносабатда бўлиш хатодир, зеро ҳар бир фуқаронинг маънавий-мафкуравий, комиллик даражаси бир хил бўлмагани

¹ Каримов И. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т., 1999. 18-бет.

⁵ Ўша жойда. 19-бет.

каби, уларнинг бундай сифатларини уйғунлаштириб турувчи кўринишлари ҳам конкретдир.

Юқорида билдирилган фикрдан табиий равишда келиб чиқаётган хулоса шундан иборатки, истиқлолнинг ҳозирги босқичида маънавий-маърифий соҳадаги ишларнинг ташкил этилишидан, энди, бундай ишларнинг самарадорлигига эришиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хўш, маънавият соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш деганда нимани тушуниш мумкин? Умуман, маданий-мафкуравий соҳасидаги ишларимиз жамиятни маънавий юксалтиришга қодир-ми?

Шу ўринда қурилаётган демократик, ҳуқуқий инсонпарвар жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянишини бу жараён эса миллий ғоя ва миллий мафкурага, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланишини алоҳида қайд этиш жуда муҳимдир.

Агар, истиқлолнинг дастлабки йилларида маънавий-маърифий тадбирлардан кўзланган мақсад шўро мустабид тизими асоратларидан қутулиш, жамиятда маънавий яқдиллик яратишдан иборат бўлган бўлса, энди эса, ижтимоий ҳамкорлик, комил инсонни тарбиялаш устивор тавсифга эга бўлмоқда. Маънавиятнинг мамлакатда демократик, ҳуқуқий, қудратли давлат қуриш йўлидаги муҳим омил эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичида маънавий омиллар ҳамда миллатлараро муносабатлар масаласига қараш ҳам тубдан ўзгарди. Чунончи, истиқлолнинг дастлабки даврларида «сохта байналмилаллик» олдида юрак олдириб қўйган ҳамда хадиксираш касалидан холи бўлмаган ҳолда ҳар қандай миллийликни улуғлаш ва ҳар қандай «байналмилаллик» дан қочиш хиссиёти юзага келган эди. Бундай жиддий ва қатъий қутблилик, табиийки, жамият ижтимоий тараққиётига, айниқса, миллатлараро муносабатлар масаласига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати маданиятдаги миллийлик ва байналмилаллик нисбатини сақлашга муҳим вазифа сифатида муносабатда бўла бошлади.

Айни пайтда 130 га яқин миллат ва элат яшаётган Ўзбекистонда ҳар бир миллат равнақи, унинг барқарор тараққиёти, хавфсизлиги ва яшаш кафолотларига ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш, у ёки бу миллатга мансуб кишилар гуруҳининг худбинлик кайфиятларини муқаррар тарзда бошқа миллат, халқ имкониятларини зўравонлик ва зуғум билан чегаралаб қўядиган давлат сиёсатининг ишлаб чиқиши бу борадаги амалий ишларнинг самарасини оширди.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кўп миллатли халқларнинг маданий тараққиёти, уларнинг ўзликларини англаш жараёнларига бўлган интилишларини қонуний-ҳукукий асосда қондириш масалалари ҳам мамлакат ҳукумати олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлди. Шу ўринда 1989 йили маданият вазирлиги ҳузурида республика миллатлараро маданий марказнинг ташкил этилишини алоҳида таъкидлаш лозимдир. Агарда 90-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда 12 та миллий-маданий марказ фаолият кўрсатган бўлса¹, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 80 дан ортди. Мустақиллик йилларида миллий-маданий марказлар фаолияти устидан мувофиқлаштирувчи ишларнинг кўлами ҳам ортди ва 1992 йил январь ойида ҳукумат қарори билан Республика Байналмилал Маданий маркази ташкил этилди.

Ушбу марказнинг бош вазифаси қилиб эса миллий маданий марказларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, миллий анъана, урф-одатларни қайтадан тиклаш, МДХ ва хориж давлатларидаги байналмилал маданий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, Ўзбекистонда миллатлараро алоқаларни яхшилаш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш каби муҳим масалалар киритилди.

¹ Ўзбекистон миллатлараро ҳамжиҳатлик йўлида. Т., 1996. 111-бет.

Истиқлол йилларида маънавият-маърифат масаласига жиддий эътибор ҳукумат томонидан бу борада мукамал тарзда ишлаб чиқилган дастур асосида иш олиб боришни талаб этди. Шу аснода *1994 йил 23 апрелда мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа юз берди: Президент Ислам Каримов фармони билан Республика Маънавият ва Маърифат жамоатчилиқ маркази ташкил этилди.*

Маълумки, собиқ иттифоқ тугатилиши билан бирга унинг коммунистик мафкураси ҳам барҳам топди. Бу мунофиқ, яккахоким мафкуранинг аччиқ сабоқларидан хулоса чиқариб мамлакатимизнинг Асосий Қонунида «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси бўлишига йўл қўйилмайди», деб ёзиб қўйилди. Шу аснода, жамиятимиз ҳеч қачон мафкура якка ҳокимлиги рўй бермаслиги учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдевор яратилган. Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази айна шу мақсадни кўзда тутиб ташкил этилди¹.

Қайд этиш лозимки, маънавият-маърифат маркази қисқа давр ичида халқимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат ва миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш бўйича йирик ишларни бажарди. Шу билан бирга, маънавият ва маърифат масалаларини бевосита жамоатчилиқ йўли билан ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши ўз самарасини бермоқда.

Ушбу йўналишдаги фаолиятни янада ривожлантириш мақсадида 1998 йил 9 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармони жамиятни маънавий барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этади². Ундан мазкур масалада жиддий ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим ҳолларда маънавиятнинг моҳиятини, унинг силжиши, фаровон жамиятга тезроқ етишимиздаги қимматини чуқур идрок этмаслик ҳолллари мавжудлиги, бу

¹ Жўраев А. Агар огоҳ сен ... Т., 1998. 148-бет.

² Гулистон, 1997, №1, 4-бет.

ишга дахлдор раҳбарларда масъуллик хислари паст эканлигига эътибор қаратилди.

Фармонга асосан 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар» куни деб эълон қилинди, «Маънавият» нашриёти ташкил этилди, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси таъсис этилди.

Бу борадаги ишларни тартибга келтириш, фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 1999 йил 3 сентябрда «Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди. Ушбу фармон маънавият ва маърифат давлат сиёсатининг устивор йўналиши эканлиги тўғрисидаги ғояни янада мустаҳкамлади ва янада унга куч берди.

2 -§ Мустақиллик шароитида маънавий-маърифий ислохотлар – жамият тараққиётининг устивор йўналиши сифатида

Инсоният тарихида ўз ижтимоий аҳамияти жиҳатдан алоҳида эътиборга лойиқ ҳолатлар, қадриятлар мавжудки, булар у ёки бу миллат, элат, халқнинг мавжудлик белгиси, тараққиёт мезони сифатида баҳоланиши мумкин. Миллат мавжудлигининг ана шундай муҳим белгиларидан бири таълим тизими ҳамда юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласидир.

Дарҳақиқат, таълим тизими демократик тамойиллар билан уйғунлашган, унинг инсонпарвар жамият барпо этиш каби зарур ижтимоий эҳтиёж талабларига жавоб бергандагина у ўз олдига қўйган буюк мақсад – баркамол авлодни тарбиялаш ва шакллантириш вазифасини адо этиши мумкин.

Коммунистик «назария» томонидан таълим тизимига қўйилган асосий мақсад – жамият аъзоларини мафкуравий қулликка, итоаткорликка мажбур қилишдан бошқа нарса эмасди. Мафкуравий бикиклик, эркин фикр

юритишдан иборат (шахс дахлсизлиги, демократик тамойилларга беписандлик билан муносабатда бўлиш каби иллатлар кишиларда ижтимоий пасивлик ҳолатини юзага келтирди).

Буларнинг бариси Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки давриданоқ барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга оширишга, туб ислохотларни ўтказишга ундади. Истиқлол мамлакат фуқароларида эркин фикрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёжни уйғотди.

Мафкуравий кулликдан ҳоли равишда, мамлакат ва халқ манфаатларига мос тарзда фаолият кўрсатишга интилиш хиссиётини бемалол, эмин-эркин рўёбга чиқариш Ўзбекистон фуқаролари дунёқарашида янгиликка ташналик кайфиятини пайдо қилди. Бу масала айниқса, янги тайёрланиши, шаклланиши лозим бўлган мутахассис кадрларга нисбатан муносабатни ўзгартириб юборди. Истиқлолнинг дастлабки даврлариданоқ мамлакат ҳукумати мавжуд таълим тизимида туб ислохотларни ўтказишга алоҳида аҳамият беришга киришиши лозимлигини англаб етди. Мамлакат Президенти таъкидлаганидек, «олдимизга қўйган энг эзгу мақсадларимиз билан узвий боғланган бугунги кундаги яна бир ғоятда долзарб масала – кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, бу борада бошланган ишларимизни давом эттириш ва кучайтириш бундан буён ҳам биз учун устивор вазифа бўлиб қолди»¹.

Муаммоли савол: хўш, юқорида қайд этилган ҳолатлардан ташқари, яна қандай сабаблар таълим тизимида туб ислохотларни ўтказишга ундади? Булар, кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш

¹ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., 2000. 27-бет.

ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кабилардир.

Буларнинг бариси таълим тизимини зудлик билан ислоҳ этишни, мазкур соҳани чуқур инсонпарварлаштиришни талаб этарди. Тўғри, 1992 йил июлида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва давлатимизнинг шу асосдаги таълим-тарбия сиёсати ишлаб чиқилган эди.

Унда умумий таълим қуйидаги босқичлар бўйича амалга оширилади:

I босқич – бошланғич таълим (1-4 синф);

II босқич – асосий (таянч) мактаб (4-9 синф);

III босқич – юқори ўрта мактаб (10-11 синф);

10-11 синфлар ихтисослашган бўлиб, ўқувчиларни олий ўқув юртларига тайёрлашга хизмат қила бошлади.

Таъкидлаш лозимки, ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб республикамізда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинганлиги, «Мактабгача тарбия», «Умумий ўрта таълим», «Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар», «Ёшлар сиёсатига оид» каби қатор концепциялар ва дастурлар яратилганлигини, давлат таълим тизими жаҳон амалиёти талабларига мувофиқ келиши учун хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларнинг ўрганилаётганлиги ва шу аснода 20 дан ортиқ йўналишлар, фанлар бўйича стандартлар лойиҳали тайёрланди².

1993-94 ўқув йилида барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси мактаблари ўқувчилари билимларини текшириш юзасидан ўтказилган тест синовлари қуйидаги натижаларни кўрсатди. Ушбу синовга 70 та туман ва шаҳарларнинг 400 дан ортиқ мактабларнинг ўқувчилари жалб этилди. 9-синфларда кимё ва адабиёт фанларидан тест синови ўтказилди. Яқунлар қуйидаги меъёрга баҳоланди: 90 фоиздан ортиқ тўғри бажарганларга «5» баҳо, 80 фоиздан камига «4» баҳо, 60 фоиздан ортиғига эса «3» баҳо.

² Эргашев К. Ўзбекистон халқ таълимининг ривожланиш тарихи. Т., 1998, 59-бет.

Мазкур синовлар натижалари ўқувчиларнинг гуманитар йўналишдаги фанлар бўйича чуқур билим олаётганликларини кўрсатди. Масалан, адабиёт фани бўйича таянч мактабларининг 10186 ўқувчисидан 1275 таси 90%дан ортиқ вазифаларни, 2552 ўқувчи 80%дан ортиқ вазифаларни бажардилар, яъни ўқувчиларнинг тўртдан уч қисми фанни яхши ва аъло баҳоларга ўзлаштирганликларини намоёниш этдилар².

Истиқлол йилларида умумтаълим мактабларида она тилини ўқитишга муҳим эътиборнинг қаратилиши ва «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни бажариш юзасидан олиб борилган ишлар таълим-тарбия жараёнининг сифатини янада ошишига сабаб бўлди. Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда она тили ва адабиётига ажратилган соатлар ҳажми кўпайиб, 2720 соатга етди. Ўқиш рус тилларида олиб бориладиган мактабларда эса ўзбек тили фанига ажратилган соатлар 544 соат ўрнига 1020 соатга етди. Булар ўқувчиларда миллий ўзлигини англаш ҳиссини кучайтирди, ўз ўлкасига, тарихига қизиқишини ва ўз Ватанининг гуллаб-яшнаши йўлида фаолият кўрсатиш ҳиссини уйғотди.

Умуман, 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилишда маълум рол ўйнади. Мазкур ҳужжат шўролар мустабид тизими давридан «мерос» бўлиб қолган, коммунистик мафкурага хизмат қилувчи мафкуравий кучни бартараф этишда алоҳида аҳамият касб этди, жаҳон андозаларига мос тизим яратилишида дастлабки қадам бўлди.

Бироқ, қайд этиш жоизки, мазкур ҳужжат Ўзбекистоннинг янги шароитдаги вазифаларига тўлиқ жавоб бера олмас эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати таълим тизимини тўлиқ ислоҳ этишга қодир ҳужжатларни қабул қилишга эътиборни кучайтирди ва бу борада бош ислохотчилик йўлини ўйнади. 1997 йил 29 август, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида тамомила янги, сифат жиҳатдан мукаммал

² ЎЗР ХТБ УМББ нинг жорий ҳужжатлари. 2-9-13-иш; 2-3 варақлар.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ишлаб чиқди.

Мамлакат Президенти юқорида қайд этилган ҳужжатларни қабул қилишга ундаётган омилларни эътиборга олган ҳолда қуйидаги фикрни баён этди.

Биринчидан, биз эски шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан хали-бери тўлиқ қутулганимиз йўқ.

Иккинчидан, барча амалдаги ўзгаришлар ва тадбирлар, асосан юзаки бўлиб, таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммоларини ечиб берган эмас.

Учинчидан, бизнинг амалдаги таълим-тарбия тизимимиз бугунги кун замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмаслиги кўп жойларда яққол кўринмоқда¹. Мазкур мулоҳазалар янги ҳужжатлар қабул қилингунгача бўлган даврдаги таълим тизимининг чекланганлигидан яққол далил берарди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг энг илғор жиҳатларидан бири – унда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларининг баён этилиши бўлди. Улар қуйидагилардан иборат эди:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

¹ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997, 6-бет.

- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндошув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Масалага бундай тарзда ёндошув таълимнинг мамлакатда кўрилатган демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият талабларига тўлиқ жавоб бериши, унинг миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлигидан гувоҳдир. Шу билан бирга, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим турларига асос солинди, мавжудларини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди.

Мамлакатимиз раҳбариятининг таълим-тарбия соҳасига шу даражада катта эътибор бериши бежиз эмасдир. Гап шундаки, мамлакатимиз аҳолисининг аксарият кўпчилиги ёшлар, ўсмирлардан иборат бўлиб, улар ўз келажакларини айнан билим олиш билан боғлагандирлар. Хусусан, ҳозирда Ўзбекистонда 9,5 мингга яқин умумтаълим мактаблари, гимназиялар, лицейлар, коллежлар, 300 га яқин ўрта махсус муассасалар, 65 та олий ўқув юртлари бўлиб, улардан 600 мингдан ортиқ турли малакадаги педагоглар меҳнат қилади.

Сўнгги йилларда миллий мактаблар тизимини яратиш борасидаги ишларнинг таркибий қисми сифатида республикада яшаётган ва озчиликни ташкил этган (мамлакатлар) миллатлар фарзандлари таълим-тарбиясига ҳам эътибор кучайтирилди. Ўзбекистонда 2,5 мингдан ортиқ ўқувчиси бўлган 50 га яқин қрим-татар мактаби, 130 та ўқувчисига эга бўлган 2 та немис мактаби, 2400 га яқин ўқувчисига эга бўлган 24 та корейс мактаби,

4 та уйғур, 1 тадан курдлар, яҳудийлар мактаблари фаолият кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари, 9 мингдан ортиқ қозоқ фарзандлари, 3000 мингдан ортиқ тожик фарзандлари, 1 мингдан ортиқ қирғиз фарзандлари ва 1,5 мингга яқин туркман фарзандлари ҳам ўз тилларида таълим-тарбия ола бошладилар¹.

Ўзбекистон ҳукумати истиқлол талабларига жавоб бера оладиган иқтидорли ёшларни танлаб олиш, уларга фан йўлидаги сўқмоқларни шараф билан босиб ўтиш борасида ҳам қатор ишларни амалга оширмоқда. «Умид» жамғармасининг Ўзбекистон Президенти томонидан таъсис этилишини шу маънода тушуниш лозим. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январь Қарорига мувофиқ иш бошлади.

Маълумки, мамлакатимизда тарихий туб ўзгаришларни муваффақиятли ўтказиш, ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун жаҳон андозалари даражасида билим олган истеъдодли, руҳан баркамол ёш миллий кадрлар зарурдир. «Умид» жамғармасининг ўз олдига қўйган энг катта мақсади ҳам халқ хўжалигининг нуфузли тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлашдан иборат бўлди. **Ҳозирги кунда Ўзбекистонлик талабалар ўз танлаган ихтисосликлари бўйича АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Япониянинг жаҳонга машҳур олий ўқув юртларига муваффақият билан шуғулланмоқдалар.**

«Таълим тўғрисида»ги қонун, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури жамиятни маънавий жиҳатдан барқарорлаштириш жуда катта вазифаларни бажармоқда, ёшларда Ватанга, миллатга меҳр-муҳаббат хиссини сингдиришда, жаҳон андозаларига мос фаолият кўрсатишда муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, янги таълим-тарбия дастури ёшларда мафкуравий эътиқодни мустаҳкамлашда, миллий ғоя ва миллий мафкура моҳиятини англашда алоҳида аҳамиятлидир, зеро, мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш,

¹ Эргашев К. Ўзбекистон халқ таълимининг ривожланиш тарихи. Т., 1998. 64-бет.

иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш жуда зарурдир. И.А. Каримов қайд этганидек, энг муҳим вазифа «уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларнинг мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир»¹.

3-§ Истиқлол йилларида ўзбек маданий ҳаётидаги ўзгаришлар

Ҳар қандай шароитда ҳам барча миллат ва халқлар ўзининг маънавий эҳтиёжларини қондиришга муҳтожлик сезади. Маънавият – инсон учун мавжудлик белгиси. Маънавий бойлик – у ёки бу миллатни бошқа этник бирикмалардан ўзига хослигини билдирувчи, англатувчи муҳим омилдир. Маънавияти йўқ халқнинг ўзи йўқ. Шу билан бирга ҳар бир халқ маънавияти ҳам бир хил даражада эмас.

Шу ўринда мамлакат юртбошисининг «биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томиригача назар ташлаймиз»², – деган фикрларида жуда мантиқ ва маъно бор. Бироқ, шўролар мустабид тизими шароитида ўзбек миллий маданияти ҳаддан ортиқ даражада кўп зарар кўрди. Барча мустамлакачилик каби коммунистик мафкура маддоҳлари ҳам ўзбек халқини қул қилиш учун энг аввало шу халқнинг миллий маданиятини йўқ қилишга зўр бердилар.

Таъкид этиш жоизки, маънавий маданияти юксак, унинг илдизлари бақувват халқнинг ижтимоий онгидан шу халқ маданиятини ҳеч қачон тамомила йўқ қилиш мумкин эмас. Тўғри мустамлакачиликлар натижасида ўзбек маданиятига катта зарар етказилди, унинг маънавий илдизларини қирқиб ташлашга уринилди. Лекин улар бунинг уддасидан чиқа олмадилар.

Ўзбек халқи катта йўқотишларга қарамасдан ўзлигини, ўз миллий маданиятини сақлаб қола билди. Бунга яқин ва узоқ тарих гувоҳдир. Эндиги

¹ Каримов И. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Т., 2000. 6-бет.

² Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998. 18-бет.

вазифа – маънавий ҳаётдаги барча йўқотишларнинг ўрнини қоплашдан иборат бўлди. Бу нарса халқимизнинг маънавият ва маърифатга муҳтожлиги ва унинг танқислиги билан белгиланди. Кишининг ўзлигини англаши, ўз шаънини ҳимоя қила олиши ва барча ёмонликлардан ўзини тия олиши учун ориф бўлмоғи, қалбининг тубида, жиндай бўлса-да, маърифат шамчироғи ёниб турмоғи лозим. Ана шунда одам гуноҳдан ҳазар қилиш, барча неъматлардан ақл-идрок ва инсоф доирасида фойдаланиш йўлини тутди. Ножўя хатти-ҳаракатлари учун тавба-тазарру қилиш зарурлигини англай бошлайди¹.

Ўзбек халқи айнан шу йўлдан борди, ўз миллий-тарихий, маданий меросига содиқлигини кўрсата билди. Бу эса мустамлакачиликлар даврида йўқотилган, тапталанган маданий меросни тиклаш, ўзлигини англашга бўлган рағбатни уйғотди.

Истиқлол йилларида ўзбек маданий ҳаёти уйғонди, жонланди ва ўзининг бутун мавжуд бўй-бастини кўрсата билди. Театр, мусиқа санъати ривож топди, маданий алоқалар кенгайди, маданий-маърифий муассасалар фаолияти такомиллашди, музейларнинг ижтимоий-маърифий аҳамияти ошди, миллий адабиёт равнақ топди.

Айниқса, театр санъатининг ривожига гуллаб яшнади. Бу бежиз эмасди, зеро мустамлакачилик даврида театрлар коммунистик мафкуранинг хизматкорига айланган, сиёсий мақсадларнигина бажарувчи кучга айланган эди. Шу аснода асосий эътибор репертуар масаласини ҳал этиш, томошабинларни бездирадиган сахна асарлари ўрнига уларнинг маънавий-ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи спектаклларни фуқаролар ҳукмига ҳавола этишга асосий эътибор қаратилди.

Ҳозирги шароитда *Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 36 та драматик, мусиқали драма ва комедия, опера ва балет, қўғирчоқ театрлари ана шундай вазифаларни бажардилар. 1998 йил 26 мартда Ўзбекистон*

¹ Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Т., 1999, 150-бет.

Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди..

Унга биноан, Ўзбекистон томоша санъатининг кўп асрлик анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий базасини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишда театр арбобларининг фаол қатнашишини таъминлаш, республика Маданият ишлари вазирлиги театр ташкилотлари негизида ва театр арбоблари уюшмасида бадий замонавий сахнабоп асарлар яратиш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги тизимида ва театр ижодий ходимлари уюшмаси қошида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

«Ўзбектеатр» бирлашмаси ўзининг театр ташкилотлари ҳамда минтақавий бўлимига эга бўлиб, мулкчилик шаклларида ва қандайдир муассасага идоравий дахлдорлигидан қатъи назар мамлакатдаги барча давлат театрлари, театр студияларида халқ театрлари ва бошқа тегишли ташкилотлар жамоаларини ихтиёрий тартибда бирлаштирди¹.

Театр санъатини ривожлантириш йўлида 1998 йил ноябрь ойида ўтказилган «Хумо» халқаро ёшлар театрларининг фестивали алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу фестивалда Ўзбекистон ва Исроил давлатларининг энг яхши театр жамоалари иштирок этдилар. Мазкур фестивал доирасида 32 та спектакл намоиш этилди, уларни 20 мингдан ортиқ томошабин томоша қилди.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида маънавий маданиятнинг муҳим жабҳаси бўлган мусиқа санъати ҳам жуда ривож топа бошлади, зеро табиатан нозиктаъб, санъатсевар ва санъат аҳлига талабчан ўзбек халқининг мусиқаси кенг кўламли маънавият кўзгусидир. Шўролар даврида асосан мафкуравий ҳукмронлик қўлига айланган мазкур

¹ Ўзбекистон Республикаси. 100 саволга 100 жавоб. Т., 1998, 177-бет.

санъат тури эркинлик йўлига кирди. Жамият аъзолари миллий кўшиқчилик санъатидан баҳраманд бўла бошладилар.

Ўзбекистон ҳукумати халқимизнинг миллий кўшиқчилиikka бўлган ижтимоий эҳтиёжини эътиборга олиб миллий руҳдаги, халқнинг кўнглига яқин мусиқа асарларини яратишга бўлган қизиқишни доимо рағбатлантирди. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мусиқа санъати бўйича қатор кўрик-танловлар ўтказила бошланди. Хусусан, 1992 йил март ойида Тошкент шаҳрида танбур, сато, кўшнаи, сурнай ва бошқа миллий соз ижрочиларининг *«Асрларга тенгдош наволар»* деб номланган республика кўрик танлови, апрель ойида Тошкент вилоятида ҳаваскор кўғирчоқ театрлари жамоаларининг кўрик-танлови, шунингдек, машҳур санъаткорлар Жўрахон Султонов, Саиджон Калонов, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Содиков, Жанақ Шомуратовларнинг асарлари ижрочиларининг *«Боқий овозлар»* деб номланган кўрик-танловлари ўтказилди. Айни вақтда 1992 йил май ойида Хоразм вилоятида фольклор жамоаларининг, аския, қизиқчи ва масхарабозларнинг, июн ойида Қўқонда ўтказилган IX анъанавий ва лапар, ялла ижроияларининг август ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган XI анъанавий кўрик танлови миллий санъатимиз ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Мамлакатимиз ҳукумати кўшиқчилик санъатидан мустақилликнинг маънавий заминларини мустаҳкамлашда ҳам унумли фойдаланишга эътиборни кучайтирди. Шу мақсадда 1995 йил декабрда *«Ўзбекистон – Ватаним маним»* мавзуидаги кўшиқлар кўрик-танлови эълон қилинди. Мазкур танлов барча вилоят, шаҳар ва туманларда жуда катта кўтаринкилик руҳида ўтказилди ва унинг натижасида юзлаб янги, мустақиллик даври кўшиқлари яратилди, кўплаб истеъдодли санъаткорларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

«Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқ кўрик-танловининг 1996 йил март ойида бўлиб ўтган биринчи босқичида 54 мингдан ортиқ санъаткорлар

иштирок этди, 10 мингдан ортиқ янги мусиқий асарлар яратилди. Қайд этиш лозимки, мазкур танлов истиқлолни, Ватанни, ўзлигини англашда муҳим қадам бўлди. Халқимизнинг бундай тадбирга қизиқиши ортиқ бўлди.

Буларнинг барчасини эътиборга олиб, 1996 йил августда «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқ байрами ҳақида» махсус фармон қабул қилинди. Фармонда фуқаролар қалбида муқаддас Ватан туйғусини тарбияловчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва кўшиқларнинг яратилишига кенг имконият яратиш мақсадида ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «*Ўзбекистон – Ватаним маним*» кўшиқ байрами куни, деб белгилаб қўйилди. Айти пайтда, халқимизнинг кўшиқчилик санъатига бўлган буюк қизиқишини эътиборга олиб, Маданият ишлари вазирлиги ҳузурида «*Ўзбекнаво*» гастрол-концерт бирлашмаси ташкил этилди.

Натижада, мазкур кўрик-танлов ҳозирда оммавий тус олди, унда нафақат ўзбек миллий, шу билан бирга мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа барча халқлар вакиллариининг эркин ижод қилиши, ўз санъатларини намойиш этиш имконияти яратилди. Профессионал ва халқ бадиий ижодиёти асосида санъатнинг кўшиқчилик турига тенг эътибор берилиши, уларнинг уйғун ривожланишига шароит яратилиши туфайли мазкур санъат тури янада ривож топмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда жаҳон цивилизациясида алоҳида ўринга эга бўлган буюк моддий маданият яратилди. Улар халқаро ҳамжамият томонидан аллақачон эътироф этилган. Бироқ, шўролар мустабид тизими даврида Ўзбекистон моддий маданиятига катта зарар етказилди. Минглаб ноёб маданият дурдоналари, асори-атиқалари хорижга, асосан, Москва, Санкт-Петербург музейларига ташиб кетилди. Миллий ўзликни англашда бундай ёдгорликларнинг аҳамияти катта эканлигини эътиборга олиб, мустамлакачилар иложи борица улар ижтимоий-маданий аҳамиятни камчитишга ҳаракат қилдилар.

Аммо, мустақиллик бундай жирканч сиёсатга барҳам берди. Истиклолнинг дастлабки даврлариданоқ музейлар, қўриқхоналарнинг ўрни ва ролини белгилаб беришга алоҳида аҳамият берилди. Маълумки, ҳозирда биргина Маданият ишлари вазирлиги тизимида турли соҳалар бўйича 68 та музей мавжуд бўлиб, булар 21 та ўлкашунослик, 10 та бадий, 14 та меъмориал, 5 та адабий-меъмориал, 7 та бадий, 1 та табиий-илмий музейлардир.

Шу билан бирга Самарқандда Давлат музей-қўриқхонаси, Бухорода Давлат музей-қўриқхонаси, Хивада «Ичон-Қалъа» давлат музей-қўриқхоналари фаолият кўрсатмоқда. 1999 йилги маълумотларга кўра, республикамиздаги музейлар фондида 1305786 экспонат сақланмоқда. Биргина 1999 йилда уларнинг асосий фондига 7544 та экспонат қабул қилинди. Шу йилнинг ўзида барча музейларга 1655400 киши ташриф буюрди¹.

Ўзбекистон ҳукумати халқимизнинг ў миллий ўзлигини англаш жараёнини янада жадаллаштиришни эътиборга олиб, 1994 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 5 декабрда эса «Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарорларни эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони эса музейлар ишида тубдан бурилиш ясади. Унга биноан барча турдаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги қошида «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил

¹ «Мозийдан садо», 2000, №1-2, 22-бет.

этилди, ўзбек, инглиз, рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журнали таъсис этилди¹.

Кўрилган барча тадбирлар натижасида музейларнинг ижтимоий-маданий аҳамияти анча ортди, уларнинг ўзбек халқи миллий ўзлигини англаш жараёнидаги роли кучайди. Музейларга эътибор хорижлик фуқароларнинг Ўзбекистонга, унинг бой ва қадимий маданиятига бўлган қизиқишини оширди.

Истиқлол ўзбек халқига ўз миллий адабиётини қайтариб берди. Коммунистик мафкуранинг жарчисига айланган «совет адабиёти» вайронлари ўрнига пайдо бўлган ўзбек миллий адабиёти тезликда ўзининг қаддини кўтарди, партиявийлик, синфийлик каби хатто методологик асослардан воз кечила бошланди. Мумтоз адабиётга муносабатда диний адабиёт, феодал-клерикал адабиёт, сарой адабиёти дейилган тушунча ва бир миллат адабиётини реакцион ва прогрессив деб иккига бўлиб ўрганишдек хатто назарий чеклашларнинг даф этилиши миллий адабиётнинг холисона баҳоланишига имкон яратди. Шундай қилиб, мустақиллик Ўзбекистон маънавий ҳаётини барқарорлаштириш учун замин яратди, маънавий-маърифий ҳодисаларга муносабатни ўзгартирди. Истиқлол туфайли маънавий турмушимиздаги кўплаб муаммолар ҳал этила бошланди. Қурилаётган демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият, бозор муносабатларига ўтиш, жаҳон ҳамжамияти билан мафкуравий тазйиқларсиз ўзаро ҳамкорлик қилиш имконияти – буларнинг баричи Ўзбекистон маданиятини халқчил қилди. Ўзбекистон, ўзбек халқининг дунёдаги ўзига хос ва мос ўрни борлиги, унинг жаҳон цивилизациясига кўшган бебаҳо ҳиссасининг эътироф этилиши туфайли маънавий ҳаётнинг гуллаб-яшаши учун мустаҳкам замин яратилди.

¹ «Гулистон», Журнали 1998 й, №2, 5-бет.

Хулоса

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик шароитида маънавий-маърифий ислохотлар – жамият тараққиётининг устивор йўналиши сифатида олдига қўйган мақсад ва вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Ички ишлар идоралари ходимларининг олдига қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажаришлари, ўз халқига, Ватанига бўлган садоқатлилиги, жамоага бўлган ҳурмат ва эҳтироми, касбига бўлган фидойилиги, ўта оғир ва турли хил фавқулотда вазиятларда ўзини ва жамоани ҳимоя қилиш қобилиятига эга бўлишлари, ҳар бир бажарилаётган хизмат вазифаларини тўғри ва ҳаққоний амалга оширишлари лозим бўлади.

Ички ишлар идоралари ходимлари таълим жараёнида олган назарий билимларини мукаммал даражада эгаллашлари, таълимнинг ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини комплекс равишда ўрганишлари ўз билим ва маҳоратларини юқори савида ривожлантиришлари лозим бўлади.

Бунинг учун эса ҳар бир ички ишлар органлари ходимлари ўз вазифаларини ҳис қилиб, эгаллаган назарий билимларини амалиётга, ҳаётга тадбиқ эта билиш қобилиятига эга бўлишлари лозим. Шунингдек, бугунги кунда Ички ишлар идоралари ходимлари ташкилий, тактик усулларини, тезкор, тергов ҳаракатларини, беками-куст бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйишларини талаб этилади. Шундай экан, ИИИ ходимлари ўзбек миллий маданиятини янада ривожлантиришга ўз ҳиссаларини аямасдан қўшишлари, ёки аксинча, ўзбек миллий маданиятининг ИИИ ходимлари касбий фаолиятида намоён бўлишида ҳар бир орган ходимлари ўз фазилатлари ва ҳислатларин ижобий томонга йўналтиришлари мақсадга мувофиқдир.

Мавзу бўйича саволлар

0. Маънавият соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш деганда нимани тушунасиз?
0. Ўзбекистонда Республика маънавият ва маърифат маркази қачон ташкил топган?
0. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони қачон қабул қилинган?
0. “Ўқитувчилар ва мураббийлар” кунини нишонлаш тўғрисидаги Президент фармони қачон қабул қилинган?
0. “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Президент фармони қачон қабул қилинган?
0. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?
0. Ўзбекистон Республикасида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қачон қабул қилинган?
0. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?
0. “Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти ва маънавияти орқали биламиз” – деган фикр муаллифини топинг?
0. “Маънавият” сўзига берилган тўғри таарифни белгиланг?
0. “Маънавий бойлик”-нима?
0. 1998 йил 26 мартда Президент қандай фармонга имзо чекди?
0. 1994 йил 23 декабрда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қандай қарор қабул қилинди?
0. “Модомики, биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, маънавий соҳадаги дастуримиз ҳам шундан келиб чиқмоғи даркор”- деган фикр муаллифи ким?
0. Республика маънавият ва маърифат маркази қандай вазифаларни бажаради?

4 - Мазву:

ЖАҲОН МАДАНИЯТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§ Архаик (ибтидоий) маданият ҳақида умумий тушунча

Архаик ёки ибтидоий маданият – мавжуд инсоният маданиятининг ибтидоси ва энг узоқ давом этган давридир. Бу давр инсоният тарихи умумий кўламининг 99 фоизини ташкил қилган ҳолда замонавий маданиятга беқиёс таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ўша вақтда вужудга келган архаик маданиятнинг айрим кўринишлари бўлмиш фикрлаш тарзи, феъл-атвор ҳозирга қадар йўқолган эмас. Инсоният ҳаётининг бошланғич даври кейинги барча ўзгаришларга замин туғдиргани сабабли бу даврни ўрганиш инсоният эволюцияси асосларини, унинг маданияти негизини тушуниш ва шарҳлашга ёрдам беради.

Бу борада кўплаб олимлар томонидан маълумотлар тўпланган бўлиб, биз ушбу маълумотларнинг икки йўналишини кўриб ўтамыз:

I. Антропологик ва археологик топилмалар—ибтидоий одамнинг жисмоний ва маданий ривожланишини, овчилик жамоасининг турмуш тарзини ёруғ оламга чиқарди. Бу маълумотлар ўзига хос белгилари билан эмперик (тажриба) таҳлилни юзага чиқарди ва ибтидоий босқични умум қабул қилган **Палеолит - қадимги тош асри** ва **Неолит – янги тош асри** таснифига асос солди:

Палеолит босқичининг ўзи ҳам илк (қуйи) ва сўнгги (юқори) даврларга бўлинади. Шунингдек, палеолит ва неолит босқичининг ўртаси **мезолит – ўрта тош асри даврига бўлинади.**

II. Этнографик маълумотлар – замонавий халқлар ва ҳозирги вақтда ҳам овчилик ва термачилик билан кун кўрувчиларнинг ҳаёти ҳақида. Бу

маълумотлар сақланиб қолган архаик маданият кўринишини этник, ижтимоий ва руҳий ўхшашликлар бўйича қайта тиклашга ёрдам беради.

Тош асрининг даври бундан 2,6 млн. йилдан (Кениянинг Рудольф кўли соҳилидан топилган қадимги тош қуроллари) то эраизгача 2 минг йилгача (меҳнат қуролларини жездан тайёрлай бошлаган давргача) бўлган вақтни ўз ичига олади. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида қазиб топилган гоминидлар ҳам илк палеолит даврига оиддир. Археолог У. Исмоилов Селунғир ғоридан топган «фергантроп» қолдигининг ёши 700 минг йилга тенг.

Илк палеолитнинг охири даври кўпинча алоҳида даврга ажралиб «**ўрта**» ёки «**мустье**» деб номланади (200 мингинчи йилдан 40 мингинчи йилгача). Бу қонуний ҳодиса бўлиб, мустье даврида маданий ижодкорлик жараёнининг ўсиши сезилади, яъни бу даврда неандерталлар пайдо бўлди. Неандерталлар кенг ҳудудларга тарқалиб мураккаб ва турли хил қуроллар тайёрлаган, энг муҳими улардан маълум маросим ва маданиятни ривожлантириш бошланди. Неандерталлар яшаган ғорларидан айикнинг бош суяги топилган, махсус ўрнатилган тош супа оловдан қорайган, унда маълум маросим ўтказилган. Неандерталлар қабри кўпинча Шарқ-Ғарб йўналиши бўйича жойлашиб, мурда «ёнбош ухлаётган ҳолатда, тиззалари энгагига қайирилган, ёнига тош қуроллар қўйилган». Бу маросим удуми ўлимдан кейинги ҳаёт мавжудлиги ҳақидаги тасаввурнинг маданиятдаги энг қадимги ва барқарор пайдо бўлганлигидан далолатдир.

Неандертал қабри Ўзбекистоннинг Тешиктош ғоридан (Сурхандарё вилоятидан) ҳам топилган, шунингдек, ўша даврга оид кўплаб манзилгоҳлар очиб ўрганилган (Омонқўтон, Зирабулоқ, Обираҳмат, Кўлбулоқ, Учтут ва бош.).

Илк палеолитда маданий муҳитнинг мавжудлиги алоҳида жойлар билангина чегараланса **сўнгги палеолитда** эса маданият тизим сифатида шаклланади. Сўнгги палеолитнинг бошларида гоминид эволюцияси

яқунланиб замонавий «ақлли одам» тури пайдо бўлади. Сўнгги палеолитда турли-туман тош ва бошқа қуроллар нотекис тарзда кўпайиши натижасида таркибий қуроллар-тасма, учлик, шунингдек, тўқимачилик пайдо бўлади.

Ниҳоят, дастлабки тартибли ижтимоий ташкилот – уруғ ташкил топади. Бу инқилобнинг маҳсули инсонларнинг асосий антропологик, рухий физиологик, рухий ижтимоий ва маънавий бирлиги бўлиб, инсонлар уюшмасининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, тил, маиший ривожланишидаги тафовутларга қарамасдан тарихда сақланиб қолди.

Ибтидоий одамлар табиатни, иқлимни шароитдан келиб чиқиб кузатиши асосида об-ҳавони олдиндан айтиб бериш қобилияти пайдо бўлади. Тарбия ҳам меҳнат ва турмуш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, одат ва удумлар асосий аҳамият касб этган.

Маънавий маданиятнинг кўринишларидан бири **ибтидоий санъат** ҳам одамнинг меҳнат фаолияти билан уйғун ҳолда вужудга келган. Уруғчилик жамоасининг пайдо бўлиши даврида ибтидоий одамлар санъатнинг нималигини тўла англамаган ҳолда тирикчилик жараёнида санъат шакллана бошлади. Ибтидоий санъат хилма-хил бўлиб, бир неча турларга бўлинади:

1) Суяк, тош парчаси, шох, кулолчилик буюмларига чизилган белгилар, одам, ҳайвон ва ҳар хил нарсаларнинг тасвирлари.

2) Ғор деворларига ҳар - хил ранглар билан ишланган ҳайвон, одам ва буюмлар тасвири. Уларда ов, меҳнат, жанг ва бошқа манзаралар тасвирланган. Бундай тасвирлар Турон, Саҳрои Кабир, Марказий Осиё, Ғарбий Европада кўплаб учрайди.

3) Қоя тошларга ўйиб, чизиб, ишқалаш усули билан ишланган тасвирларда ҳайвон, буюм, қуроллар ва ибтидоий кишиларнинг кундалик меҳнати билан боғлиқ манзаралар ўрин олган. Қоя тош тасвирлари Осиё, Африка ва Европада кўп учрайди.

4) Архаик санъат турларидан яна бири хайкалторошлик ҳам уруғчилик жамоасининг ривожланган даврида пайдо бўлиб, асосан аёллар, қисман

эркаклар, шунингдек, ҳайвонлар ҳайкаллари ишланган. Бундай ҳайкалчалар, суяк, тош ва бошқа нарсалардан тайёрланган. Ҳайкал тасвирларда ибтидоий меҳнат ва эътиқод рамзлари намоён бўлади.

5) Ишлаб чиқарувчи хўжалик (неолит) фаолияти билан боғлиқ сопол буюмларга чизилган расмларда оддий чизиқлар, ҳайвон ва ўсимлик тасвирлари учрайди.

6) Ибтидоий санъат турларидан бири – ниқоблар қадимги одамларнинг овчилик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, ниқоб тутиб ҳайвон қиёфасига кирган, ҳайвонларни кўрқитиб ўзларини ҳимоя қилган. Ниқоблардан маросим ва удумларда фойдаланган.

7) Мусиқа, кўшиқ, ўйин ибтидоий санъат турлари ҳисобланиб, ибтидоий одамлар уриб, чертиб, пуфлаб чаладиган асбобларни кашф қилишган.

8) Халқ оғзаки ижоди – асотир, ривоят ва афсоналар ҳам ибтидоий давр маҳсулоти бўлиб, ибтидоий одамнинг турмуши, ўй-фикри ва кайфиятини ифодалаган, диний тасаввурларнинг шаклланишига асос бўлган.

Умуман, ибтидоий санъат кишиларнинг дастлабки умумий ижоди бўлиб, у одамларнинг меҳнат фаолияти, ички руҳияти ва диний тасаввурлари билан уйғун бўлган. Диний тасаввур ва эътиқод шакллари маданиятнинг моддий ва маънавий турларининг ривожига самарали таъсир кўрсатган.

Ибтидоий одамлар турли минтақаларга тарқалиб, турли хил тирикчилик билан шуғуллана бошлайди. Табиатнинг ва тирикчиликнинг хилма-хиллиги турли эътиқодларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Табиат ва жамият ҳодисаларга боғлиқ ғайритабиий кучларга ишониш ибтидоий эътиқод дейилади. Унинг тотемизм, анимизм, сеҳргарлик каби турлари ибтидоий жамоа тузуми даврида кенг тарқалган.

Тотемизм - жамоанинг ҳайвон ёки ўсимлик тури билан ғайритабиий қариндошлик алоқасига ишониши бўлиб, овчилик ва термачилик ривожланган даврда пайдо бўлган. Бу эътиқодда тотем – ҳайвон ёки ўсимлик

нихоятда ҳурмат қилинган. Тотемизмнинг илк босқичида ҳайвон муқаддас саналиб, уни ўлдириш ёки гўштини истеъмол қилиш таъқиқланган. Фақат уруғнинг урф-одат маросимларидагина бу ҳайвон гўшти истеъмол қилинган.

Анимизм – «руҳ», «жон» маъносини билдириб, бу дунёда руҳлар, жонлар шаклидаги ғайритабиий кучларнинг борлигига ишонишган. Табиатдаги нарсалар, одам ва бошқаларнинг руҳлари – шулар жумласидандир. Уруғчилик жамоасининг ривожланиши билан уруғ бошлиқлар, ҳарбий йўлбошчилар руҳига-аждодларга сиғиниш пайдо бўлган. **Матриархат даврида руҳлар аёллар номи билан аталган.** Хўжалик шакллари пайдо бўлгач табиатдаги нарсалар (куёш, сув, ер) нинг руҳига топиниш кучаяди.

Сеҳргарлик – одамнинг ғайритабиий кучларга таъсир кўрсатиши қобилиятига асосланган амаллардир.

Бу ибтидоий санъатда ҳам ўз ифодасини топган. Қоятош тасвирларидаги яраланган ҳайвон ифодасида овчилар бўлғуси овнинг бароридан келишини кўзлаб, ҳайвонларни сеҳрлаганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон ҳудудидаги ибтидоий тасвирий санъат намуналарини энг қадимгиси мезолит-неолит даврларига оид бўлиб, улар жаҳон тасвирий санъат тарихининг ажралмас қисмидир. Шунингдек, бу тасвирий санъат тарихи бир қатор алоҳида кўриниш, ўзига хослик ва фарқлик жиҳатларга эга бўлиб қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Ғорлар, қадимги тошлар ва турли қояларда сақланиб қолган ибтидоий тасвирлар яратилган давр.

2. Лой, ганч, тош ва ёғочдан ишланган қадимги ҳайкаллар намуналари ва турли ҳунармандчилик буюмларидаги тасвирлар яратилган даврлар.

Мамлакатимиз тоғлик туманларида кенг тарқалган қоятош тасвирлари ишланиш усулига кўра икки хил: бир хиллари бўёқ (оҳра) билан; иккинчи хиллари эса ўйиб-ишқалаш-чизиш усули билан ишланган расмлар (петроглифлар).

Тасвирий санъатнинг ибтидоий даврга мансуб намуналаридан бири Жиззах вилоятидаги **Тақатош номли тошдаги тасвир ёзувлардир.**

Миф ва мифология энг аввало антропоморфизм – табиатдаги нарсаларга ҳам одамга хос деб қарашни ва худоларни одам қиёфасида тасаввур қилишни ифодалайди.

Миф ва мифологияни қадимги эътиқодлардан фарқи, оламдаги барча мавжуд муносабат ва қадриятларни изоҳлашни ўзига олади. Бу ўша даврларни билишнинг ўзига хос назарий асоси ва маҳсус шаклидир. Негаки билим-ёрқин ранг-баранглик, ифодалилиқ, жўшқинликдир. Мифология дастлабки босқичда кишилар учун билим ўрганиш ва мустаҳкамлашнинг ягона манбаи ва усули эмаслиги даргумон. Бироқ, Л.С.Васильевнинг таъкидлашича, билимни мустаҳкамлаш бу – мифни ўрганиш йўли билан эмас, балки унинг удумлари, маросимларининг амалда такрорланиб тарқалишида содир бўлади. Миф ва маросим архаик маданиятнинг гўёки икки томони, яъни – сўздаги ва ҳаракатдаги, назарий ва амалий. Мифологик билим илмий ҳақиқатга маълум миқдорда дахлдордир.

Мифологик билимнинг иккита асосий ижтимоий вазифаси бор:

0. Ушбу умумийликнинг асосий вазифаларини, уларнинг одатий мавжудлигини кишилар онгига синдириш ва мустаҳкамлаш, хусусан, шаклланган қоидаларни тасдиқлаш, қонунийлаштириш ва ҳатто жамоани тиклаш ва барқарорликни таъминлаш учун уларни анъанага айлантириш;

0. Жамоани кўрқувидан халос қилиш мақсадида ва руҳий ҳаловатни кафолатлашда атроф-муҳит билан ҳамда бутун ташқи олам билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш ва таъминлаш.

Миф оламини мавҳум ғоялардан бузилган тарзини ўзида намоён қилиб, ноаниқ ва қуруқ муҳокамаларнинг шаклланишига имкон беради яъни, дастлабки даврда инсонни уни чулғаб турган аниқ кундалиқ ишлардан фикрини чалғитиб, ҳаёлий поэтик оламга олиб киради. Миф оламини жамоа бўлиб анъанавий ҳис қилишдир, негаки, шу асосда у ҳар доим илк диний

тасаввурлар мажмуининг негизи ҳисобланган. Миф - дастлабки дунёқарашнинг зарурий, муқаррар шаклидир. Умум тасаввурлар мифнинг шаклланишига сабаб бўлолмайди ва ҳиссий тажриба-кузатишлар учун ҳам, ноаниқ – мавҳум мулоҳазаларга ҳам асос бўлолмайди. Гуруҳлар тушунчаси энг аввало бутун борликни ўзига қўшиб ҳиссий қайғуришга таянади.

Марказий Осиё минтақасида Неолит даври анча олдин бошланган. Бунга мил. ав. VI минг йилликда Копетдоғ этагида вужудга келган Жойтун маданияти гувоҳлик беради. Ўтроқ деҳқонлар ва чорвадорларнинг бу маданияти асосан, самонли лойдан қурилган уйлардан иборат манзилгоҳ бўлиб Эрон ва Месопотамия халқлари маданияти билан яқин алоқада шаклланган Жойтунликларнинг маънавий маданиятини ривожига ҳақида катта умумий ибодатхона деворларига ишланган рангтасвир далил бўлади. Мил. ав. IV-III минг йилликда Хоразм худудида неолит даврига оид Калтаминор маданияти шаклланди.

Неолит инқилоби ўз моҳиятига кўра архаик маданиятнинг охири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш фаолиятининг янги тури – деҳқончилик ва чорвачиликка ўтиш билан инсон табиатда мустақил фаолият кўрсатиш қобилиятини намоён қилди, бу инсоннинг ижтимоий ва маънавий ғалабаси эди. Агар архаик маданиятда жамоат фикри етакчилик қилиб, уруғ аъзоси, уруғ манфаатлари доирасида фаолият кўрсатган бўлса, энди индивидуал онг ва қизиқиш кучая бошлади. Неолит даврининг охири ва жез асрида архаик маданият барҳам топди.

Бу даврда жамоа мулки ўрнига хусусий мулк вужудга келиб, **хўнарсандчилик ажралиб чиқади ва маҳсулот айрошлаш шаклланади**

Қайиқ ва елканли кемалар, тақвим, ҳисоб ва ўлчов тизими вужудга келди. ***Хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ҳуқуқнинг шаклланишига олиб келди.*** Айримлари ҳозиргача сақланиб келаётган анъаналар ва қадимги фольклор намуналари вужудга келади (мифлар, достонлар, ҳикоялар,

маросим қўшиқлари), ёзувнинг илк тизими шаклланади; пиктографик (расм-ёзув), белги ёки ҳиндуларнинг тугунли ёзувлари.

2-§ Жаҳон маданиятининг вужудга келишида анъанавий ва диний маданият

Қадимги Шарқ ҳудудида мил. авв. X-VII минг йилликда инсоният цивилизацияси ва маданияти ривожланишининг ибтидоси билан боғлиқ бўлган энг муҳим жараёнлар рўй беради. Бу даврда Шарқда маданий фаолиятнинг турли шакллари ва соҳалари вужудга келади. ***Ёзув, адабиёт, санъат, фан, биринчи жаҳон дини - буддизм пайдо бўлади.*** Бу бошланғич жараёнсиз инсоният маданиятининг кейинги барча тараққиётини тасаввур қилиш қийин.

Қадимги Шарқ тушунчаси, Шарқ ҳақидаги ҳозирги тасаввурларга мос келмайди. Негаки, Қадимги Шарқ ер шарининг Мисрдан то Хитойгача бўлган кенг минтақасини ўз ичига олиб, бу ерда мил. авв. VII минг йилликдан бошлаб инсоният тарихида дастлабки цивилизация вужудга кела бошлади.

Маданиятнинг шаклланиши энг йирик дарёлар – Нил, Дажла ва Фрот, Ҳинд ва Ганг, Хуанхе ва Янцзи водийсида, яъни деҳқончилик ривожланиши учун қулай имкониятлар мавжуд бўлган жойларда рўй бери.

Худди шу жойларда дастлабки давлатчилик тузилмаси, сиёсий, диний ва савдо маркази сифатида шаҳарлар, ёзув вужудга келган. Бу ерда дастлаб маънавий маданият ишлаб чиқарувчи меҳнат фаолиятдан бевосита ажралиб мустақил фаолиятга айланади. Жамият ҳаётида алоҳида кишилар қатлами бошқарув, таълим, маълумотларни тўпловчи ва узатувчи соҳаларда шуғулланувчилар ажралади ва кўпайиб боради.

Миср, Месопотамия, Ҳинд ва Хитой цивилизациялари энг кўҳна ва йирик маданиятлар эди. Бу маданиятлар таъсирида Урарту, Финикия, Хетт, Элам цивилизациялари шаклланиб, инсоният маданияти тарихида сезиларли таъсирга эга бўлди.

Мифологик тафаккур – бу предметлик – ҳиссий, жонли тафаккур етарли ривожланмаган мавҳум тушунчаларга хос бўлиб, бундай тушунчаларни ишлатиш ва сўзда уларни ифодалашнинг суствлиги ва қийинлигидир. (Шумерликлар «ўлдириш» дейиш ўрнига «бошига таёқ билан уриш» дейишган).

Қадимги Шарқ кишиси сабабли натижа муносабатларни тушунган ва фарқлаган, бироқ уларни мужмал ва қонунга мос бўлмаган ҳодиса сифатида, кўпчилиги эса шахсий қудрат сифатида онгли ва ихтиёрий идрок қилади. Сабабларни излашда «қандай» деб эмас, балки «ким» деб сўрашади («ҳодисада ким айбдор»), «ихтиёрий, аниқ мақсадда ҳаракат қилганни» излашган. «Сабабларни» бундай идрок қилиш оқибатида мифологик тафаккур айрим ва бутунча, бир-бирига ўхшаш ҳар қандай ташқи мосликни қабул қилади. Хусусан, «асл намуна» тамойили кенг тарқалган бўлиб, унга кўра ҳаётдаги барча муҳим нарсалар (эхром, подшо ҳокимияти, инсон) илоҳий қудратнинг «асл намунасига» мувофиқ яратилган.

Оламни мифологик тасаввур қилиш унинг ниҳоятда тартибли, қатъий иерархик қурилишида ифодаланиб, унинг асоси турли хил оппозициялар тизими ҳисобланади. Айнан шулар мифологик рамзий таснифлашдаги дастлабки «пойдевор» ҳисобланади (Қарама-қарши типлар: юқори-қўйи, ўнг-сўл, осмон-ер, мағриб-машрик, кун-тун, биз-улар, катта-кичик, эр-хотин, ҳаёт-ўлим ва бошқалар). Шунингдек, ўнг, юқори, катта, яқин, ўз, ёруғ таомилга кўра қарама-қаршилиқнинг мусбат-ижобий томонини, сул, қуйи, кичик, узоқ, бегона, қоронғи эса салбий жиҳатини ташкил қилади.

Мифологик тафаккурнинг мувофиқ ва ўхшаш жиҳатлари унинг анъанавийлиги билан бевосита боғлиқ.

Анъана бир-бирига яқин, бироқ моҳиятан бошқа бўлган ҳодисалар урф-одат, маросим, ибодат, удум, одоб сингари фаолиятда намоён бўлади. Буларнинг бари у ёки бу вазиятдаги аниқ ахлоқ дастурига эга бўлиб, ҳаракатнинг тўғрилигини кафолатлайди, нотўғри ҳаракатларни

огоҳлантиради, негаки анъаналар негизда социумнинг катта тажрибаси мужассамдир.

Қадимги Шарқ маданиятида анъаналарга асосланиш устун туради. Аждодлар анъанаси, тажрибаси мутлоқ ҳақиқат каби баҳоланган. *Мутлоқ ҳақиқат ҳукмронлиги билан, Д.С. Лихачев таъкидлашича «одобилик» боғлиқ бўлган.* Қадимги Шарқ кишисининг ахлоқи ҳаракат ва фаолиятда муқаддас анъаналарни қайта тиклашга қаратилган «илоҳий ўрнатилган» меъёр ва қоидаларга бориб тақалади.

Мифологик тафаккурнинг ўзига хос хусусияти шундаки, қадимги шарқ кишиси ўзини ҳар доим социумнинг бир қисми деб ҳис қилган, социум эса қоида кучига боғлиқликда, табиатга аралашган ҳолда кўринади. Гарчи, қадимги Шарқ маданиятининг турли қирраларида шахсни индивидуаллаштириш имкониятлари мавжуд бўлиб, улар ҳар доим индивиднинг турмуш шароитларини белгиловчи асосий соҳаларга нисбатан иккинчи даражали ҳисобланган.

Қадимги Шарқда маконнинг пайдо бўлиши чегараланиши алоҳида ўрин тутди. Қадимги Шарқ мифологиясида космогенез жараёни Хаоснинг ажралиши сифатида намоён бўлади (Мисол учун, ҳиндларда Индра ҳақида миф, Месопотамияда Мардук ҳақида).

Шоҳнинг асосий мажбуриятлари фуқороларга боғлиқ ишлар бўлган: мамлакатда тартиб ва осойишталик, моддий фаровонлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш. *Қадимги Мисрдаги «Гераклиопол шоҳининг ўз ўғли Мерикарга насиҳатлари» да айтилишича: «Ҳақиқат ўрнат ва ерда узоқ яшайсан. Шундай қилки, йиғлаётганни овут, бевага жабр қилма, инсонни отасининг мол-мулкидан бенасиб қилма». Яна ҳукмдор заминда тартиб-интизом бўйича юксак миссияни бажариб, гоҳида беҳад катта ҳажмдаги қурилиш-ҳўжалик фаолиятини амалга оширгин. Улуғ ва баҳайбат Миср пирамидалари, Буюк Хитой девори, Баолбек эҳроми, Персепол саройи*

қурилишлари худолар олдидаги ҳукмдорларнинг «ижобий» хусусиятларидан далолат беради.

Диний ақидалар ҳукмронлиги кишилар ҳаётини белгилади. Инсон қаерда осмон бўлса— худолар дунёси ва ерни – одамлар дунёси деб билди. Улар доимо ўзаро муносабатда, бир бутунликда олам дарахтининг танаси ва шохлари каби виқор билан яшашган. Худолар инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига фаол аралашган, унинг туғилиши, ўлимини ва ўлиmidан кейинги тақдирини белгилаган. Ўша дарвларда диний таълимотдан ташқари ҳеч қандай бошқа дунёқараш бўлмаган. Инсон худолардан ҳатто арзимас нарсалар ҳақида маслаҳат сўраган ва унга хатлар ёзиб ибодатхонага олиб берган. Мисол учун, қадимги Бобил аҳолисининг мактубидан бирида шундай сўзлар битилган: «Менинг отам, Худо айт! Сенинг қулинг Апил-Адат шундай дейди: Нимага сен менга эътибор қилмайсан? Сендан бошқа ким ҳам бор? Сени севувчи худо Мардукка ёз: менинг гуноҳимдан ўтсин».

Ҳиндистон ва Хитойда табиий ва техника фанлари эртароқ шаклланди ва ўз навбатида сермахсул тараққий этди. Бироқ, бу фанлар Ғарбдаги каби маданиятга сезиларли таъсир кўрсатмади. Бу Олий ҳақиқатни англаш йўлидаги мустақил таълимот бўлиб қолиш билан боғлиқ.

Масалан, Ҳиндистонда билим уч даражага ажралади:

1. Билмаслик (авидья);

2. Тушунча, «илмий» билим (вижняна);

3. Ҳамма нарсани билиш (пражня), яъни биринчи даража мантиқсиз фикрлаш, иккинчиси – мантиқий, учинчиси мантиқдан устун идрок қилишга мувофиқ келади.

Ер юзидаги энг кўҳна ва бир қадар ўрганилган, кўплаб халқлар маданиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган маданиятлардан бири – қадимги Миср маданиятидир. Қадимги Миср ёзуви кўплаб ҳозирги ёзув тизими учун асос бўлди. Қадимги Мисрликлар кўллаган сўзлар «папирус», «оазис», «химия», «базальт» ва бошқалар ҳозирда ҳам муомалада сақланиб

келмоқда. *Мисрда турли, ўта чалкаш топинишлар тизими мавжуд бўлган: худоларга сизинган, жонивор, ўсимлик, тупроқ, сув, Нилни муқаддаслаштирган. Қуёшга, тирик худо – Фиръавнга сиғиниш қонун тусига кирган.*

Мисрликлар маданиятида дафн маросими алоҳида ўрин тутган. Улар ўлимни инсоннинг иккинчи ҳаёт бошланиши деб билган. Мангу ҳаёт тушунчаси Осирис ва Изида ҳақидаги мифдан пайдо бўлган. Қадимги юнон муаллифи «Мисрликлар ҳаёти ўлимга тайёргарлик кўришдан иборат» - деб бекорга ёзмаган.

Ҳиндлар шу тариқа ўз дунё қарашидан нарги дунё ҳақидаги ғояни истисно қилганлар. Мутлоқ «дунёвий қонун» борлиқ ҳукмдори Брахма-оламнинг объектив ибтидоси. Уларни таққослаганда аниқ худоларнинг роли унча катта эмас, фақат «дунёвий қонун» тамойилларини индивидуаллашган тимсолидан иборатдир. Ҳеч ким, шунингдек, худо ҳам инсон кармасини ўзгартиришга қодир эмас. Карманинг санскрит тилидан таржимаси «фаолият» (тақдир)ни билдиради. Бу тушунчанинг мазмунини аниқлаш мураккаб. Карма инсоннинг олдинги ҳаётидан мерос бўлиб ўтади ва ҳозирги ҳаётининг мазмуни ва фаолиятида намоён бўлади, у бўлғуси моддий тимсолнинг сифатини белгилайди.

Хитой маданиятининг ўзига хос фарқли жиҳати шундаки, қадимдан динлардаги мистик ибтидога ахлоққа нисбатан иккинчи даражада қаралган, маданиятдаги белгиловчи ғоя Осмон тасдиқлаган буюк «ахлоқий-ижтимоий - сиёсий тартиб» бўлган.

Хитой маданияти ва цивилизациясининг минг йиллар давомида асосий руҳий, ахлоқий ва ғоявий манбаи мил. авв. 551 - 479 й. яшаган буюк мутафаккир Конфуций таълимоти ҳисобланади. Барча энг муҳим нарсалар ҳар қандай цивилизациянинг «қиёфасини» белгилайди – ҳаёт тамойилларини, давлат ва ижтимоий ташкилот шакллари, умум қабул қилган ахлоқий меъёрлар ва кадриятларнинг барчаси Хитойда Конфуцийлик таъсирида

шаклланган. Бежизга Л.С. Васильев Конфуцийликни «хитой цивилизациясининг квинт эссенцияси (моҳияти)» деб атамайди.

«Осмон ваколати» йўналиши **Конфуций томонидан янгича фикрда** ривожлантирилиб, унда ижтимоий ахлоқ асосий ўрин тутади ва сиёсий маданиятни белгилайди. Анъаналарни ҳурмат қилиш, бурчни жиддий ҳис қилиш, ахлоқий сифатнинг юқорилиги, ўзини жамият учун бахш қилиш, ҳақиқатни англаш учун доимо уриниш, ишонч ва олижаноблик каби идеаллар бошқаларни бошқаришни истаганлар учун мўлжал бўлган. Бу идеаллар давлатнинг бош таянчи бўлиб, Хитой империяси тўралари учун намуна бўлди.

Конфуцийликни Хитойда пайдо бўлган иккинчи буюк фалсафий таълимот-**даосизм** тўлдирди. **Даосизмда** турмуш, табиат, умумлик муаммолари акс этади. Агар конфуцийчилик инсоннинг ижтимоий фаолиятини назарда тутса, даосизмда унинг руҳий ҳаёти, дунёқараши акс этади. **Даосизмда қадимги Хитойдаги фикрларнинг бош ғояси акс этиб, жаҳон маданиятини янги ҳаёт билан бойитди.**

Унинг ғоялари: ин-ян тамойилларга асосланган дунёнинг дуалистик хусусияти; усин-бешта асосий унсурдан иборат бўлган материя (ер, сув, олов, маъдан); дунёнинг ўзгарувчан ҳаракатдалиги, асосий унсурлар доимо сифат ўзгаришида бўлишини билдиради. Даосизмга кўра дунёнинг пайдо бўлиши учта кучнинг фаолиятидан келиб чиққан: Дао- Олий Мутлоқ, Илк ибтидо, Дэ- дао нуридан дунёнинг пайдо бўлиши, Ци- Олий материя, у моддий дунёни яратиб, нарса ва мавжудотларни бунёд қилади.

Шарқнинг қадимги цивилизацияси моддий ва маънавий соҳаларидаги кўплаб ўта муҳим янгиликларни вужудга келтирди. Хусусан, мил. авв. I минг йиллик маънавий галаёнлар жараёни билан ажралиб туради. Бу даврда дастлаб икки тамойил вужудга келди: умуминсоний бирлик ва шахснинг маънавий мустақиллиги. Ғоялар эркинлиги бошланиб инсон ўз ҳаётини унга асосланиб қурди.

Қадимги Шарқ цивилизацияси Ғарбга нисбатан эртароқ бошлади. Юнонлар маданияти Қадимги Шарқ маданияти таъсирида жуда юксалди, бунини эллинларнинг ўзлари ҳам эътироф этишган. Бу таъсирлар натижасида шундай давр бошландики Шарқ ва Ғарб маданиятлари синтези эллинистик маданиятни вужудга келтирди: Юнон-Бақтрия ва гандхар санъати, искандария фани, фаюм портретлари бунга мисол бўла олади. Қадимги Шарқ бизга барҳаёт бойликларни қолдирди. Булар «Гилгамеш» ва «Моҳабҳорат» достонлари, Калидаси драммалари ва Чжуанцзининг рамзий масаллари, Миср эҳромлари ва Буюк Хитой девори ва бошқалар.

Қадимги Юнонистон ва Рим маданиятлари Европа цивилизациясининг пойдеворига асос солди. Қадимги Шарқ маданияти таъсирида шаклланган бу маданият анъанавий маданият тараққиёти даврининг давомчиси ва якунловчиси бўлди. Қадимги Юнонистонда шаклланиб, кейинчалик юксак босқичга кўтарилган бу маданият эр. авв. III асрда Рим маданияти вужудга келишига катта таъсир кўрсатди ва «Антик маданият» номи билан дунё маданияти тарихида ўчмас из қолдирди.

Латин тилидаги «антик» (antiquus) сўзининг маъноси «қадимги» демакдир. Лекин тарихий давр нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак Антик давр Қадимги дунёнинг охири – қадимги маданият ва давлатчиликнинг энг тараққий этган босқичидир. Бу давр асосан Юнонистон ва Рим учун характерли бўлиб, Юнонистонда мил. авв. XI-IX асрларда антик жамиятнинг ташкил топишидан бошланиб, мил. авв. V-IV асрда антик (классик) маданият такомилли билан тўла моҳият-мазмунга эга бўлди. Милодий V асрда варварлар томонидан Рим империясининг қулатилиши Антик маданиятни инқирозга олиб келди. Шунингдек, Юнон-Рим жамияти ва маданиятига нисбатан қўлланилиб келаётган «антик» сўзини кўпроқ Европага татбиқан англамоқ даркор, негаки Европа халқлари ўзларининг маданий тараққиётлари йўлида ёлғиз Юнон-Рим маданияти билан алоқадор бўлганликлари сабабли, шу халқлар бунёд этган маънавий бойликларни энг қадимий деб таниганлар.

Ўз ўрнида Антик маданият Юнон-македонлар ва Рим таъсирида Эгей денгизидан Ҳиндистонгача ва Мисрда эллинистик маданиятнинг вужудга келишига ва космополитизм (дунё фуқоролиги) тушунчасига асос солди.

Барча қадимги маданиятлар каби юнон классик (антик) маданиятининг муҳим таркибий қисми дин бўлган. Дин меъморчиликнинг, тасвирий санъатнинг, адабиётнинг ажойиб намуналарида ўз аксини топди. Қадимги юнон динининг асосий шакллари архаик даврдаёқ таркиб топган, унинг илдизлари эса энг қадимги крит-микен даврига ва қадимги шарқ таъсирларига бориб тақалади.

Ибтидоий жамоадан синфий жамиятга ўтиш даврида маъбудлар ҳақидаги тасаввурлар ўзгаради. Эр. авв. VIII-VII асрларда кўплаб маҳаллий ва айрим умумюнон маъбудларини тартибга солиш эҳтиёжи туғилади. Архаик даврда (мил. авв. VIII-VII асрларда) ги диннинг ривожини бу – антропоморфизмдан, яъни инсоннинг илоҳийлаштиришдан, худоларни ўлмайдиган ва абадий ёш бўлиб турадиган кучли, гўзал кишилар деб тасаввур қилишдан иборат эди.

Қулдорлик муносабатларининг шаклланиши ва ижтимоий аҳвол Гесиоднинг «Меҳнатлар ва кунлар» поэмасида акс эттирилган. Шунингдек, Диний мифология ҳам Гесиод томонидан тартибга солинган шаклидан то антик даврнинг охиригача юнонларнинг тасаввурида асосан мавжуд бўлиб келган. Юнонлар учинчи авлодга оид бош маъбудларнинг макони Олими тоғи деб билишган.

Қадимги Шарқ фани юнон дунёсида илм-фаннинг ривожланишига таъсир этган. Милоддан аввалги VII-VI асрларда Юнонистонда маданият ва фан ривожланиб Геродот, Демокрит, Пратагор, Гиппократ, Сукрот, Афлотун, Арасту каби олимлар ижод қилганлар.

Милоддан аввалги VI асрда Кичик Осиёдаги Милет шахри илм-фан маркази бўлган. Кичик Осиё олимлари Миср ва Месопотамия олимларининг илмий билимларини ривожлантирганлар. Улар табиат ва жамият

ходисаларининг сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилиб, табиат ва ҳаётнинг ибтидосини сув, ҳаво ёки олов деб фараз қилганлар.

«Тарихнинг отаси» деб ном олган юнонистонлик тарихчи Геродот (мил. ав. V-аср) Миср, Бобил, Сурия, Кичик Осиё ва Қора денгиз соҳилидаги мамлакатларга саёҳат қилиб, ўзининг «Тарих» китобида турли халқлар ҳақида маълумотларни ёзиб қолдирган.

Юнон олимларидан бири **Демокрит (мил. ав. 460-370 йиллар)** «Ҳамма нарсалар энг майда заррача, атомлардан ташкил топган», – деган фикрни илгари сурган. У фаннинг кўп соҳалари билан шуғулланган.

Кос оролида туғилган юнон табиби **Гиппократ (мил. ав. 460-375 йил)** тиббиёт билимларини отаси Гераклитдан ўрганади. У машҳур табиб бўлиб, тиббиётнинг барча масалалари билан шуғулланган ва улуғ файласуф ҳам бўлган. У шогирдлари билан бирга 72 китобдан иборат «Гиппократ тўплами» номли тиббий асар ёзиб қолдирган.

Афиналик файласуф **Сукрот (мил. авв. 441-399 й.)** бирорта китоб ёзмаган. У одам гавжум жойларда шогирдларини ҳақиқатни билишга ундаб, – ҳақиқат баҳс орқали билинади, – деган. Сукрот ўз қарашларида одамларни тенглаштиришга қарши чиққани учун Афина кулдорлик демократияси намояндаларига ёқмаган ва уни ўлимга ҳукм қилишган.

Македония сарой табибининг ўғли **Арастуни (мил. авв. 384-322 й.)** Шарқда «биринчи муаллим» деб атаганлар. У жуда кўп асарлар ёзиб, илмий билимларни алоҳида соҳаларга бўлиб чиққан ва мустақил фанларга бирлаштирган. Арасту Ер коинотнинг маркази деб ҳисоблаган. Унинг машҳур асари *«Сиёсат»дир.*

Юнонистон афсона ва ривоятлар юрти бўлиб, қадимдан адабиёт ривожланган. «Прометей», «Геракл», «Дидал ва Икар», «Аргонавтлар», «Одиссея» ва «Илиада» каби афсона ва достонларда юнонларнинг турмуш тарзи ва тарихи баён қилинган. «Илиада» ва «Одиссея» достонларини мил. авв. VIII асрда яшаган кўр бахши Гомер яратган эди. Достонларда Троя

урушлари ҳикоя қилинади. Археологлар Гомер достонларига асосланиб қадимги Троя маданиятини топганлар.

Достон ва афсоналар театр учун бой маълумот берган. Қадимги Юнон театри мил. авв. VI асрларда қишлоқ ҳўжалиги ҳомийси, худо Дионис шарафига ўтказиладиган байрамлар вақтида ижро этиладиган кўшиқлар ва ўйинлар асосида вужудга келган. Юнонлар театрни «катта ёшдагилар мактаби» дейишган.

Театр юнончада «томошалар жойи» деган маънони англатади. Кейинчалик қурилган Юнон театрларига 17-25 минг томошабин жойлашган.

Театр санъатининг ривожини машҳур юнон адиблари ижоди билан уйғун бўлган. Адиблар афсона ва ривоятлар асосида трагедиялар яратганлар. Трагедия юнончада «эчкилар кўшиғи» деган маънони англатади.

Мил. ав. VI-IV асрларда Эсхил, Софокл, Еврипид трагедиялари Аристофан комедияларини театрда томошабинлар мароқ билан кўришган. Эсхилни «трагедия отаси» деб атаганлар. Унинг «Занжирбанд Прометей», «Форслар» трагедиялари, Софоклнинг «Шоҳ Эдип», «Антигона» трагедиялари машҳур бўлган. Софокл 120 дан кўпроқ трагедия ёзган.

Аристофан «Тинчлик», «Суворийлар» деган комедияларида уруш воқеаларини ва ўша даврдаги иллатларни тасвирлаган. Бу ижодкорларни халқ ҳурмат қилиб Афина театрига ҳайкалларини ўрнатганлар ва «донишмандлик йўлбошчилари» деб атаганлар.

2. Диний маданияти VI-XVI асрлар даври тарих фанида ўрта асрлар дейилиб, қадимги ва анъанавий маданиятлар ўртасидаги даврни билдиради. Бу давр маданиятида мифологик тафаккур ва анъаналарнинг кучли таъсири ҳамда янги даврнинг техноген маданиятидаги ақлий-мантиқий тафаккур, илмнинг амалий хусусиятлари сезилади. Араб ҳалифалиги ва Европа мамлакатлари ўрта асрлар маданиятидаги хусусиятни ислом ва христианлик белгилайди.

Диний маданият умуминсоний маданият тараққиётининг энг муҳим даври ҳисобланади. Ўрта асрлар даврида давлатчилик, миллатларнинг янги шакллари вужудга келиши юз беради, ҳозирда муомалада бўлган тиллар шаклланиб, таълим ва фан тизими янада тараққий этади. Фаннинг турлари ва услублари замонавийлик касб этиб борди.

А. Гумбольд айтгани каби, араблар «табиий фанлар ижодкори» бўлиб, улар тажриба ва мезон йўлига асос солдилар. IX-асрда мусулмон Шарқида расадхона қурилади; юлдузларнинг аниқ жойи белгиланган каталог тузилди; геометрия, триганометрия, оптика, алхимия, механика, тиббиёт, жуғрофия соҳалари бўйича кўплаб асарлар ёзилди. Улуғ аллома Ал-Хоразмий математиканинг янги тармоғи бўлган алгебрага асос солди. Буюк Шарк олимлари Хоразмий, Фаробий, Ибн сино, Ибн Рушдий каби кўплаб аллома асарларидан Европанинг янги авлод олимлари таълим олди. Табиатни рационал англаш анъаналарни ўзлаштириб ва янада такомиллаштириб, XIII-асрда Р. Бекон индуктив мантиқ усулини яратади ҳамда илмий идрокнинг бош усули сифатида малака ва тажрибани тасдиқлайди.

VI-XVI асрларда бадий қадрияти юксак ёдгорликлар яратилди: Ал-ҳамродаги Сарой, Қурдоба, Жазоир, Саммадра, Дехлидаги масжидлар, Реймс, Париждаги готика услубидаги соборлар, Истамбулдаги Авлиё София ибодатхонаси; ажойиб икона ва ҳайкалтарошлик асарлари, каллиграфия ва китоб миниатюриси, айниқса Шарқда шеърят юксак даражада тараққий этади.

Бу даврнинг муҳим бадий ютуқлари қаторига аҳолининг барча қатламлари эътироф этган маданият қадриятларни қўйиш мумкин. Христиан ва Ислон динлари бой ва камбағални, кучли ва ожизни турли ирқдаги ва турли ижтимоий гуруҳларни бир-биридан ажратмайди. Барча эътиқод қилувчилар учун умумий ахлоқ мезонлари: мўминлик, тавба, яхши ва раҳм шафқатли бўлиш, гуноҳ қилмаслик кабилар мавжуд. Ўрта асрларда умум

эътироф қилган ахлоқий меъёрларнинг мустаҳкамланиши умуминсоний ҳуққ ва ахлоқ мезонларини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўрта асрлар маданиятининг кўп қиррали эканлиги юқорида таъкидланган эди. Бу давр маданияти ижодкорлиги жараёнида илк марта аҳолининг барча табақалари иштирок этиб, ҳар бир қатлам ўзининг маданиятини яратади ва ўз навбатида анъанавий маданият сифатида жамиятнинг маълумотли, юқори қатламининг маданиятигина намоён бўлади. Рухонийлар инсон руҳияти, рицарлар давлат ишлари билан машғул бўлдилар.

Ўрта аср Шарқи маданиятида табақавий субмаданиятлар эмас, икки йирик маданият-шаҳар ва кўчманчилар маданияти ажралиб туради. Шаҳар шароитида «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Лубна ва Кайс» сингари достонлар турли поэтик шакл ва жанрдаги (қасида, маснавий, ғазал, мадхия, рубоий маком) адабий асарлар, ҳикоя ва эртаклар тўпламлари, (1001 кеча эртаклари, Калила ва Димна) латифа ва ривоятлар яратилди. Миниатюра безагига бой китоблар, мусиқа санъати ва рақсининг хилма-хил жанрлари халқ орасида кенг тарқалди.

Кўчманчилар орасида турли мусиқа асбобларида куйга солиб айтиладиган (бахши ва оқинлар томонидан) халқ оғзаки ижодининг йирик бадий шакллари- эпос, достонлар яратиш устуворлик қилди. Шаҳар, рицарлик, дунёвий, монахлик ва сўфийлик каби субмаданиятларнинг пайдо бўлиши маданиятни сезиларли бойитди, янада ривожланишида кўплаб йўналишлар яратди ҳамда Ренессанс (Уйғониш) деб аталган юксак таракқиётга замин туғдирди.

Уйғониш даври тадқиқотчилар асарларида турлича баҳоланиб, турлича ёндошувларга сабаб бўлди. Хусусан, Уйғониш йўналиши умумжаҳон жараёни сифатида Хитойда VII-VIII асрларда бошланиб, IX-XII асрларда Марказий Осиё ва Яқин Шарқни камраб олди, XIV-XVI асрларда Европада такомилга етди. Шунингдек, тадқиқотчилар Уйғониш даврининг бош маслакдоши ҳақиқий гуманизм бўлганлигини бир овоздан эътироф

қиладилар. Хитойда «инсонпарварлик» сўзининг синоними «жен», Шарқда «одамият» атамалари ҳисобланади.

Уйғониш даври маданияти- диний маданият тараққиётининг ва янги техника маданияти ривожининг кўприк боғловчисидир.

3-§ Техноген маданиятини шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари

Замонавий маданиятни техникавий, техника ҳукмдорлиги, дунёвий-электрон ёки ахборот маданияти деб атайдилар. Бундай муносабат ҳозирги маданиятда фан ва техниканинг ўрни муҳимлигини кўрсатади. «Замонавий» ёки «Янги» фан антик ёки ўрта асрлардаги фандан тубдан фарқ қилади. Агар, илгарилари фан дунёни асл ҳолда, унга дахлсиз ўрганган бўлса, энди эса, фан билиш, яратиш, ихтиро, лойиҳа тузиш каби жараёнларни мужассамлаштириб «инсон идроки ёрдамида ҳал бўладиган муаммоларга эътиборини жалб қилмоқда». Ҳозирги фаннинг жўшқин қиёфаси мана шундан иборат. Ҳақиқатни англашга уриниш ўрнига инсоннинг қизиқиш ва эҳтиёжлари мос келувчи аниқ имкониятларни ҳисобга олиш ҳаракати устун бўлмоқда.

Фан ва маданиятдаги янги йўналиш шаклланишининг бошланиши **Уйғониш даври билан боғлиқ. (XIV-XVI асрлар).** Уйғониш-Европа маданияти тараққиётидаги муҳим давр бўлиб, даврий жихатдан ўрта асрларга мансуб. Бироқ, бу давр мутлақо янги маданият босқичини очди. Шаҳарлар кўпайиши, Европада ички ва ташқи савдонинг вужудга келиши, хунармандчиликнинг ривожланиши Европа маданиятида янги йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Қисқа вақт ичида ўрта асрлар жамиятида моддий маданият ва технологиялар ўзгариб кўплаб муҳим илмий кашфиётлар қилинди. Буюк географик кашфиётлар диний «дунё қиёфасини» ўзгартирди, ақлий ва иқтисодий ҳудудни кенгайтириб жаҳон савдосини вужудга келишига сабаб бўлди. Антик давр меросини ўрганиш янги фалсафий йўналишлар пайдо бўлишига туртки бўлиб инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мутлақо ўзгача андоза шаклланди.

Жамиятдаги шаҳарликлар орқасида «гуманизм» деб номланувчи янги ғоя шаклланди.

Бу ном инсон ҳақидаги янги дунёвий фандан (studia humanitatis) келиб чиққан бўлиб, илгариги «илоҳият ҳақидаги фанни» (studio divinus) аста-секин сиқиб чиқарди. Инсонпарварлик ғояси қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Табиат қонунларини—«табiiй-мувофиқ» тамойили асосида тушунтиришга асосланиш;

2. Инсонни муаммолар маркази қилиб олиш (антропоцентризм) — инсонга табиатнинг тожи сифатида қараш;

3. Ақлий тафаккур (Рационализм)- инсон идрок ва заковат орқали атроф

Антропоцентризм, рационализм, сциентизм – Уйғониш даври маданияти яратган асосий қадриятлар кейинги асрлар Европа маданияти асосини белгилади. Унинг кенг ривожланиши натижасида XVII асрда «илмий инқилоб», XVIII асрда Маърифатпарварлик ғояларининг тарқалиши ва саноат инқилоби бошланишига, ниҳоят, XIX-XX асрлар давомида маданиятнинг классик техникавий шаклидаги ютуқларга олиб келди.

Фаннинг шаклланиши ва секин-аста жамият ҳаётига муҳим асос бўлиб кириши янги давр кишисининг турмуш тарзи, фикр йўсини, тафовутли қиёфаси сифатида рационализмнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Рационализмнинг кенг кўламда намоён бўлиши XVIII асрдаги маърифатпарварлик ҳаракати билан боғлиқ. Барча бахтсизлик ва ноҳақликдан инсониятнинг азият чекиши билимсизликдан эканлигига, фақат маърифатли халқ ва унинг ҳукмдори «Озодлик, Тенглик, Қардошлиқни» ўрнатишга маърифатпарварлар ишонганлар. **Маърифатпарварлар вакили Д. Дидро ва Д. Аламбер «Фан, санъат ва ҳунармандчилик энциклопедияси»ни нашр қилиши катта маданият ютуғи бўлди.** «Энциклопедия» нафақат инсониятнинг муҳими илмий ютуқларини тартибга солди, балки янги маданий қадриятлар тизимини ҳам тасдиқлади.

Маърифатпарварларнинг рационалистик йўналиши XVIII асрдаги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, ҳуқуқ институтлари ва сиёсий партияларнинг шаклланиши, санъат тараққиётида кўплаб тамойилларни белгилаб берди. Маърифатпарварлар Буюк Француз инқилобининг идеологлари ҳисобланиб, Уйғониш даври гуманистлари бошлаб берган маданий қадриятларни улуғлаш жараёнини ниҳоясига етказди. XVIII асрда илмий билим жамият онгини бутунлай янги сифат даражасиги кўтарди. **Фан инсоннинг маънавий ҳаётига, чуқур кириб бориб унинг маданиятига мазмун бағишлади.** Кишиларнинг-табақавий, миллий-ирқий ёки бошқа фарқларидан қатъий назар барча учун бир хил моҳият касб этди.

Европа ва Шимолий Американинг кўплаб мамлакатларида XIX асрнинг ўрталарида индустрлаштириш ёки саноат бурилиши ниҳоясига етди. **Рационализм ва утилитаризм** (манфаатпарастлик) нинг маданиятдаги белгиловчилик ўрни фан ва техника тараққиётига янги туртки берди. Оддий тўқув дастгоҳи «Женни»дан Ж. Уаттнинг буғ машинаси (1784 йил) ва Р. Фултоннинг буғ кемаси, Стефенсоннинг паровозидан (1814 йил) биринчи ер ости темир йўлига (1863 йил) ўтилиши инженерлик фикрининг ўсишини кўрсатди. **Буғ ва электрлаштириш, телефон ва телеграф даври, астрономия, геология, биология, химия соҳаларида ажойиб кашфиётлар бўлган вақт инсоният маданиятини янги босқичга кўтарди.** П. Сорокиннинг хулосаси билан айтганда «фақат биргина XIX асрдаги кашфиёт ва янгиликларнинг ўзи олдинги асрлардаги кашфиётларнинг ҳаммасини жамлагандан ҳам кўпдир».⁶ Хусусан, бу асрдан 8527 та кашфиёт макон, замон ва материя устидан техника ҳукмронлигининг чексиз ўсганлигидан далолатдир. Испан файласуфи Х. Ортега-и Гассетнинг ёзишича: «Биз ҳақиқатдан ҳам XIX-асрда рўй берган инсон тақдиридаги радикал ўзгаришлар олдида турибмиз. Замонавий инсон учун ҳам жисмонан, ҳам ижтимоий жиҳатдан мутлақо янги манзара, янги фаолият яратилди. *Бу янги дунёнинг қиёфасини ўрта муҳим жиҳат белгилайди. Бу демократия, экспериментал фан ва индустриализация. Иккинчи ва учинчи жиҳатларни «техника» номи билан умумлаштириш мумкин*»⁷.

XIX- асрда техника тарақққиёти ғайриқонуний равишда маданиятнинг бутун ривожини бир хил қолипда ўлчаши жамият фикрида иқтисодий омилларнинг аҳамияти ошувига олиб келди. Бу эса оламни техник ўзлаштириш суратлари сезиларли ўсишига сабаб бўлди. Оқибатда тараққиётнинг бутунлай ва шубҳасиз ўсиши жараёнида цивилизация бутунлай ҳалок бўлиши мумкин (Й. Хейзинга). Бу муаммолар XX асрда яққол кўзга ташланди.

⁶ Сорокин П. Человек, Цивилизация, Общество, М. 1992, с 467-б.

⁷ Ортега-и- Гасит Х. Восстания масс.- Вопросы Философии, №3, 1989, 127-128 б.

XX асрда техника сурати ҳаддан ташқари ўсди. Кейинги юз йилда ер юзида саноат ишлаб чиқариши 50 мартадан ошди, бу ўсишнинг 4/5 қисми 1950 йилдан кейинги даврга тўғри келди. Ҳақли равишда **XX аср инсоният тарихига илмий-техника инқилоби асри бўлиб кирди.** Инсонларнинг ҳозирги вақтдаги таъсир кучини табиатнинг энг бешафқат кучлари билан тенг қўйиш мумкин. Шунинг учун ҳам хусусан XX асрда техника муаммоси ва унинг маданиятдаги ўрнига олимлар ўз эътиборларини алоҳида қаратдилар.

Техника сўзининг ўзи маҳорат, санъатни англаиб, ишлаб чиқаришга боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган фаолиятни амалга ошириш учун кишилар яратган воситалар йиғиндиси уни белгилайди ёки англатади. Инсонлар жамияти пайдо бўлиши билан амалда техника пайдо бўлди, дастлаб кишининг меҳнат фаолиятида ёрдам берувчи меҳнат куроли сифатида, кейин, ҳар хил мақсадларда ишлатиладиган техниканинг бошқа турлари вужудга келди. **Техниканинг хусусиятлари шундаки:**

1. Техника сунъий равишда, кишилар томонидан табиатни ўзгартириши натижасида яратилиб, оқибатда, олдиндан яралган идеал андозалар моддийликда мужассамланади;

2. Техниканинг оммавий хусусияти- у аввало, кишиларнинг амалий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, шу эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади;

3. Техниканинг муҳим параметрларидан бири рационаллик ҳисобланади, маълум жамият доирасида у ёки бу техника қурилмасини маълум қадар тезроқ ишлаб чиқаришга мўлжалланади.

Техника маданиятнинг фавқулодда ҳодисаси сифатида жамият ва табиат ўртасидаги муносабатни таъминлайди, у ижтимоий маданият жараёнининг ажралмас таркибий қисмидир. Техника тараққиёти инсоннинг табиат устидан ҳукмронлик қилишида унинг имкониятларини кенгайтирди, маданий ва

ижтимоий ўзгаришларни муқаррар амалга оширади. Маданиятда техниканинг ўрни хусусида турлича қарашлар мавжуд.

Технодетерминистик концепция техникани ҳар доим инсонга ижобий таъсир кўрсатишини ишончли асослайди. Илмий тараққиёт ва техника ютуқлари инсонга кўплаб сирларни очиб, уни улкан миқдорда моддий бойлик билан таъминлайди. Илмий-техника тараққиёти билан боғлиқ барча муаммо ва қарама-қаршиликлар, яъни техник воситаларнинг биосферани ҳалокатга яқинлаштирувчи таъсири ахборот алоқа даври деб аталувчи инсоният тараққиётининг кейинги босқичида ижобий бартараф қилинишини таъкидлайдилар. Техникани оптимистик баҳолашда технократик назария катта аҳамиятга эга. Технократия - жамиятдаги шундай кучки, у жамиятнинг техник-технология тараққиёти истиқболи хусусидаги илмий башоратида нуфузли илмий хулосаларга таянади.

Биосферик тамойилнинг асосчилари В.И. Вернадский, К.Э. Циалковский, А.Л. Чижевский бўлиб, бу назария Д. Ж. Форрестр, Д. Медоуз, М.В. Месарович, Э. Пестеле, А. Печчен каби Рим клуби олимларининг асарларида такомиллаштирилди. Биосферик тамойил Ернинг эволюциясини умумий геологик, биогеник, ижтимоий ва маданий жараён сифатида қарайди, планетанинг коэволюция асосида табиий ва сунъий ҳамкорликда ривожланиши зарурлигини кўрсатади. Бунинг учун омма онгида «Ҳаётга этиканинг тан бериши»ни сингдириш лозим (А. Швейцер), бунга О. Леопольд томонидан ишлаб чиқилган «аксиологик учлик» тушунчаси асос бўлиши мумкин; яъни, инсоннинг артоф-муҳит билан ўзаро муносабатини қуйидаги қадрият мезонлари белгилаши лозим: бутунлик, барқарорлик ва гўзал олам.

Маданиятдаги биосферик концепция тарафдорлари инсоният тарихида ўзларининг маданият таснифини тузиб, унда таъкидлашларича инсониятнинг илк босқичларида маданиятнинг турли ҳил биогелик кўринишлари мавжуд бўлган, кейинчалик сунъий равишда «табиат устидан ҳукумронлик қилиш»

шиорига таянган ҳолда **техногеник маданият яратилди** замонавий одамлар ердаги экологик қонунларга асосланиб турмуши тақозо қилувчи *ноогеник маданиятга* ўтади.

Табиий ва социал, табиий ва сунъий жараёнларнинг ўзаро таъсир алоқадорлигини оптималлашувини **экологик маданиятни** бошланиши» деб ҳисоблаш мумкин. Бу инсоният томонидан табиий ва сунъий икки тизимнинг тенг ҳуқуқлигини тан олиши демакдир. Айниқса бу қишлоқ ҳўжалик соҳаси учун ўта аҳамият касб этади. Ҳозирги замон қишлоқ ҳўжалиги учун маҳсулдорлик ва товар ишлаб чиқариш ҳажми асосий стратегик мақсад эмас, гап экология қонуниятларига мувофиқ табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни асрашдан иборат. Саноат ишлаб чиқариш учун экологик қонунлар табиат ресурсларига тежамкорлик асосида ёндошиш имкониятини берувчи техника ва технологияни яратишдангина иборат бўлмай айна пайтда, инсоннинг мавжудлиги ва яшаш муҳити-биосферани асраш, қайта тиклашдан иборатдир.

XX аср ўрталаридан фан ва техника тараққиёти кучли ахборотлар йиғимини пайдо қилди. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ)- матбуот, кино, радио, телевидение, компьютер алоқаси замонавий **соцмаданият** жараёнида салмоқли ўринни эгаллай бошлади. ОАВ ёки бунинг бошқача mass media деб ном олган тури ахборот узатишдаги каналларнинг кўплиги, тезлиги ва узок ишлаши билан улкан ҳажмдаги ахборотларга эга бўлмоқда.

1940-50 йилларда Г.М. Макмозн асарларида оммавий коммуникация биринчи марта маданиятнинг янги типи, ва кишиларнинг ижтимоий муносабатидаги мутлақо янги тип сифатида таърифланди.

Унинг фикрича бу восита инсонларнинг ахборот олишдаги рақобат курашида қудратли кучга айланади.

ОАВ электрон техника ва йўлдош алоқалардан фойдаланиб, кишиларни ижтимоий ҳодисалар ва маданий бойликларни бир вақтда идрок қилишга

ундайди. *Г.Э. Макмоэн таъкидлаганидек «ҳаммабон ва омма ёқтирадиган янги дунёвий электрон маданияти» шаклланмоқда.*

Ҳақиқатдан ҳам замонавий маданиятнинг ҳолисона таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, маънавий маданият кўпроқ оммавийлик касб этиб бормоқда.

Оммавий маданиятнинг қиёфаси қуйидагича:

А) У миллати, ёши, жойи, ижтимоий ҳусусиятларга боғлиқ бўлмаган оммавий истеъмолчиларга эга бўлади;

Б) Бу маданиятдаги намуналарни яратган жараённинг ўзи оммавий ҳусусият касб этиб, индустриянинг маҳсус кўринишини ўзида намоён қилади, яъни унда юз минглаб кишилар банд бўлиб, уларнинг «матбуот кироли», «Буюк шоу томошачилари», «кино, ТВ, эстрада юлдузлари» бўлади.

Оммавий маданият умумий истеъмолчилик эҳтиёжи билан боғлиқ. Бунинг асосида истеъмол талаб товар сифатида харидоргир бўлиш маънавий эҳтиёжи ётади. Оқибатда ҳозирги замон маданиятидаги маънавий қадриятлар тор доирадаги эҳтиёжларни қондириш воситасига айланади. Маданиятнинг чуқур маъно-моҳияти, хотира чексизлиги «одатли», «умумий» қимматлар билан, ҳақиқий ижод аввалдан маълум, мавжуд намуна асосидаги «асарлар» яратиш ва ишлаб чиқариш (киносериаллар, саез ТВ ва адабий асарлар) билан алмашинади. Шахс ўзининг ижодий қобилияти миллиятидан айрилиб, тайёр «маданий маҳсулотлар» истеъмолчисига айланиб қолади.

Шу ўринда президентимиз И.А. Каримовнинг Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишланган тантанада таъкидлаганидек “Дастур доирасида ёшларда “оммавий маданият” ниқоби остидаги хуружлар, диний экстремизм, халқаро терроризм, халқимизга ёт бўлган ғоя ва қадриятларнинг четдан “экспорт” қилинишига қарши қатъий позицияни шакллантириш бўйича ахборот ва педагогик технологияларнинг замонавий, янги шакллари жорий қилинди. Табиийки, бу борада “оммавий маданият”нинг савияси паст, енгил-

елпи намуналарига қарши ҳақиқий санъат асарларининг юксак дурдоналарини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда”¹

«**Буюк ипак йўли**» - бу нафақат тарих, у бугунги кун ҳамдир. 1993 йилнинг майида Европа комиссияси Брюсселда Марказий Осиё, Кавказ ҳамда Европа иттифоқи давлатлари вакиллари тўплади. Мақсад-аждодлардан қолган қадим йўлларни тиклаш орқали Марказий Осиё ва Кавказ минтақасидаги мустақил давлатларни жаҳон иқтисодиётига интеграциясини таълим этиш; Учрашувда Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлагини ташкил этиш тўғрисида декларация қабулланди. **И.А. Каримов** таъкидлаганларидек, ТРАСЕК (транспорт йўлаги) лойиҳасини амалга ошириш-Буюк ипак йўлини қайта тиклаш айрим шахслар фаолиятининг маҳсули эмас, у замон, жаҳон тараққиётининг объектив заруриятидир. ЮНЕСКОнинг амалий қадамларидан бири- «Ипак йўли - мулоқот йўли дастури асосида *Самарқандда Марказий Осиё цивилизациялари тарихини* ўрганишга қаратилган халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институтининг ташкил этилиши бўлди.

Мустақил давлатимизнинг миллий маданиятини тиклаш, ривожлантириш ва умуминсоний қадриятлар асосида бойитиш йўлидаги ютуқлари туфайли **1997 йили Ўзбекистон ЮНЕСКО Ижройи Кенгашининг аъзоси этиб қўлланди**, Президентимиз И.А. Каримов «Ибн Сино» медали билан тақдирланди. Юртимизда жисман ва маънан соғлом авлодни тарбиялаш, таълим тизимини такомиллаштириш ёшларда тарихий онг ва мустақил тафаккурни шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. 2000 йил Ўзбекистонда «Соғлом авлод йили» деб белгиланди. Буни моҳияти шундаки, кечаётган ислохотларнинг моҳияти инсонга қаратилган ва у инсон учун амалга оширилмоқда. Бинобарин соғлом авлод-миллат, юрт келажаги демак. Юртимизни биринчи ордени ҳам «Соғлом авлод учун» деб

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш –тараққиётимизнинг муҳим омилдир. //Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07.12 2010 йил. Ҳалқ сўзи 8 декабр.

номлангани бежиз эмас. Бу буюк келажак йўлидаги умидли қадам тимсолидир.

Хулоса

Шундай қилиб, жаҳон маданиятининг вужудга келиши, унинг тараққиёт босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритар эканмиз, энг аввало, бугунги кунда мустақил давлатимизнинг миллий маданиятини тиклаш, ривожлантириш ва инсоний қадриятлар асосида бойитиш йўлида ҳар бир ички ишлар органлари ходимлари ўтмишдаги бой маданий тарихимизни, шунингдек, Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг ўзаро алоқаларини ҳамда уларнинг бир-бирига таъсирини, жаҳонни ҳайратга солган аجدодлар меросини мукамал билишлари унга муносиб ворис бўлмоқлари лозим.

Қадимги Шарқ цивилизацияси Ғарбга нисбатан эртароқ бошлади. Юнонлар маданияти Қадимги Шарқ маданияти таъсирида жуда юксалди. Бу таъсирлар натижасида шундай давр бошландики Шарқ ва Ғарб маданиятлари синтези эллинистик маданиятни вужудга келтирди: Юнон-Бақтрия ва гандхар санъати, искандария фани, фаюм портретлари бунинг яққол мисолидир. Қадимги Шарқ бизга барҳаёт бойликларни қолдирди. Булар «Гилгамеш» ва «Моҳабҳорат» дostonлари, Калидаси драммалари ва Чжуанцзининг рамзий масаллари, Миср эҳромлари ва Буюк Хитой девори ва бошқалар.

Қадимги Юнонистон ва Рим маданиятлари Европа цивилизациясининг пойдеворига асос солди. Қадимги Шарқ маданияти таъсирида шаклланган бу маданият анъанавий маданият тараққиёти даврининг давомчиси ва яқунловчиси бўлди. Қадимги Юнонистонда шаклланиб, кейинчалик юксак босқичга кўтарилган бу маданият Рим маданияти вужудга келишига катта таъсир кўрсатди ва «Антик маданият» номи билан дунё маданияти тарихида ўчмас из қолдирди.

Хусусан ёшлар учун оммавий маданиятнинг хатарли оқибатларини **Президентимиз** бир неча бор қайд этган эдилар. Жумладан, «Фидокор»

газетаси муҳбирининг саволларига жавобларида: «Дунёда бир қарашда беозор, сиёсатдан ҳоли бўлиб туюлган шундай мафкуравий таъсир воситалари ҳам борки, уларга кунда кўпда етарлича эътибор беравермаймиз», деб кейинги йилларда кўплаб намоиш, этилаётган жангарлик филмлар, яланғоч асарлар ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётганлигини, улар инсонни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо этишга қаратилганлигини таъкидлаб,... ҳар қандай касалликни олдини олиш учун аввало киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топдиришимиз, таъбир жоиз бўлса, **мафкуравий иммунитетни** кучайтиришимиз зарур», деб кўрсатади.

Бугунги кунда ёшларни миллат ва истиқлол манфаатларига зид ғоялар, қарашлар таъсирига тушиб қолмасликларининг олдини олиш ИИИ ходимлари олдига қуйилаётган асосий ва энг муҳим вазифалардан бири эканлигини талаб этади.

Мавзу бўйича саволлар:

0. Қадимги Шарқ маданиятининг шаклланишида қуйидаги кўрсатилган тафаккурнинг қайси бири асосий роль ўйнаган?
0. Жаҳон маданиятининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган энг муҳим дарёлар қайси қаторда тўғри берилган?
0. Қуйидаги қайси цивилизациялар энг куҳна ва йирик маданиятлар эди?
0. Қадимги Шарқ маданиятининг шаклланишида қуйидагиларнинг қайси бирига асосланиш устун турган?
0. Ҳозирги қадар биз Месопатамияда тузилган вақт ва бурчак улчови қандай тизимдан фойдаланамиз?
0. Мил. авв. VII-асрда Хитойда ихтиро қилинган асбобларнинг номи қайси қаторда тўғри кўрсатилган?
0. Мутафаккирларимиздан - Гомер, Гераклит ва Платонлар асосан қайси мамлакатда фаолият олиб боришган?
0. “Ҳамма нарса энг майда заррачалар, атомлардан ташкил топган” –деган фикрларни қўйидаги олимлардан қайси бири илгари сурган?
0. Афиналик файласуфлардан қайси бири биронта ҳам китоб ёзмаган ?

0. Ўрта аср Европаси - бу....?
0. Қандай маданият умуминсоний маданият тараққиётининг энг муҳим даври ҳисобланади?
0. “Икки ҳақиқат ғоясини фалсафа олами ҳақида ўз ҳақиқатини дин Худо ҳақида ўз ҳақиқатини беради, деб” асослаган олим ким ?
0. Қайси даврдан бошлаб савдогар ва ҳунармандлар болалари учун дастлаб дунёвий мактаблар, кейин эса университетлар пайдо бўлган?
0. Утилитаризм -бу...?
0. Марказий Осиёда Уйғониш даври (Ренессанс) қайси даврларни қамраб олади?

5-Мавзу:

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ

1-§ Марказий осийдаги қадимги маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари

Маданиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кишилик жамиятининг энг қадимий босқичларига бориб тақалади. Маданият инсоннинг келиб чиқиши билан узвий боғлиқдир.

Марказий Осиё халқларининг маданияти жуда қадимий бўлиб, унинг тарихи бир неча минг йилларни ўз ичига олади. Халқимиз маданияти жаҳон маданияти билан ёнма-ён юзага келди ва ривожланди. Биронта халқ маданияти ўз мамлакати доирасидагина, тор даражада туриб ривожлана олмайди. Аксинча, балки бошқа халқлар маданияти билан ўзаро алоқада ривожланади. Ўзбек халқи маданияти ҳам фақат миллий асосда эмас, шу билан бирга умуминсоний маданиятлар таъсирида ривожланади⁸.

Ўзбек халқи Марказий Осиё халқлари билан бир аجدодга, умумий тарихга, умумий маданиятга, умумий маънавият, урф-одат ва санъатга эга бўлганлар. Ушбу элатлар яшаган ҳудудлар турли даврларда турли ном билан аталган: Сўғд, Бактрия, Турон, Туркистон. Бу давлатлар тарихи ҳозирда Марказий Осиё маданияти цивилизацияси деб ўрганилади.

⁸ Ж.Туленов, З.Гофуров. Фалсафа. Т., “Ўқитувчи”, 1997 й. 272 бет.

Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркменистон эгаллаган Марказий Осиё ҳудудида эрамиздан аввалги даврлардан бошлаб элатлараро маданиятнинг алмашинуви, куда-андачилик, ҳудудлараро кўчишлар, савдо-сотик жараёнлари, урф-одат ва расм-русумлар, умуман йирик тарихий ҳодисалар бўлиб турган. Айниқса, Эрон ва Турк халқларининг Марказий Осиё ҳудудига кириб келиши бадиий маданиятнинг янгича “товланишига” сабаб бўлди. Шунини айтиш керакки, Ўзбекистон маданияти тарихини ўрганишда албатта Марказий Осиё маданияти тарихига ҳам мурожаат қилиш лозимдир. Қадим даврдан бошлаб то яқин тарихгача Марказий Осиё ҳудуди давлатлари билан биргаликда Афғонистон, Шарқий Эрон, Шарқий Туркистон ягона иқтисод, сиёсат, маданият ва маънавиятга эга эдилар. Бу эса ўз навбатида, Марказий Осиё халқлари - ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқларнинг бир-бирлари билан яқин алоқада бўлишларига олиб келди. Шунингдек, Марказий Осиё халқлари бир-бирлари билан нафақат сўзлашув тиллари яқинлиги, яшаш тарзи, ғоявий, мафкуравий қарашлари билан бирлашибгина қолмай, балки географик ўрни, табиий шароитларининг ягоналиги билан ҳам узвий занжирда боғландилар.

Марказий Осиё ҳудуди ҳамиша улкан империялар диққатини ўзига тортган ва натижада геосиёсий марказлардан бирига айланиб қолган. Марказий Осиёнинг географик жиҳатдан бир нечта империялар марказида жойлашганлиги унинг нафақат моддий ва маънавий қадриятлар, диний ғоялар ва оқимлар қарашларини бир империядан иккинчисига бир цивилизациядан учинчисига ўтказиб берувчи Шарқ ва Ғарб ўртасидаги кўприк вазифасини бажаришига олиб келди, балки янги маданият турларини шакллантириб, ривожлантирувчи марказга айланишига ҳам сабаб бўлди.

Марказий Осиё халқлари маданиятининг вужудга келиши шароитларини белгилашда даставвал, унинг географик ўрни ва табиий

воситаларига эътиборни қаратиш лозим. Бу ерларнинг иқлим шароити жуда эрта деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш, катта-катта ерларга сув чиқариш ишларини амалга оширишни талаб этади. Бу ишларни эса фақатгина кўпчиликнинг кучи билан амалга ошириш мумкин. Натижада бу ерларда, одамлар яшайдиган катта манзиллар юзага кела бошлади. Эрамиздан аввалги III - II минг йилликларнинг бошларида 10.000 ва ундан ортиқ одамлар яшайдиган манзиллар-шаҳарлар юзага кела бошлади.

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, бу ҳудудларда деҳқончилик ва чорвадорлик бундан 5-6 минг йил аввал вужудга келган бўлиб, ўтроқ шаҳар маданияти эса 4 минг йил бурун пайдо бўлган.

Марказий Осиё халқларининг, хусусан ўзбекларнинг маданияти, тарихий илдизлари, ижтимоий, фалсафий, ахлоқий, диний, бадий қарашлари шакллана ва ривожлана боришининг илк даврлари қадим-қадим замонларга бориб тақалади. Авлоду-аждодларимизнинг ҳаёти, урф-одатлари ва анъаналари, маданияти, тили ва тарихини бадий-фалсафий жиҳатдан ўзига хос тарзда акс эттирадиган оғзаки ижодиёти ниҳоятда бой ва хилма-хилдир.

Вақт ўтиши билан инсонлар секин-асталик билан табиат ҳаётига аралаша бошладилар. Кўпгина табиий ҳодисаларнинг сабабини аниқлашга: мева ва ўсимликларни фарқлаш, қайси бири истеъмолга яроқли, қайси бири яроқсизлигини аниқлаш — ботаника фанини; ҳайвонлар феъл-атворини аниқлаш — зоология фанини; ҳудудлар кенглигини, қайси тараф иссиқ, айси тараф совуқлигини аниқлаш — география фанини; кейинчалик касалликларни даволаш, ўлимнинг олдини олишга интилиш — табобат каби фанларни кашф қилишга эришдилар.

(Шуни унутмаслик лозимки, юқорида кўрсатиб ўтилган жараёнларнинг барчасини аниқлашда бошланғич даврда одамга айнан эҳтиёж сабаб бўлган. Одамнинг энг биринчи эҳтиёжи — бу қорин тўйдиришдир. Айнан қорин тўйдириш мақсадида одам барча фан-

турларини, меҳнат қуролларини, санъат намуналарини масалан, кийик каби рақс тушиш, қушлар каби сайраш ва ҳ.к. яратган. Яна, айнан эҳтиёж сабаб бўлиб кишилар касалликларини даволаш, сеҳргарлик ва медицинани шакллантириб ривожлантирганлар.

Марказий Осиё халқлари оғзаки ижодиётининг энг қадимги тур ва жанрларидан бири – асотир – мифдир. Яхшилик билан ёмонлик, нур билан зулмат, бахт билан бахтсизлик ўртасидаги кураш ва бу курашда эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозониши ҳақидаги гоյ дунёнинг бошқа халқлариникида бўлганидек, Марказий Осиёда вужудга келган мифлар учун ҳам хосдир. Қайд этилишича, яхшилик оламига Ахурамазда, ёмонлик оламига эса Ахриман бошчилик қилади. Эзгулик мифларида Митра кишиларга нур, иссиқлик, бахт-саодат бахш этадиган, душманларга даҳшат соладиган, кишиларни офатдан қутқарадиган Қуёш худоси сифатида, Анахита эса ер, сув ва унум маъбудаси, қаҳрамонларга куч-қувват ва муваффақият бахш этувчи тарзда тасвирланади. Шарқ халқларидаги ёвузлик, зулмат кучлари мифларда кўпинча дев, аждар, жинлар қиёфасида тасвирланади. Булар офат ва зулмат, қабоҳат ва разолат, ўлим ва кулфат, бахтсизлик, очлик ва қаҳатчилик тимсолидир.

Марказий Осиёда яшаган авлод-аждодларимизнинг фалсафий фикрлари ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлишимизда “Авесто”, “Беҳистун”, “Бундаҳишн”, “Денкард” сингари ёзма ёдгорликлар муҳим тарихий ҳужжат сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Эр.ав. VI - IV асрларда Марказий Осиёнинг каттагина қисми, янги Бақтрия ва Сўғд – эрон Ахамонийлари империяси, таркибига кирди. Шу давр мобайнида Марказий Осиё халқлари Ахамонийлар давлатига кирган халқлар билан яқин муносабатда бўлди, улардан таъсирланди. Шунингдек, уларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу империя таркибига кириш ягона бошқарув, қонунчилик, пул тизимининг ўрнатилиши, оромий ёзувнинг умумдавлат миқёсида қўлланилиши Марказий Осиё халқлари маданиятига

сезиларли таъсир кўрсатди. Ахамонийлар даврида халқаро савдо, шаҳарлар ривожланди. Марказий Осиёга сайёҳ ва олимлар кўплаб ташриф буюришди. Эр.ав. VI - IV аср Марказий Осиё меъморлиги ҳақида Кўзали қир, Каллали қир (Ўзбекистон), Эрка қалъа (Туркменистон) меъморлик мажмуаси қолдиқлари таасурот беради. Сўзсиз, бу меъморлик комплекслари аввалги давр анъаналарини давом эттириш асосида юзага келган. Улар қалин девор билан ўраб чиқилган, дарвоза ва миноралар мавжуд бўлган. Уларнинг марказида сунъий тепалик бўлиб, унда сарой ёки ибодатхона жойлашган.

Эр.ав. VI - IV асрларда Марказий Осиёдаги бадиий ҳаёт ва маданиятини тушунишда Амударёнинг юқори оқими томонидан топилган “Амударё бойлиги” (“Окс бойлиги”) муҳим ўрин эгаллайди. Ўзирги кунда Лондондаги Британия музейида сақланаётган бу ёдгорликлар ичида олтиндан ясалган ҳайкаллар, турли кўза, билагузук, узук, муҳр, тангалар олтиндан ясалган аравача ва қуроллар диққатга сазовордир. Бу топилмаларнинг айримлари марказий Эронда, бошқа бирлари эса Марказий Осиёнинг шимолий еридаги халқ ва элатлар томонидан ишланганлиги ёки уларнинг кучли таъсири борлигини айтиш мумкин. Жумладан, скифлар санъати анъаналари яққол кўзга ташланади. Бу ёдгорликлар ичида грек усталари ишлаган узук-муҳр ҳамда ҳайкалларнинг мавжудлиги ҳам Марказий Осиё бадиий ҳаёти ва интилишининг кенглигидан далолат беради. Демак, Марказий Осиё сўзсиз ўз атрофидаги мамлакатлар билан яқин алоқада бўлган ва шу даврда нафис буюмларга интилиш кучли бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Марказий Осиё ерларида топилган сопол буюмлар махсус кулолчилик дастгоҳларида ишланиб, махсус печларда пиширилган. Улар шу асарларда кулолчилик ҳунаرمандчилиги анча юксак бўлганлигини билдиради. Булар ичида геометрик нақшлар солиб безатилган идишлар айниқса диққатга сазовордир.

Македониялик Александр Македонский эр.ав. IV асрларда Аҳамонийлар давлатини тор-мор этиб, Марказий Осиё ерларининг кўпгина қисмини ўзига қаратиб олди. Александр Македонский босиб олган ерларидаги барча халқларни бирлаштиришга ҳаракат қилди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, у ўз атрофига греклар билан бирга маҳаллий шарқ зодагонларини, бойларини ҳам жалб эта бошлади. Аралаш никоҳларни маъқуллади, ўзи ҳам шунга амал қилиб, Бактрия маликаси Роксанага (Ракшона) уйланди. Савдо-сотик ишлари ривожланди, шаҳар қурилишига эътибор берди. Бактрия, Сўғд ва Парфияда қатор шаҳарлар барпо этди. Санъат ривожига хомийлик қилди. Ўз армиясига бактриялик ва сўғдлик қисмларни киритди. 30 мингдан ортиқ ўғил болаларга юнонча тарбия беришга ҳукм этди.

Марказий Осиёнинг исломгача бўлган маданияти ҳақида Самарқандда яқинида топилган Афросиёб (VI - VIII асрлар) маданий ёдгорлиги кўпгина маълумот бера олади. Сарой қолдиқларининг деворларига ишланган тематик суратлар ва нақш кўринишлари ўрта аср бошларидаёқ Марказий Осиёда юксак маданият мавжуд бўлганлигига ёрқин мисол бўла олади.

2-§ Жаҳон маданиятини ривожланишида шарқ ва ғарб маданиятининг ўзаро алоқадорлиги

Шарқ уйғониши, Шарқ Ренессанси ҳақида гап кетганда турли соҳа олимлари-тарихчилар, адабиётшунослар, маданиятшунослар ва санъатшунослар бу масалага бефарқ бўлмаганларидек, қарашлар ҳам асосан иккига бўлинади. Уйғониш атамаси (итальянча-французча-Renaissans-Уйғониш) ни даставвал шу маданият соҳиблари-итальян гуманистлари ишлатганлар жумладан италиялик ёзувчи Ж. Бакаччо бу атамани Джотто ижодига қарата, «у антик санъатни уйғотди» деб биринчи бор ишлатган эди. Бутун бир даврни англатувчи тушунча сифатида санъат тарихчиси Ж. Вазари

(1511-1574 й.) тарафидан унинг «Машхур санъаткорлар ҳаётидан лавҳалар» китобида (1550) тилга олинган. Бу тушунча биринчи пайтда антик маданият анъаналарини Италияда «минг йиллик ёввойиликдан сўнг» тикланишини англатиб, сўнгроқ илмий тадқиқотларда кенг ишлатила бошланди. Я. Бурхарт Уйғониш (Ренессанс)ни алоҳида типдаги маданият деб баҳолади. Й. Хейзинг ўзининг «ўрта асрчиликнинг куз фасли» асарида Уйғониш даври-ўрта аср маданиятининг интихо даври деб ҳисобласа, бошқа олимлар Уйғониш даври янги давр маданиятининг бошланиши деб санайдилар. Кўпчилик олимлар Европа Уйғониш классик тарзда даврлаштириб у XIV-XVI асрларга хос деб билсалар, бошқалар Уйғониш маданиятини бир мунча илгарироқ XII аср – Каролинглар Ренессансидан бошлаб, Испания, Италия шимолидаги мамлакатлардаги (Шимолий Уйғониш) Уйғонишни XVII аср билан якунлайдилар.

Ўзбекистонда Шарқ Уйғониш даври масаласи маҳаллий материалларни умумлаштирган ҳолда етарли ишланмаган. Марказий Осиё минтақасидаги Уйғониш ҳақида гап борганда IX-XII асрлар аввало хорижий маданият ва қарор топган исломий этиъқодга нисбатан ривожланган ва бойиган қадимий маданият негизида миллий Уйғониш деб қаралмоғи лозим. Марказий Осий узоқ йиллик тарихида кўп босқин ва талончиликларни кўрди, уларга қарши озодлик ва мустақиллик учун кураш олиб борди. ҳақиқат шундаки, ҳар бир босқиндан сўнг миллий давлатчилик ва маданият тикланди. Мустақилликка интилиш ғояси ва ҳаракати ўзга халқлар томонидан яратилган маданиятларни инкори эмас. Марказий Осиё маданиятида умуминсоний аҳамиятга молик жамики маданият ютуқлари ижодий уйғунлашганидек, айти пайтда минтақа маданияти бошқа халқлар маданиятларига самарали таъсир кўрсатди ва уларни бойитди.

Марказий Осиёдаги халқлар Миллий маданий уйғонишни уч даврга бўлиши мумкин:

0. IX-XII асрлар- араб босқинидан кейинги давр.

0. XIV-XV асрлар мўғул истилосидан кейинги давр.

0. XX аср боши ва ҳозирги давр колониал босқин ва Совет давридан кейинги сиёсий, миллий, маданий Уйғониш.

Марказий Осиёда Уйғониш даври маданиятининг белгилари қуйидагича:

- Дунёвий илмларга интилиш, дин ва диний билимларни жамият, инсонлар манфаати нуктаи назаридан талқин этиш;
- Турли халқларнинг маънавий-маданий мероси ўтмиш маданий қадриятларидан (араб, эрон, юнон маданияти бойликлари) фойдаланиш;
- Табиатни, мавжуд ҳаётни, мавжудотни ўрганишга қизиқишнинг кучайиши, унинг сирларини очишга ва ундан фойдаланишга интилишнинг ортиб бориши, шу муносабат билан табиатшунослик илмларининг ривожланиши;
- Билишда ақлни мезон деб билиш, ақлий билиш, рационалистик усул, илмийлик ролининг ошиб бориши;
- Инсонга муҳаббат, унинг ахлоқий, ақлий хислатларини, қобилиятларини ўрганиш ва фазилатларини очиб беришга интилиш, мантиқ илмига катта эътибор бериш, комил инсонни тарбиялаш, етук фозил жамоа ҳақидаги фикрларни асослаб бериш;
- Диний тасаввур, диний таълимотлар ривожда диний-ахлоқий мавзунинг устунлиги, инсон ҳулки, манфаатларининг диний ғояларда етакчи мавзуга айланиши, ички маънавий камолот, Оллоҳга субъектив ички мукаммаллашув, маънавий-руҳий кўтарилиш, юксалиш ёрдамида эришув ва унинг сифатларига муяссар бўлишга қаратилган фаолият;
- Оғзаки ва ёзма сўзга катта эътибор, унинг ижтимоий-ахлоқий қудратини қуйлаш, таърифлаш, шеърят, филология, бадий маданиятнинг

юксак ривож, сўз санъати, риторика билан шуғулланиш маданийликнинг муҳим белгисига айланиб қолиши.⁹

Уйғониш даврида миллий маданиятни юксалтиришга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақилликни қўлга киритган Сомонийлар шажарасининг биринчи ҳукмдорлари миллий маданий қадриятларни барқарор этмасдан туриб тўла давлат мустақиллигига эришиш мумкин эмаслигини англадилар.

Китоб ёзишнинг кучайиши, ҳаттотлик санъатининг, уни безаш, нақшлар билан кўркем қилиш мусаввирлик санъатининг ривож топишига олиб келган.

Умуман бу даврда қўлёзмаларни кўчириш, тайёрлаш, тўплаш маданий ҳаётнинг муҳим соҳасига айланган. Маълумки, асар фақат қўлда бир нусхадангина ёзилар эди. Босмаҳона эса бир неча асрдан сўнггина пайдо бўлган. Ёзилган асарни нусҳасини кўпайтириш, бошқаларга етказиш, ундан нусха олиш зарур эди. Шунинг учун нусха кўчириш, асарни кўпайтиришга катта эътибор берилди. Аста-секин махсус нусха кўчириш санъати ва ҳунари шаклланди, шу туфайли бир жойда ёзилган асарларни бошқа шаҳар, ўлкаларида тарқатиш имкони вужудга келди.

Махсус нусха кўчириш билан шуғулланувчилар, ҳусни хат соҳиблари пайдо бўлиб, улар буюртма ёки сотиш учун асарлардан нусха кўчириш билан шуғулланганлар. Китобдан нусха кўчириш, китоб савдосининг кенг йўлга қўйилиши ҳамда маърифат аҳлини тинимсиз фаолияти туфайли Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур, Бағдод, Дамашқ сингари шаҳарларда катта кутубхоналар вужудга келди. Бозорларда китоб расталари кўпайди, китоб савдоси, уни тарқатиш билан шуғулланувчилар фаолияти кенгайди. Марказий Осиёга Бағдод, Миср, Эрон ва Испаниянинг турли шаҳарларидан

⁹ Ҳайруллаев М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти.-Т., 1994 й., 71-72 бетлар.

қўлёзмалар келтирилиб, юртдошларимизнинг қўлёзма асарлари бошқа ўлкаларга олиб кетиладиган бўлди¹.

Темур ва темурийлар даври Ўрта Осиё маданиятида алоҳида даврни ташкил қилади. Маданият тарихида классик давр ҳисобланган бу давр хусусан, ўзбек маданиятининг бугунги ҳуқуқий жойлашувида асос бўлиб хизмат қилади. Аввало, бу давр маданияти Темур асос солган кучли давлатчилик тамойиллари асосида шаклланган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан боғлиқдир.

Амир Темур даврида Ўрта Осиёнинг мустақил бир давлат қилиб бирлаштирилиши мамлакатнинг иқтисодий-маданий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Темур марказлашган давлат тузиш жараёнида ишлаб чиқаришга, хусусан қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор берди.

Улуғбек даврида Боғи майдонда турли ўсимликлар экилиб, Боғча номли боғ барпо этилган. Темур Самарқанд атрофида Бағдод, Султония ва Шероз номли қишлоқлар қурдиради. Темур ва Улуғбек даврида қўйчилик ва йилқичиликка алоҳида эътибор берилган.

Тоғ-кон ишлари йўлга қўйилиб, турли маъданлар қазиб олиниши туфайли ҳунармандчилик ривожланган.

Кулолчилик энг сертармоқ соҳа бўлган. XIV-XV асрларда сирли сопол бадий ранг-барангликда турли соҳаларда ишлатилган ва турли буюмлар ясалган. Тоштарошликда нақш, хаттотлик кенг қўлланила бошланган. Бинокорликда ғишт терувчилар «Банно», пештоқ, равоқ ҳамда тоқларга парчин ва чироқ қопловчи пардозчилар «Устоз» дейилган.

Самарқандда шишасозлик ривожланиб турли идиш ва буюмлар ясалган. Қурилишда рангли ойналардан фойдаланилган. Ёғоч

¹ Ҳайруллаев М., Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти, Т., 1994 й., 33 б.

ўймакорлигида нақшин бинолар қурилган ва буюм жиҳозлар ясалган. Самарқанд қоғози ҳатто чет ўлкаларда машҳур бўлган.

Бу даврда ҳунармандчилик моллари ишлаб чиқарадиган корхона бошлиғи «Уста» шогирдлар «Халфа»лар бўлган, ҳунармандлар шаҳарнинг маданиятли табақасига мансуб бўлган.

Темурийлар давлати **Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Русия, Волга бўйи, Сибир билан мунтазам савдо-сотиқ алоқалари олиб борган.** Чет давлатлар билан савдо алоқаларини кенгайтиришда темурийларнинг элчилик алоқалари муҳим аҳамият касб этган. Темур савдо расталари, бозорлар ва йўллар қурдиради, карвон йўлларида карвонсаройларни кўпайтиради. Айниқса, Самарқанд ва Бухорода бозор, чорсу, тим, тоқ, каппон каби савдо ҳунармандчилик иншоатлари қад ростлади.

Ўрта Осиё заминида темурийлар даври илм-фан, адабиёт, санъат соҳларида камолот босқичига кўтарилди. Темурийлар давлатининг қудрати айниқса меъморчиликда намоён бўлди. Оқсарой пештоқида битилган «Қудратимизни кўрмоқ истасанг- биноларимизга боқ!» деган ёзув Темур давлатининг сиёсий вазифасини ҳам англатар эди. Темур салтанат пойтахти Самарқандни безатишга алоҳида эътибор берди. Шаҳарда «Ҳисори», қалъа, улуғвор иншоатлар ва тиллакор саройлар бунёд эттирди.

Темурийлар давригача ва ундан кейин ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросон меъморчилигида безак ва нақш бу қадар юксалмаган. Темур ва Улуғбек даври меъморчилигида безакда кўп ранглилик ва нақшлар хилма-хиллиги кузатилади. Эпиграфик битикларни бинонинг махсус жойларига, хаттотлик санъатини мукаммал эгаллаган усталар олти хил ёзувда ишлаган.

Темур даврида Сарой Мулк хоним Гўри Амир мажмуасида мадрасалар қурдирилган. Улуғбек Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда мадрасалар бунёд эттирди. XV асрда мадраса меъморчилиги ўзининг узил-кесил қиёфасига эга бўлди.

Темурийлар даврида қурилган саройлар икки хил бўлган. Биринчиси-маъмурий-сиёсий мақсадда бўлиб, қалъа ёки шаҳар ичида қурилган. Иккинчиси-шаҳар ташқарисидаги боғларда қурилган қароргоҳларда қабул маросимлари, мажлислар ўтказилган ва хордиқ чиқарилган.

Амир Темур даврида Самарқандда миниатюра рассомчилик мактаби ташкил топди. ҳозир Туркия ва Берлин кутубхоналарида сақланаётган кўчирма-ҳомаки миниатюра нусхалари XIV-XV асрларга оид бўлиб, уларда алоҳида шахслар, дарахтлар, гуллар, кичик композициялар, нақшларда чизиқлар уйғунлиги, ҳаракатлар аниқлиги, қиёфаларнинг ўз ўрнида жойлаштирилиши билан ажралиб туради.

Самарқанд миниатюра мактаби XIV-XV асрнинг биринчи ярмида қарор топган бўлиб, турли туркумда яратилган бу миниатюраларда Шарқий Туркистон санъатига хос бўлган Туркий образларда Хитой рассомчилиги таъсири сезилиб туради.

Амир Темур илм-фан ривожини учун ғамхўрлик қилиши туфайли Самарқанд дунёнинг маърифий марказига айланди. Машҳур олимлар Самарқандга келди. Масалан, Қозизода Румий, табиб Хусомиддин Кермоний, фалақийётшунос Мавлоно Аҳмад, Улуғбек даврида турли мамлакатлардан келган 100 дан ортиқ олимлар илмий ва ижодий фаолият кўрсатган.

Мирзо Улуғбек даврида Самарқандда биринчи Академияга асос солинди, Ер куррасини ўлчаш ва фалақийётшунослик жадвалларини тузиш ишлари амалга оширилди. Самарқанд расадхонасининг қурилиши улкан маданий воқеа бўлиб, жиҳози ва илмий ютуқлари жиҳатидан унга тенг келадиган расадхона йўқ эди. Расадхонада Улуғбек математика, геометрия, фалақийётшуносликда чуқур билимлар соҳиб эди. Али Қушчи, Муҳаммад Хавофийлар унинг сеvimли шогирдлари бўлган.

XV асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётининг энг ривожланган даври бўлиб, бу юксалик Темурий Бойқаро ва ўзбек адабиётининг порлоқ қуёши Навоий номлари билан боғлиқ. Бойқаро ҳукмронлиги даврида адабиёт, санъат ва фаннинг кўп соҳалари ривожига катта аҳамият берган. «Хусайний» тахаллуси билан шеърлар ёзган, бу улуғ зот ўз ҳукмронлиги давомида Навоийга «муқарраби ҳазрати султоний» мансабларини бериб биргаликда маданиятнинг ривожланишига ҳомийлик қилишган. Навоий устози Жомий билан ҳамкорликда маънавият тараққиётига раҳнамолик қилди. Улар тимсолида бадий адабиёт энг буюк ютуқларга эришди. Навоийнинг «Хамса» ва «Хазойинул-маоний» девони, Жомийнинг «ҳашт авранг» ва шеърӣ девонлари шу давр адабиётининг энг буюк намуналари бўлди. Хусайн Бойқаро ўз «Рисоласида» унинг ҳукмронлиги даврида шундай асарлар яратилганидан чексиз фахрлангани бежиз эмас.

Бу бой адабий мерос ўзбек адабиётининг кейинги тараққиётига ҳам ўзининг чуқур таъсирини кўрсатди. Бобурнинг «Бобурнома» асари шу давр ўзбек адабиёти ва илмининг ҳаётбахш анъаналари асосида юзага келган эди.

XV асрда ўзбек адабиёти, айниқса Навоий ижоди мисолида адабий жанрлар ранг-баранглиги нуқтаи назаридан ҳам энг юксак чўққига кўтарилди. Ўзбек адабий тили шаклланди.

Темур ва Темурийлар давридаги маданий юксалишнинг умумий омилларини аниқлаш шуни кўрсатадики, улар ўзаро узвий боғланган ва яхлит бир бутун ҳолдагина қисқа вақт ичидаги маданий-маънавий юксаклигини юзага келтира олган.

Булардан **биринчи навбатда сиёсий-ижтимоий омилни** кўрсатиш мумкин. Мовароуннаҳр ва Хуросонда тарқоқ, ўзаро низо ва урушлар натижасида турли вилоят, амирликларга бўлиниб кетган ва келгинди ҳукмронлар- мўғуллар томонидан аёвсиз эзилган халқнинг мустамлакачиликдан қутулиши, мамлакатда ягона бирлашган давлатнинг барпо этилиши, ягона давлатчилик асосида бошқариш қоидаларининг жорий

этилиши, зўравонликлар, ўзбошимчаликлар каби иллатларнинг тугатилиши ижтимоий юксалиши таъминланди.

Иккинчи - иқтисодий омил - Мовароуннаҳр ва Хуросонда ягона идора тизимининг жорий этилиши иқтисодий осойишталик ишлаб чиқаришнинг сўнгги ривожланишига олиб келди. Давлат томонидан деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқнинг ривожига эътибор берилиши ва бу соҳада қатор тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатнинг маънавий-маданий тараққиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди.

Учинчи - маънавий омил - аввал маданий мерос, маънавий қадриятлар, бойликлардан кенг фойдаланиш, улар асосида ривожланишини амалга оширишдан иборат бўлди. Марказий Осиёда аввалги асрларда, хусусан IX-XIII асрларда яратилган маънавий-маданий бойликлардан, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Чағминийлар меросидан; араб, форс ва туркий тилларда яратилган Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Румий, Тусий, Аттор каби алломалар меросидан: Мусулмон Шарқи маънавий меросида кенг аҳамият касб этган қадимги юнон илмий-маънавий, бойликларидан кенг фойдаланилди.

Тўртинчи - ғоявий омил - бу омил маънавий омилнинг узвий давоми бўлса-да, унинг муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги ва ўз даври маънавий ҳаётида катта роль ўйнаганлиги учун алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Бу XV асрга келиб Мовароуннаҳр ва Хуросонда кенг тарқалган тасаввуф - хусусан Нақшбандия таълимотидир. Марказий Осиёда Юсуф Ҳамадоний, Абу Холиқ Ғиждувоний таълимотларини ривожлантириш асосида шаклланган Нақшбандия таълимоти ва унинг йирик вакиллари XIV-XV асрлардаги сиёсий-ижтимоий ҳамда маданий ҳаётда ниҳоятда муҳим роль ўйнади.

XIV-XV асрларда Марказий Осиёда мантиқ ва фалсафа фанлари билан шуғулланган йирик олимлар пайдо бўлди. Бу фанларнинг ривожини, асосан икки йирик мутафаккир Саадиддин бин Умар Тафтазоний ва Мир Сайид Журжоний номлари билан боғлиқдир. Журжоний ва Тафтазонийлардан ташқари, Самарқандда ўша даврда Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсиддин Мунший, Мавлоно Абдулла Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нуғмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Жалол хокий ва бошқа олимлар яшаб ижод этганлар.

3-§ XV-XX асрларда марказий осий маданияти

Ўрта Осиёда Темур ва темурийлар даврида маданият ривожланди ва камол топди. XIV-XV асрлардаги Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маданий тараққиётининг тамал тожини Буюк соҳибқирон Амир Темур қўйган эди.

XV-асрда металл буюмлар- уй-рўзгор буюмлари, асбоб-ускуналар, қурол-яроғлар қўплаб ишлаб чиқарилган. Самарқанд қуролсозлик марказига айланиб, совутсозлар маҳалласи қурилган. Шаҳарларда мис ва жездан буюмлар ва мис чақалар зарб қилинган. Темур фармони билан Уста Иззоддин Исфажоний ясаган жез қозон ва шамдон ҳозиргача сақланиб қолган.

Марказий Осиёда темурийлар даврида маданият классик даражаси билан дунёга машҳур бўлди. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даври (XVI-XVIII асрлар) да мамлакат феодализмнинг мураккаб жараёнларини бошдан кечирди. XVI асрда ҳунармандчиликнинг ривожланиши транзит ва ички савдонинг кенгайишига ёрдам берди. Бу даврда ҳунарманчиликнинг 60 дан ортиқ тури мавжуд эди. Марказий Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Балх, Россия, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан совда-сотик дипломатик алоқада бўлган. XV-XVI асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан анча ривожланди.

Марказий Осиёда хонликлар ва амирлик ўртасидаги низолар бўлиб турсада, маълум даражада деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик давом

топди. Фан, адабиёт, санъатнинг ривожланиши кўпроқ сарой доирасида бўлиб, ҳам диний, ҳам дунёвий асарлар ёзилди.

XVIII аср охири XIX аср бошларида Фарғонада Муҳаммад Шариф-Гулҳаний таҳаллуси билан танилиб, ажойиб лирик шеърлар, масаллар ёзди. Унинг «Зарбулмасал» асари қаҳрамонлари қушлар бўлиб, шоир улар орқали сарой аъёнларининг кирдикорларини фош этади. Яна бир Қўқонлик шоир Ғозий ҳам ўз асарларида зодгонлар ва руҳонийларни фош қилади. XIX асрнинг 30 йилларида Шаҳрисбзда шоир Ҳиромий ҳинд, форс адабиётида машҳур бўлган «Чор дарвеш» ва «Тўтинома» ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилади халқ достонлари «Юсуф ва Зулайҳа», «Тоҳир ва Зухро» «Бўз ўғлон», «Юсуф ва Аҳмад» ва бошқа достонлар вужудга келди. Шаҳар майдонларида қизиқчи ва қўғирчоқбозлар, ўйинчи санъаткорлар халқ ҳаётидан ҳикоя қилувчи лавҳаларни ўйнаб, томоша кўрсатар, бойлар ва сарой аҳлини очкўзлигини фош этиб, устидан кулар эди.

Бу даврда Марказий Осиёда икки турдаги мактаб мавжуд эди: куйиси-мактаб ва олий-мадраса. Бошланғич мактабда савод ўргатилад ва диний матнлар ёдланар эди. Мадрасада ҳам илоҳият ўқитилар, шунингдек араб тили сарфу наҳви (грамматикаси), нотиклик санъати, алжабр ва ҳандаса асослари ўргатилган. Бундан ташқари Хофиз, Бедил, Навоий асарлари ўқитилган.

Ўша давр шоирлари, фан арбоблари мусиқани чуқур тушунганлар. Мусиқа санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшган Мавлоно Муҳаммадин Муғанний, Мавлоно Кавкабий, Хўжа Муҳаммад, Ризо Самарқандийнинг номлари бизгача етиб келган.

Бу даврдаги меъморчилик ёдгорликлар ҳажми ва пардозининг жимжимадорлиги билан ажралиб туради. Самарқанддаги Регистон майдони шу даврда шаклланди. Шердор мадрасасининг олд пештоқида рангин кошнлар билан чекилган бир жуфт шер тасвирланган. Тиллакори мадрасасининг номи «тилла билан пардозланган» деган маънони беради.

Деворлардаги ажойиб нақшу нигорлар ва ички деворлардаги тўқис тилла безаклар жуда нафис ишланган.

XVIII аср охирларидан Хива хонлигида таъмирлаш ва шаҳарсозлик ишлари авж олади. Оллақулихон мадрасаси, Раҳмонқули иноқ саройи ҳажм жиҳатидан анча маҳобатли қурилган. Қўқон хонлиги меъморчилигида ранг-баранглик ва ёрқинлик, пардоздаги кошнларнинг ёрқин товланиши каби хусусиятлар айниқса Худоёрхон саройида яққол намоён бўлади.

XVIII аср охири - XIX аср бошларида меъморчилик ҳажм жиҳатдан ихчам бинолар, гоҳо безак- пардозлардан бутунлай ҳолилиги билан кўзга ташланади.

Россия Марказий Осиёни босиб олгач, маҳаллий аҳоли рус ва Россиянинг бошқа халқлари билан алоқа ўрнатишга мажбур бўлди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги техникалари кириб кела бошлади. Ўз ўрнида Россия ва Европа маданияти элементлари кириб келди. Рус тузем мактаблари очилди. Типография ва литографиянинг пайдо бўлиши маданий ҳаётда катта воқеа бўлди. Аввал рус тилида, сўнгра маҳаллий тилларда газета, журнал ва китоблар чоп этила бошлади.

XIX асрнинг 80 йилларида А.С. Пушкин ва И.А. Крылов асарлари илк бор ўзбекчага таржима қилинди. 1880 йилда Тошкентда жамоат кутубхонаси очилди. 1870 йилда расадхона ва кимёгарлик тажрибахонасига асос солинди. Илмий жамиятлар тузилди, тарихий ва археология музейлари очилди.

Рус маданияти таъсирида халқ маърифатпарварлари шаклланди. Улар В.И. Герцеи, Н.Т. Чернишевский, Н.В. Добролюбовлар таъсирида халқ озодлик масаласини кўтариб чиқдилар. Ўрта аср қолоқлигини тугатиш, таълим-тарбиянинг илғор усуллари жорий қилишни ўз асарларида қуйлаган Фурқат (1858-1909) мисол тариқасида рус мактабларини кўрсатди. У А.С. Пушкиннинг бир қанча шеърларини ўзбекчага таржима қилди.

Муқимий (1850-1909) ўзининг ҳажвий шеърларида халқ оммасининг буржуазия томонидан эзилишини фош этди. Завқий (1853-1921) ўз шеърларида ижтимоий адолатсизликни қоралади.

XIX аср Туркистон адабиёти икки йўналишда ривожланди. Шоҳлик ва сарой муҳитини куйловчи адабиёт, ҳамда зўровонликка қарши норозиликни ва қолоқликни тугатишга қаратилган тараққийпарвар халқ адабиёти. Умуман, Рус ва дунё маданияти таъсирида меҳнаткаш халқ билан боғлиқ Туркистонда миллий маданиятнинг ривожланиш жараёни кучайиб борди.

У мусулмонлар ва қолаверса туркийлар дунёсининг жаҳон тараққиётидан узилиб қолганлиги, бу ғоят хавфли ҳолга барҳам бериш кераклигини ҳамда умумтуркий қавмлардаги жаҳолатни йўқ қилиб, маърифат орқали тараққий топган мамлакатларга танглашиш зарурлигини биринчи бўлиб туркий крим-татар халқининг улуғ фарзанди Исмоил Ғаспарали (1851-1914) тушуниб етди. У жадинчилик ҳаракатининг бутун турк дунёсидаги «ғоявий отаси»дир.

Шунга қарамай 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла иккинчи жадин мактабига асос солди. Шу йили Тўқмоқда ҳам шу типдаги мактаб очилди. 1899 йили Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Маннон қори жадин мактабига асос солдилар. 1903 йилда Туркистон ўлкасида 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жадин мактаблари бор эди.

Аср бошида жадинлар зиёлиларнинг бутун бир ватанпарвар авлодини тарбиялаб беришдек оғир ишга фидоийлик билан киришдилар. Уларнинг бошида М. Беҳбудий, А. Авлоний, С. Айний, А. Фитрат, Мунаввар қори, Бобоохун Салимов ва бошқа кўплаб тараққиёпарвар инсонлар турар эдилар. Улар доимо қувғин, қамок, сургун каби хавф-ҳатарлар бошида чарх уриб турган ҳолда иш олиб боришга мажбур бўлдилар.

Шулардан Тошкент жадиidlарининг отаси сифатида зиёлийлар орасида катта обрў-эътибор қозонган Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг хизматлари жуда катта бўлди.

XX аср бошларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси шаҳарларида ўнлаб «усули жаид» мактаблари очилди.

Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати икки босқичда кечди. Биринчи даврда феодал тузум ва тартибларини танқид қилиш, маданий янгиликларни эгаллаш, Овropанинг турли тилларини ўрганишни тарғиб қилиш, янгича илм-фаннинг аҳамиятини кўтариш каби масалалар олға сурилди. Аҳмад Дониш, Аваз ўтар, Фурқат, Муқимий, Завқий сингари маърифатпарварлар етишиб чиқдилар.

Иккинчи босқичда маърифатчиликдан жаидизм ўсиб чиқдики, у эндиликда янгича таълим-тарбия, янги усул мактабларини йўлга қўйиш, дунёвий илмларни ҳар томонлама эгаллаш маориф-маданиятда янги тартибларни ўрнатиш, янги ижтимоий-сиёсий масалаларни қўйиш даражасига кўтарилди. Бу даврда Туркистонда маърифатпарварлик ва жаидчиликнинг турли, янги таълим-тарбия, ўқув-ўқитув масалаларини ўзида акс эттирувчи жуда кўп журналлар нашр этилди. «Тараққиёт», «Ойна», «Тужжор», «Садойи Туркистон», «Самарқанд» каби журналлар шулар жумласидандир.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан бирга унинг маданий ҳаётида ҳам тез ва шиддатли ўзгаришлар рўй берди. Маданият, адабиёт, таълим-тарбия, дин, мафкура соҳасида турли оқимлар пайдо бўлди, улар орасидаги муносабатлар мураккаб тус олди. Ёш бухороликлар, ёш хиваликлар ҳаракати вужудга келди.

1917 йилдаги бутун россияда юз берган феврал ва октябр инқилоблари унинг мустамлакаси бўлмиш Туркистонда ҳам тўнтаришларга олиб келди.

Совет даврида жуда ҳам мураккаб ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар республиканинг миллий маданиятига ҳар хил тарзда таъсир ўтказди, барча соҳадаги ўргартиришларни қарама-қарши тусга киритди ва республика тараққиётининг асосий тенденциялари ҳамда йўналишларини узоқ йилларга белгилаб берди.

30-йилларда маданий-оқартув масалалари тармоғи кенгайишда давом этиб борди. Йирик саноат корхоналарида маданият саройлари бунёд этилди, қишлоқ хўжалик артеллари қошида колхоз клублари очилди, район маданият уйлари барпо этилди, кутубхоналар тармоғи кенгайиб, уларнинг китоб фондлари бойиб борди, кинотеатрлар, клуб ва маданият уйлари қошидаги кино қурилмаларининг сони кўпайди, стадион ва спорт майдончалари жиҳозланди. Кўп миқдорда китоб, газета ва журналлар нашр этилди. Радио эшиттиришлари аҳолининг кундалик турмушида расм бўлиб қолди.

Бирок, 30-йилларда қарор топиб борган маъмурий-буйруқбозлик тизими ва шахсга сиғиниш мафкураси республиканинг ижодий ходимларини, унинг бутун маънавий ҳаётини қаттиқ исканжага олди. Ижодиётни партиявийлик тамоилларига, мафкуравий қоида-қонунларга бўйсундириш, дунёни бадий тасвирлашни қўпол равишда социологиялаштириш учун кенг йўл очиб берди, дунёвий имкониятларни торайтириб қўйди. Партиянинг янги турмушни мадҳ этишга, халқ ўтмишига нигилистик муносабат пайдо бўлишига қаратилган сиёсати бадий жараёндаги тарихий изчилликни унутиб юборишга олиб келди. Маданиятда мураккаб ижтимоий муаммоларни безатиб, енгил тусга киритиб кўрсатиш, ҳато ва камчиликлар тўғрисида сукут сақлаш тенденциялари пайдо бўла бошлади. Оқибатда ҳаётий ҳақиқат бузилиб, санъатнинг тарбиявий салоҳияти пасайтириб юборилди.

30-йиллардаги қатоғонлар миллий маданият учун даҳшатли фожяга айланди. Қонунчиликни қўпол равишда бузилиши ва инсон қадр-қимматлари поймол этилиши туфайли миллий маданият ўрни тўлмайдиган

даражада завољ кўрди. Истеъдодли адабиёт ва санъат арбоблари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шокир Сулайман, Зиё Саид, Элбек, Аъзам Аюб, Усмон Носир, Қосим Сорокин, Муҳаммад ҳасан, Абдусалом Ниёзий, Отажон Ҳошимов ва бошқалар миллий маданият қучоғидан узиб олиниб халқ душманлари деб эълон қилинди. Қатоғон қилинган ва таъқиб остига олинган шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан фойдаланиш неча-неча йиллар мобайнида тақиқ бўлиб турди. Ноҳақ униттириб юборилган, кўпинча эса жисмонан ҳам йўқ қилинган жасур халқ фарзандларининг асарлари шахсга сиғиниш тугатилганидан кейин гарчи халққа қайтариб берилган бўлса-да, ўлимидан кейинги ҳеч қандай шон-шуҳрат улар бошидан кечирган таҳқир-у қийноқларнинг аламини боса олмайди.

Дин ва диндорларни таъқиб қилиш халқнинг маънавий маданиятига ниҳоят даражада катта завољ етказди. Маъмурий-буйруқбозлик тартиботи ўрнатилиши билан динга илмий нуқтаи-назардан ёндошиш инкор этила бошланди. Дин билан атеизмнинг дунёқараш жиҳатидан бир-бирига қарама қаршилиги сиёсий қарама-қаршилик билан алмаштирилди. «Социализмда динга ўрин йўқ, унга дин бегона» деган қоида устун бўлиб қолди. Шундай қилиб унга нисбатан салбий муносабат динга қарши зўрлик кўрсатишга айланиб кетди. На масжидлар, на черковлар, на диндорлар шу қадар миқёсдаги таъқибларни бошидан кечирмаган эдилар. Ўзбекистон руҳонийларининг асосий қисми 30-йилларда қамоқ лагерларига жўнатилди. Масжид ва мадрасаларнинг деярли ҳаммаси ўтмишда гарчи диний маросимларни ўтказиш ўчоқлари бўлибгина қолмасдан, халқнинг буюк меросини сақлаб, бойитиб келган маданият, илм, тарбия, санъат марказлари ҳам бўлганига қарамай беркитиб қўйилди.

Собиқ Совет даврида Республика маданий ҳаётида прогрессив ва регрессив тараққиётнинг бир-бирига қарама-қарши тенденциялари тобора кучайиб борди. 70-йиллар ва 80-йилларнинг биринчи ярмида, худди бошқа

соҳаларда бўлганидек, Ўзбекистоннинг маънавий ҳаётида ҳам инқирозга хос вазият вужудга келди.

Узоқ ва яқин ўтмишни ҳаёлдан ўтказиб, моҳиятини англашда 1991 йил 31 август куни – Ўзбекистон Республикасининг Мустақил деб эълон қилиниши тарихий воқеа бўлди. У миллий ўзликни англаш, том маънодаги миллий юксалиш учун шароит яратди.

Жамият ва миллат тарихи, тақдирида янги давр – Истиқлол даври бошланди.

«Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди, – деган эди И.А. Каримов, – Келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва яшаётган хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга умумбашариёт эътироф этган демократик мезонларга монан қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик».

Дарҳақиқат шундай экан, биз ички ишлар идоралари ходимлари олдида турган асосий вазифамизни сидқидилдан ҳис этмоғимиз, Ватан олдидаги бурч ва масъулиятимизни таран англамоғимиз лозим. Бунинг учун эса ўтмиш тарихимиз ҳақидаги билимларни мукамал даражада билишимиз ҳамда мустақил Ўзбекистон халқимизнинг тинч ва осойишта фаравон ҳаёт кечиришини таъминлашда, жамоат тартибини сақлашда, жинойтчиликка қарши кураш олиб боришда адолат тамойилларига риоя этган ҳолда хизмат фаолиятимизни теран англаб вазифамизни бажаришимизни талаб этади.

Хулоса

Марказий Осиё халқларининг маданияти жуда қадимий бўлиб, унинг тарихи бир неча минг йилларни ўз ичига олади. Халқимиз маданияти жаҳон маданияти билан ёнма-ён юзага келди ва ривожланди. Биронта халқ маданияти ўз мамлакати доирасидагина, тор даражада туриб ривожлана олмайди. Аксинча, балки бошқа халқлар маданияти билан ўзаро алоқада

ривожланади. Ўзбек халқи маданияти ҳам фақат миллий асосда эмас, шу билан бирга умуминсоний маданиятлар таъсирида ривожланади.

Темур ва Темурийлар давридаги маданий юксалишнинг умумий омилларини аниқлаш шуни кўрсатадики, улар ўзаро узвий боғланган ва яхлит бир бутун ҳолдагина маданий-маънавий юксаклигини юзага келтира олган. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан бирга унинг маданий ҳаётида ҳам тез ва шиддатли ўзгаришлар рўй берди. Маданият, адабиёт, таълим-тарбия, дин, мафкура соҳасида турли оқимлар пайдо бўлди, улар орасидаги муносабатлар мураккаб тус олди.

Шундай қилиб, маданият атамаси айтиб ўтганимиздек, кишилик жамиятининг энг қадимий босқичларига бориб тақалади. Маданият инсоннинг келиб чиқиши билан узвий боғлиқдир. Маданият тарихи жамият тарихининг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Марказий Осиё халқларининг маданияти жаҳон маданияти ривожига кўшган ҳиссаси ва ўрни бебаҳодир. Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро алоқадорлигида, темурийлар даври маданиятининг жаҳон маданияти ривожланишига таъсири ҳақида тингловчиларга билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзу бўйича саволлар

0. Сўғд, Бактрия, Турон, Туркистон давлатларининг тарихи ҳозирда деб қандай номланиб ўрганилади?
0. Эрон ва Турк халқларининг Марказий Осиё худудига кириб келиши нимага сабаб бўлди?
0. Ҳозиргача «Авесто» нинг қанча китоби сақланиб қолган?
0. Авестонинг қайси китобида асосан зардўшт ва Ахурамазда ўртасида суҳбат, йўл-йўриқ ва кўрсатмалар мазмунида бўлиб, зулмат ва ёвузлик худоси Ахримани бошқарувчи ёмонлик кучларини қайтариш ҳақида фикрлар билдирилган?
0. Авестонинг қайси китобида ибодат намоzlари тўпланган?
0. Авестонинг қайси китобида худоларга сиғиниш ва мурожаатдан иборат, 17 боб зардўштнинг муқаддас қўшиқлари тўпланган?

0. Авестонинг қайси китобида худоларни шарафловчи қадимги гимнлар ва эзгулик худоларига ёвузликка қарши курашга ёрдам берувчи кучлар ҳақида фикрлар билдирилган?
0. XVIII аср охирида Қўқонда туғилган шоир Маҳмур қандай фаолият билан шуғулланган?
0. «Ҳапалак» номли машҳур ҳажвий асари қайси бир шоирнинг қаламига мансуб?
0. «Зарбулмасал» асари кимнинг қаламига мансуб?
0. «Ўртар» шеъри қуйидаги келтирилган шоирлардан қайси бирининг қаламига мансуб?
0. «Қуллар» романи кимнинг қаламига мансуб?
0. Қуйидаги келтирилганлардан жаҳидчилик ҳаракатининг бутун турк дунёсидаги «ғоявий отаси» ни кўрсатинг?
0. Исмоил Ғаспаралининг «Раҳбари муаллимин» ёки «муаллимларга йўлдош» китоби қачон нашрдан чиқди?
0. Бухородаги «Мазаффария» жаҳид мактаби қачон очилади?
0. 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла томонидан қандай мактабга асос солинди?

6-Мавзу

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ФУНДАМЕНТАЛИЗМГА ҚАРАМА – ҚАРШИЛИГИ

1-§ Марказий Осиё халқлари маданиятида ислом динининг ҳозирги замонда тутган ўрни

Бугунги кунда дунёда динга нисбатан бўлган муносабатнинг ижобий томонга ўзгариб бориши инсонлар тафаккурида янги диний Уйғониш (**Ренессанс**) даврини юзага келганлигидан дарак бераётганлигини кўришимиз мумкин. Маданият кенг қамровли феномен (ҳодиса) сифатида кишилик жамиятининг кўплаб соҳаларини қамраган ҳолда намоён бўлади.

Кўриниб турибдики, динга ҳам маданиятнинг бир ҳодисаси сифатида қараш мумкин. Президентимиз И.А Каримов ўзининг “Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида «Дин – маданий, маънавий, инсоний қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлодан – авлодга етказишда беқиёс хизмат қилган ота –

боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида шундай хулоса чиқариш учун ҳамма асосларга эгамиз»¹ деган фикрни баён этган.

Диний маданият инсон тафаккури тараққиётида муҳим омиллардан бири сифатида кишининг эътиқоди, маънавияти, ахлоқий ва эстетик дунёқарашига умуман олганда унинг турмуш тарзига кучли таъсир кўрсатувчи ҳодисадир.

Ислом динининг ҳозирги даврдаги жаҳон миқёсидаги мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозирда ислом динига деярли 1.5 млрд. киши эътиқод қилмоқда. Агар ислом дини пайдо бўлган даврларда у асосан Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган бўлса, XX-аср охирига келиб ислом дини ва маданияти Осиё, Африка, Европа ва Шимолий Американинг қатор мамлакатларида кенг тарқалиб бормоқда. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Объектив сабаби шундаки, ислом дини ва маданияти яҳудийлик, христианлик динлари ва маданиятларининг ижобий жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. Диний эътиқод ва сиғинишни инсон ҳаётининг турли ҳолат ва вазиятларига мослаштира олади, диний эътиқод қулайлигини таъминлайди. Шу боис Европа ва Шимолий Американинг муқаддам христиан ёки яҳудийлик эътиқодида бўлган, ёки диний эътиқоди умуман бўлмаган фуқароларини ўзига жалб эта олади. Ислом динига кириш Европа ва Шимолий Америкада муайян удумга айланиб бормоқда. Бу нарсa, табиийки, бошқа диний конфессиялар раҳбариятини ташвишлантиради. Ислом эътиқодини қабул қилувчиларни нуфузини ошиб бориши жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларида ислом қадриятларининг устуворлигига олиб келиши бошқа диний конфессиялар мавқеини заифлаштиради деб хавотир олишади. Аслида эса бундай ташвишланишлар ўринсиздир. Ҳақиқий ислом кишилар ўртасида меҳр-оқибатни поклик, ҳалоллик, шафқат, раҳмдиллик, ҳайр-саҳовот, адолат ва инсоф каби қадриятларини эъзозлайди, инсонни эзгуликка ундайди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари Т., 1998. - 315 б.

Бундан ислом дини ниқоби остида иш кўрувчи, ғаразли сиёсий мақсадлар, манфур ниятларини ислом динига боғловчи сиёсий кучлар, турли экстремистик элементлар мустаснодир. Дин ниқобида иш кўрувчи манфур экстремистик, террорчи кучлар ислом эътиқодини миллионлаб кишилар қалбига кириб бориш жараёнини асло тўхтата олмайди, аксинча, улар иймонли, диёнатли диндорлар томонидан улоқтириб ташланади, ислом оламини ифлосланишига йўл қўйилмайди. Ислом дини ва маданияти ХХІ асрга келиб жаҳон ижтимоий-сиёсий сахнасида йирик сиёсий-ғоявий омил мавқеига эга бўла бошлади. Агар Собиқ шўролар тузуми даврида жамиятда секуляризм ва дахрийлик (атеизм) сиёсати ҳукмрон бўлган бўлса, мустақилликка эришган Марказий Осиё ёш давлатлари сиёсатда **секуляризм** бирмунча чекинди, диний эътиқодга эркинлик берилди. Натижада ислом дини ва маданияти сиёсий ҳаётга аралашади имкониятига эга бўлди. Мустақилликка эришган ёш давлатлар ўз сиёсий йўллари ташлашда Ғарб демократияси анъаналарига мурожаат қилишди.

Ҳокимиятлар тақсимланиши, демократия принципларини сиёсий ислохотлар учун асос қилиб олиниши жамиятда ислом ҳаракатлари улғайиши, кучайиши ва ҳокимиятга даъвогар куч сифатида майдонга чиқишига олиб келди. 1991-1992 йилларда Фарғона водийсида мамлакатда диний эътиқодга эркинлик берилишини экстремистик кучлар расмий ҳокимиятини ўрнига ислом тартибларини ўрнатиш учун очиқдан очиқ ҳаракат қилишга киришди. Расмий ҳокимят томонидан тор-мор қилинган. "Адолат", "Товба", "Ўзбекистон ислом ўйғониш партияси" ва ҳ.к. диний ташкилотлар ислом динининг сиёсийлашуви ифодаси ҳисобланади.

Бу ҳаракатлар Ўзбекистонда мустақилликка эришилгач юзага келган объектив қийинчиликлардан (ишсизлар сонини ошиши, турмуш даражасини пасайиши, ўзгарувчан шароитларда эскича бошқариш услубларини давлат ҳокимияти идораларида инерция шаклида сақланиб қолганлиги ва ҳ.к.) устамонлик билан фойдаланиш ва мамлакат ҳаётини ислом қонунларига

асосланган ўзанга бориб юборишга уриниб кўрдилар. Буни айрим чет эл диний экстремистик ташкилотларининг маҳаллий гумашталари (Жума Намангоний, Тохир Йўлдошев ва ҳ.к. шахслар) амалга оширмакчи бўлдилар. Бироқ расмий сиёсий ҳокимиятни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи хизмат ходимларининг хушёрлиги ва қатъийлиги натижасида сиёсий исломнинг пайи қирқилди.

Ўзбекистон мисоли диннинг сиёсийлашуви масаласининг фақат бир шингилidir. XX аср охирига келиб ислом дини жаҳон миқёсида етакчи ижтимоий-сиёсий мавқега даъво этмоқда.

Ислом руҳоний раҳбарларидан Оятилло Хўмайни бундан деярли 20 йил муқаддам таниқли италян журналисти Ориана Фаллагига берган интервьюсида "Ислом - бу адолатдир. Ислом эътиқодига мувофиқ ҳар қандай диктатура - катта гуноҳдир. Ислом деярли ҳамма нарса: эркинлик, маданият, демократия ва .ҳ.к. дир. Ислом сиёсий-диний таълимотдир, унда бир томондан руҳонийлик сиёсатни тўлдирса, иккинчи томондан эса руҳонийликни тўлдиради. Исломда диний фатволардан кўра кўпроқ сиёсий даъват устувордир. Оллоҳ номи билан қасамёд қиламан:- Ислом сиёсатир", деб таъкидлаган эди.

Эрон ислом инқилобининг етакчи раҳбарларидан Оятилла Хўмайнийнинг бу сўзлари диққатга сазовордир. Дарҳақиқат, XX аср охирига келиб ислом нафақат диний-ахлокий таълимот, балки ижтимоий-сиёсий таълимот эканлигини исботлади, жаҳон иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларига таъсир этиб турувчи воситага айланди.

Бугунги кунда ислом динини шунчаки бир таълимот эмас, балки ғоят катта қудратга ва салоҳиятга эга бўлган мафкура эканлигини Яқин ва Ўрта Шарқда, Болқон ярим оролида, Россиянинг Кавказ худудида, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистоннинг Кашмир ўлкаларида кечаётган диний мазмундаги ижтимоий жараёнлар янада яққол тасдиқланмоқда. Ислом жаҳон миқёсида жиддий сиёсий кучга айланмоқда. Бироқ уни ҳақиқий

моҳиятини бузиш, ундан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланиш уни халқаро обрўйига путур етказмоқда, айрим калтабин сиёсатчиларни ислом динига қолган барча динларни қарама-қарши қўйишига олиб келмоқда. Бу билан ҳақиқий исломнинг инсонпарварлик, эзгулик ва адолатлилиқ каби моҳиятини хавф остида қолмоқда, бир гуруҳ экстремистлар, террорчилар ғаразли мақсадлари билан ислом моҳияти қориштириб юборилмоқда. Бу шароитда ислом дини ва маданиятининг азалий инсонпарварлик, поклик, ҳалоллик, раҳм-шафқатлилиқ, иймонлилиқ принципларини устуворлигига эришиш жаҳон ахлини бу қадриятларга ишонтириш, уни умуминсоний табиатини илмий изохлаб бериш- давр талабидир.

Хозирги даврда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий маънавий -маданий ҳаётда вужудга келган ўзгаришлар, илғор фикрлар жамият тараққиётидан ортда қолаётган ғояларга қарши кураш тобора кучайиб боради. Бундай жараён исломга нисбатан ҳам тобора яққол кўзга ташланади ва бу жараёнлар қуйидаги тушунчаларда ифодаланади.

Ислом модернизми — исломнинг диний таълимотдаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммоларга таллуқли ақидаларини замон шароитларига мослаштириш орқали тараққиётнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш.

Илом традиционализми — ислом ақидаларига қаттиқ амал қилиб, уларни ўзгармаслигини даъво қилиб, модернизмга қарши чиқувчилар.

Ислом фундаментализми — соф исломни қайта тиклашни тарғиб қилувчилар оқими. Жамият ҳаётида йирик ўзгаришлар бошланган вақтда вужудга келади.

2-§ Диний экстремизм ва фундаментализмнинг моҳияти, мақсади ва хавфи уларнинг марказий осийдаги ислом маданиятига зидлиги

Диний экстремизм ва фундаментализм ижтимоий ҳаётда юз бераётган жараёнлар таъсирида вужудга келади ва у узоқ ўтмиш тарихимиз билан боғлиқдир. Биз ишонч билан айтишимиз мумкинки диний экстремизм ва фундаментализм диннинг пайдо бўлиши билан вужудга келган ижтимоий воқелиқдир. Фақат у турли тарихий даврларда хилма-хил кўриниш, шакл ва мазмунда намаён бўлади.

XX асрда диний экстремизм ва фундаментализм сиёсий ислом экстремизми ва терроризми каби дахшатли кўриниш касб этди. Хўш дастлаб биз, диний фундаментализм нима? Экстремизм нима? Улар қандай ўзаро алоқадорлик мавжуд каби масалага тўхтаб ўтайлик.

Диний экстремизм /лотинча *extremum* - энг кейинги, охири деган маъноларни англатади/ диндорларнинг диний ақидаларни талқинида чекинишларга йўл қўймасликда, ижтимоий тараққиёт ютуқларини ҳаётга тадбиқ этишга тўсқинликда, маиший турмушда анъанавийликка амал қилинишини назоратида намаён бўлади. Экстремистик руҳдаги диний оқимлар ўта жангарилик, муросасизлик ғоялари билан қуролланган бўлиб улар дунёвий ғоялар тарафдорларини, диндаги модернистик тенденция маслакдошларини таъқиб қилувчи хатто террор ҳаракатлари воситасида жисмонан йўқ қилишга тайёр ашаддий ақидапарастлардир.

Диний экстремизм - деб диний ташкилотларнинг ўта мутаассуб /фанатик/ қисмини ташкил этадиган гуруҳларнинг мафкураси ва фаолиятига айтилади.

Диний экстремизм конфессия /лотинча *confessionalis* - диний эътиқод, черковга қарашли деган маъноларни англатади./ ичидаги турли оқимларнинг, мазҳабларнинг ўзаро кураши ёки конфессиялараро қарама-қаршилиқлар сабабли вужудга келади. Конфессиялараро қарама-қаршилиқка Исроил ва Фаластинда яхудийлар билан араблар ўртасидаги урушни,

Шимолий Ирландиядаги «ультра» протестантлик ҳаракатини ёки Чеченистон террорчиларининг ислом дини ниқобидаги айирмачилик ҳаракатларини мисол келтиришимиз мумкин. Ушбу террорчилик ҳаракатларини ислом ёки христианлик билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Дин кишини-кишига қарши қўймайди. Жамиятда ажал уруғини сочишни қандай юксак ғоялар билан ниқобланмасин рағбатлантirmайди.

Диний экстремизмнинг манбаи мутаассубликдир /фанатизм/. Мутаассублик кишиларнинг бир нарсага, фикрга, ғояга кўр-кўрона, унинг чуқур моҳиятига етмасдан бутун вужуди билан қаттиқ ишониши, уни бошқа ҳамма-нарсалардан, ғоялардан тўғрироқ деб билиши ва шу сабабдан бошқаларга ҳам турли воситалар билан сингдиришга ҳаракат қилишидир.

Жамиятда мутаассублик (фанатизм) қуйидаги сабаблар натижасида вужудга келади:

а) аҳоли кенг қатламларининг иқтисодий турмуш даражасининг пастлиги ва ижтимоий муносабатларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;

б) жамият аъзоларининг диний билими, савиясининг етарли даражада эмаслиги, диний жаҳолатнинг устуворлиги.

Собиқ шўролар даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг бир тарафлама асосан хом ашёё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, замонавий техника ва технологиялар билан қуролланган йирик корхоналарнинг ва республикада малакали мутахассис кадрларни етказиб берувчи билим даргоҳларининг камлиги сабабли малакали маҳаллий ишчи кадрлар тайёрлаш ишлари масаласи ҳал қилинмади. Саноат корхоналари бу муаммони четдан мутахассисларни олиб келиш билан ҳал қилишни афзал кўрди. Маҳаллий аҳоли вакиллари асосан ёрдамчи, юқори малака талаб қилмайдиган касбларда ишлаган. Зеро, бундай касблардаги иш ҳақи жуда камлиги сабабли кишиларда ишчи касбини ўзлаштиришга нисбатан қизиқишни ўйғотмаган. Бу масалада миллий менталитетимизни таъсирини ҳам қайд қилишимиз

лозим. Маҳаллий аҳоли ўзи учун номаълум бўлган саноат корхоналарида мураккаб касбларни ўзлаштиришдан кўра асрлар давомида аجدодларидан мерос бўлиб келган қишлоқ ҳўжалигида ёки шаҳарларда савдо-молия тизимида ишлашни афзал кўрган.

Собиқ шўролар даврида Ўзбекистонда қурилган саноат корхоналарининг асосий қисми хом ашёга дастлабки ишлов беришга мўлжалланган бўлиб, уларда ишлаб чиқарилган ярим фабрикат махсулотлар бошқа республикаларга таёр махсулот ишлаб чиқариш учун олиб кетилган. Хом ашё ёки ярим фабрикат махсулотларнинг бозорларда арзон нархларда сотилиши аҳолининг иқтисодий турмуш даражасини бошқа минтақаларга нисбатан паст бўлиб қолишига сабаб бўлган.

Маҳаллий аҳоли вакиллари орасида юқори малакали ишчи кучининг кам сонлиги ва аҳолининг иқтисодий турмуш даражасининг пастлиги турли экстремистик ва фундаменталистик руҳдаги диний оқимларнинг ёйилишига қулай шарт-шароит яратди.

Собиқ шўролар даврида олиб борилган даҳрийлик сиёсати оқибатида мустамлака давригача ислом дунёсининг марказларидан бири бўлган Марказий Осиё ўзининг ислом дунёсидаги нуфузини йўқотди. Аҳолининг диний билимлари даражаси пасайиб борди. Диний билимлар асосан диний маросим ва анъаналарни бажариш даражасига тушиб қолди. Бунинг сабаблари қуйидагилардан иборат:

а) динга қарши кураш давлат сиёсатининг таркибий қисмига айлантирилганлиги. Диний таълимотни илмий ўрганиш учун етарли шарт-шароитларнинг вужудга келтирилмаганлиги;

б) собиқ шўролар даврида аҳолига диний таълим беришнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги;

в) диний ташкилотлар ва уламоларнинг куч ва имкониятларидан аҳолини тарбиялашда фойдаланиш ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги.

XX асрнинг иккинчи ярмида Шарқ давлатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти сураатларини ошиб бориши, фан ва техника тараққиёти ижтимоий ҳаётда Ғарб маданиятининг таъсирини кучайишига сабаб бўлди. Бундай жараёнлар муқаррар равишда миллий урф-одатлар ва анъаналарнинг шу жумладан, диний анъаналарнинг ижтимоий ҳаётдаги мақеини ўзгартиради. Миллий маданиятда ва диний таълимотда модернизация жараёнларини вужудга келтиради. Ижтимоий ҳаётда ҳар қандай ўзгаришлар унга қарши кучларни енгиб ўзига йўл очгани каби, динда ҳам бундай ўзгаришлар диний экстремизм ва фундаментализм тўсқинлигига дуч келади. Ўтган асрнинг охирларида диний экстремизм глобал муаммога айланди.

Жаҳон миқёсида ва хусусан Ўзбекистонда диний экстремизм ислом экстремизми шаклида ўта кескин кўринишда намаён бўлмоқда. Ислом экстремизми вакиллари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

А) ҳозирги замон мусулмон жамиятларини исломий хусусиятларини йўқотиб жоҳилия ботқоғига ботиб қолганликда айбловчи гуруҳлар. Улар камчиликларни танқид қилиш билан муаммони ҳал қилиш мумкин деб ҳисоблайдилар;

В) диний тартиб ва қоидаларни ижтимоий ҳаётга такроран жорий қилишда кескин чора-тадбирларни қўллашни талаб қилувчи радикал кучлар.

Диний экстремизм ва мутаассублик диний фундаментализмдан вужудга келади. /латинча *fundmehtum* – асос деган маънони англатади/. XX асрнинг бошларида фундаментализм атамаси диндаги жараёнларни акс эттирувчи тушунча сифатида илк бор қўллана бошланган. XX асрнинг бошларида АҚШда «Фундаментлар /асослар/: Ҳақиқатга шаҳодат келтириш» номли рисоалар тўплами нашр қилинган. Тўпламда христианликнинг фундаментал /асослари/ назарияларини нималар ташкил этиши изоҳланган. Тўплам юзасидан бошланган мунозараларда диндаги фундаментал аҳамиятга эга бўлган қадриятларни ҳимоя қилувчилар фундаменталистлар деб атала бошланган. Юқорида қайд этилган мисоллардан хулоса қилганда диний

фундаментализм атамаси дастлаб исломга нисбатан эмас балки, христианликка нисбатан қўллана бошланган. Албатта атамани дастлаб кимга ёки нимага нисбатан қўлланганлиги муҳим аҳамиятга эга эмасдир, лекин ҳозирги даврда диний фундаментализм, экстремизм ва терроризм деганда Ғарб ва ҳатто айрим шарқ мамлакатларида исломни байроқ қилиб олувчи «индивидлар» ва гуруҳлар ўтмиш тарихни эсга олиб қўйса фойдадан холи бўлмайди.

Диний фундаментализм алоҳида олинган диний эътиқодга ёки муайян тарихий даврга ва ҳатто минтақага хос ижтимоий ҳодиса эмас. Мазкур воқелик ҳар қандай динга хос хусусият бўлиб, турли тарихий даврларда диннинг ажралмас йўлдоши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб ислом давлатларида диний тикланиш ва жонланиш ходисаларига нисбатан фундаментализм атамаси қўлланган. Ҳозирги даврда кишиларда зиддиятли ҳиссиёт ўйғотувчи ислом фундаментализми атамаси шу вақтан бошлаб кенг ёйилган.

XX асрнинг бошларида дунёнинг иккита қутбга бўлинган. Улар ўртасидаги кураш коммунистик мафкуранинг мағлубияти билан тугаганидан кейин узоқ ўтмишда вужудга келган лекин аҳамияти жихатидан вақтинчалик ортга сурилган муаммолар яна қалқиб чиқа бошлади. Шундай муаммолардан бири индустриал давлатлар билан ривожланаётган ва қолоқ давлатлар ўртасидаги зиддиятлардир. Мазкур муаммо турли кўринишларда ҳусусан дин соҳасида ҳам ўта кескин тус олади. Шарқ-Ғарбнинг иқтисодий экспансиясига қарши курашда диний фактордан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Диний фундаментализм - деб диний ақидаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришни, илоҳий башорат ва мўъжизаларни жузъий тушунишни инкор қилувчи қарашлар мажмуига айтилади.

Диний фундаментализм ижтимоий ҳаётда ижобий ва салбий аҳамият касб этиши мумкин. Унинг ижобий аҳамияти кишиларни муқаддас ёзувларга ва пайғамбарлар ҳаётига тақлидан яшашларига даъват этишда намоён

бўлади. Салбий жиҳатлари диннинг софлигини сақлаб қолиш ниқобида айрим гуруҳлар сиёсий ҳокимиятни эгаллашга интилади, жамиятда беқарорлик ва урушларни вужудга келишига сабаб бўлади.

Диний экстремистлар ва фундаменталистларнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

а) диннинг софлигини сақлаб қолиш ниқобида диний ташкилотлар ва гуруҳлар сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш ва диндорларнинг назоратида бўлган ҳукумат тузишга интилади;

б) диннинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш мақсадида уни заифлаштирувчи ҳар-қандай жараёнларга қарши кураш олиб боради.

Юқорида қайд этганимиздек, диний экстремизм ва фундаментализм барча динларга хос хусусиятдир. Ҳозирги даврда ижтимоий ҳаётда у турли кўринишларда ўзлигини намаён қилади. Масалан, Ғарб жамиятларида секуляризация жараёнлари кенг қўлламда ижтимоий ҳаётга тадбиқ этилганлиги сабабли Шарқ давлатларидагидек кескинлик касб этмади. Шарқда жамиятни секуляризациялаштириш жараёнлари давом этмоқда, ислом давлатларида бу жараён ҳали бошланғич босқичи даражасида турибди. Шунинг учун, Шарқда бу жараённи давлат ҳавфсизлигига таҳдидини бартараф этиш мақсадида, муайян қонуний чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, Туркияда, Ўзбекистонда диний руҳдаги сиёсий партиялар тузиш қонун билан таъқиқланган.

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида ва айниқса ислом расман тан олинган динларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида диннинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бориши кузатилмоқда. Жамиятда диннинг ўрни ва аҳамиятини ортиб бориши билан бирга диний экстремизм ва фундаментализмнинг унга қарши кураши кучаймоқда. Диний экстремизм ва фундаментализмнинг ижтимоий ҳаётидаги фаоллашувининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

а) коммунистик мафкуранинг емирилиши сабабли маънавий ҳаётда вужудга келган бўшлиқни ўрнини тўлдириш зарурати;

б) собиқ Советлар давлатида дин ва диндорларнинг таъқиб қилиниши;

в) одамларда миллий ўзликни англаш туйғуси ва этник жиҳатдан ўзининг насли-насабини излашнинг кучайиши;

г) ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги ёзгаришлар;

д) хорижий давлатларнинг диний экстремистик ва фундаменталистик руҳдаги оқим ва мазҳабларни қўллаб-қувватлаши.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки диний экстремизм ва фундаментализм динни ижтимоий ҳаётга мослашувига, ундаги тараққиёт, ҳамкорлик, ҳамжихатлик каби умуминсоний қадриятларни қарор топтиришда динларнинг ўзаро ҳамкорлигига, дунёвий фикр ва турмуш тарзига қарши бўлиб, жамиятдаги тинчлик ва барқарорликка таҳдид солади.

3-§ Диний экстремизм ва фундаментализмга қарши курашнинг асосий йўналишлари

Дин инсоният маънавий-маданий оламининг таркибий қисми бўлиши билан бирга, қадимдан ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили вазифасини бажариб келган. Лекин, унда бир томондан консерватизм, догматизм ва мутаассиблик билан иккинчи томондан бағрикенглик, модернизм ва хурфикрлилик тарафдорлари ўртасида доимий кураш боради. Шунининг учун унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни курашувчи томонларнинг устунлигига ва ижтимоий ҳаёт талабларига кўра ўзгариб турган. Ҳозирги даврда фан ва техника инқилобининг ижтимоий ҳаётга таъсирини тобора ортиб бораётганлигига қарамасдан дин жамиятдаги ўз ўрнини сақлаб қолди ва унинг динсиз яшай олмаслиги тўғрисидаги ғоя мустаҳкамланмоқда.

Ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳаларидаги каби динда ҳам зиддиятли жараёнлар кечиши табиий бир ҳолат сифатида қабул қилиш керак. Шунинг учун тарихда диний эътиқод бунёдкорлик билан бирга вайрон қилувчи куч сифатида ҳам хизмат қилган.

Хозирда диний эстремизм ва фундаментализм диндаги жамиятни вайрон қилувчи кучга айланди. Қайд этиш лозимки диний экстремизм ва фундаментализм барча динларга хос бўлган хусусият бўлиб, объектив ва субъектив шарт-шароитлар таъсирида турли даражада ўзини намоён қилади. Жамият ҳаётининг барча соҳалари билан ўзаро алоқадорликда бўлади. Зеро, унга қарши курашда фақат дин билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш билан кутилган натижага эришиб бўлмайди. Бу соҳада диний муаммолар билан бирга жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий муаммоларни ҳисобга олиш талаб қилинади.

Диний экстремизм ва фундаментализмга қарши курашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

а) сиёсий соҳадаги вазифалар:

- жамиятда демократияни янада ривожлантириш;
- қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш.

б) иқтисодий соҳадаги вазифалар:

- бозор муносабатларини ривожлантириш;
- аҳолининг турмуш даражасини ошириш.

в) маънавий соҳадаги вазифалар:

-жамиятда инсонпарварликни ва ўзгалар фикрига ҳурмат руҳини шакллантириш;

-ўзгалар маданиятини тушуниш ва уларни тинч-тотув яшашига шарт-шароитлар яратиш;

-дунёвий билимларга асосланган дунёқарашни шакллантириш;

-аҳолини диний билимлари даражасини ошириш, диншунослик ва илоҳиёт соҳаларида етук мутахассиларни тарбиялаш.

Хозирги даврда халқаро муносабатларда диний экстремизм ва фундаментализм ислом динида ўта кескин намаён бўлмоқда. Лекин исломни сиёсий ислом билан бевосита боғлиқ бўлган терроризмни таркибий элементи деб қараш ҳатодир. Диний экстремизмга қарши курашда ислом динига зарар етказиш хунук оқибатларга олиб келади, халқни давлатга қарши қўяди, давлатимизнинг ислом динини ривожлантириш билан боғлиқ доно сиёсатини обрўсизлантиради.

Ўзбекистонда давлатни динга муносабати қуйидаги принципларга асосланади:

- а) диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- б) диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш. Давлат ташкилотлари кишиларнинг диний эътиқодларига аралашмаслиги керак;
- в) фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигини кафолатлаш ва уларнинг кафолатланишига йўл қўймаслик;
- г) маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор типтиришда диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллариини излаш;
- д) диндан бузғунчилик мақсадида фойдаланишга йўл қўймасликни эътироф этиш.

Хулоса сифатида айтиш лозимки, диний фундаментализм ва экстремизмга қарши кураш малакали олиб борилишини тақазо этади. Бу ишда ўйламасдан иш қўриш, шошма-шошарлик ва бюрократизм халқимиз эъзозлайдиган буюк қадрияти – ислом динига путр этади. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти назаридаги обрўйини тўқади.

Диний экстремизм ва фундаментализмга қарши кураш онгли асосда олиб борилишини тақозо этади. Бунинг учун авваламбор, қуйидаги муҳим жиҳатларни англаш лозим:

- дин, динни сиёсийлаштириш ва фундаментализм айнан бир нарсга эмаслигини;
- фундаментализмнинг глобализация жараёнлари билан узвий боғлиқлигини;
- фундаментализм ва экстремизм терроризм воситасида ижтимоий воқеликда қарор топишини;
- экстремизм ва фундаментализмнинг мақсад ва воситалар нуқтаи назаридан фарқланиши ва ҳ.к.

Диний экстремизм ва ислом фундаментализмга қарши курашнинг асосий йўналишлари айнан шу жиҳатларни аниқлаш орқали белгиланади. Бунинг сабаби - диний экстремизм ва фундаментализмнинг ўта жиддий ва қилтис мафкуравий ходиса эканлигидадир. Диний экстремизм ва фундаментализмга қарши кураш кўр-кўрона ва бир ёқлама олиб борилмаслиги лозим. Чунки диний экстремизм ва фундаментализмга қарши курашнинг самараси тўғри илмий методологияни танлашга боғлиқдир.

Экстремизмга қарши кураш давомида халқимизнинг энг муққадас қадриятларидан бири - ислом динига зарар етказиш хунук оқибатларга олиб келади, халқни давлатга қарши қўяди, давлатимиз томонидан ислом дини маданиятини ривожлантириш, ислом маданияти тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк аجدодларимизни улуғлашга қаратилган доно сиёсатига шак келтиради, уни обрўйсизлантради. Бунга асло йўл қўйиб булмайди. Ички ишлар идоралари ходимларининг сиёсий онги ва сиёсий маданияти мазкур масалада етарли билимларни эгаллашни тақозо этади. Бу эса ислом динини ноўрин айблаш, унга жангари, агрессив диний таълимот, деган сиёсий тамға босилишини олдини олади.

Фундаментализм масаласига келсак, унга қарши курашнинг асосий йўналишини аниқлашдан олдин, унинг асл моҳиятини аниқлаш, ижтимоий тараққиёт учун қанчалик хавфли эканлигини англаш лозим. Бу нарсани англамаслик ислом фундаментализмига қарши курашнинг асосий йўналишини аниқлашга имкон бермайди.

Фундаментализм жаҳонда кечаётган глобализация, стандартизация, вестернизация ва консюмеризмга қарши реакция тарзида вужудга келди. Буни қўйидагича изоҳлаш мумкин. "Совуқ уруш" даври тугагандан сўнг жаҳонда умумий информация тармоғи (Интернет), умумий бозор, умумий исеъмол, коллектив ҳамкорлик, коллектив хавфсизлик каби ходисаларга умумий эҳтиёж сезила бошлади. Ислом дунёси мамлакатлари учун ислом анъаналарига асосланган турмуш тарзига ва удумларига Ғарб стандартлари, нормалари ва қадриятларини кириб келиши анаънавий тафаккурда қарши реакция қилиши ҳолатларини шакллантирди. Спутник алоқалари электрон почта ва ҳ.к.лар. Шарқ оламига Ғарб қадриятларини тобора чуқурроқ сингиб боришини тезлаштирди.

Хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, диний эстремизм ва фундаментализмга қарши кураш малакали равишда олиб борилишни тақазо этади. Бу ишда саводсизлик ҳалқимизнинг эъзозловчи диний маданияти ва буюк қадрияти - ислом динига путур етказди, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти назаридаги обрўини тўқади, турли аксил инқилобчи кучларга бу нарсга қўл келади. Улар мустақил Ўзбекистон халқи танлаган дунёвий демократик тараққиётдан чиқиб ўрта аср диний давлатчилик йўлига киришига жон-жаҳди билан ҳаракат қилади.

Марказий Осиёда ислом маданияти, ислом динининг ҳозирги замондаги аҳамияти, диний экстремизм ва фундаментализмнинг моҳияти, хавфи ҳамда уларнинг ислом маданиятига зидлиги унга қарши курашни ички ишлар

идораларининг ҳар бир ходими аниқ англаган бўлишлари ислом дини ва маданиятига ёт унсурларга конкрет зарба бериш малакасига эга бўлишлари талаб этилади. Бугунги мавзунинг мақсадига юқорида қайд этиб ўтилган илмий-назарий қарашлар сингдирилган.

Мавзу бўйича саволлар:

0. “Дин – маданий, маънавий, инсоний қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан – авлодга етказишда беқиёс хизмат қилган ота-боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида шундай хулоса чиқариш учун ҳамма асосларга эгамиз” деган фикрлар президент И.А.Каримовнинг қайси асарида ўз ифодасини топган?
0. Ислom динининг асосчиси ким?
0. Жаҳон динларини кўрсатинг?
0. “Ислom” сўзи қандай маъноларни англатади?
0. Ислom дини Марказий Осиёга қайси мамлакатдан кириб келган?
0. Арабларнинг исломни тарқатиш ва ривожлантириш даври қандай номланган?
0. Арабларнинг Марказий Осиёни араб халифалиги таркибига киритилишида ким етакчи бўлган?
0. Марказий Осиёда араб халифалигига қарши кўзғолонларга етакчилик қилган шахсни аниқланг?
0. Қуйидагилардан қайси бири Имом ал-Бухорийнинг машҳур асарлари ҳисобланади?
0. Имом ал Бухорийнинг ислом дунёсида энг ишончли ҳадислар тўплами сифатида машҳур бўлган 4 жилдли йирик асари қандай номланади?
0. Ҳадис нима?
0. Ислom байрамларини кўрсатинг?
0. Қуйидагилардан қайси бири ислом байрамларига тааллуқли эмас?
0. Диний ташкилотларнинг ўта мутаассуб /фанатик/ қисмини ташкил этадиган гуруҳларнинг мафкураси ва фаолиятига қараб нима деб айтилади?
0. Диний ақидаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришни, илоҳий башорат ва мўъжизаларни жузъий тушунишни инкор қилувчи қарашлар мажмуига нима деб айтилади?

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., 2010.

Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.– Т. Ўзбекистон, 2008.

Каримов И.А. Ватанимизни босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т. Ўзбекистон, 2009.

Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т. Ўзбекистон, 2010.

Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш–тараққиётимизнинг муҳим омилидир (Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи.–2010.–8 дек.

Каримов И.А. Ватан ҳимоячиларига байрам табриги //Постда. 14 янв. 2011.

Abdullayev M., Umarov E. Madaniyatshunoslik asoslari. O'quv qo'llanmasi . –Т., 2006.

Умаров Э., Абдуллаев М., Хакимов Э. Культурология: Учебное пособие для студентов вузов . –Т., 2006.

Гулметов Э. ва бошқалар. Маданиятшунослик: Маърузалар матни. – Т.; 2000.

Ахмедова Э., Габидулин Р. Культурология мировая культура. – Т. 2001.
Культурология: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений . –Ростов-на-Дону, 1998.

Ислом Каримов терроризм хавфи тўғрисида / Тузувчи-муалифлар: **Ш.Р.Қобилов, Б.У.Таджиханов.** – Т., 2001.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига шарҳлар. – Т., 1999.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси. – Т., 1993.

Муҳаммадиев Н. Э. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. – Т., 1998.

Ўзбекистонда ижтимоий - фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. – Т., 1995.

Одилқориев Х. Т., Ғойибназаров Ш. Ғ. Сиёсий маданият. –Т., 2004.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т., 2005.

Х.Ж. Худойқулов, Р.Ў. Баратов Маданиятшунослик. – Т., 2007.

Махмудов Р.М. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг назарияси ва амалиёти. – Т., 2010.

Арзиқулов Д.Н. Дусанов Н.Э. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий маданияти. – Т., 2010.

Абдуллох Х.И. Марказий Осиёда Ислом маданияти –Т., 2005.

Абу Абдуллох Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис. 1-4 жилдлар. – Т., 1992.

Бобомуродов А. Ислом одоби ва маданият. – Т., 1995.

Йўлдошев С. ва бошқалар. Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. – Т., 2003.

Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. –Т., 2002.

Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Т., 1998.

Караматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т., 1993.

Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. К 1. –Т., 1996.

Жўраев Н. Агар огоҳ сен... Портретга чизгилар: Сиёсий эссе / Масъул муҳаррир: К.Норматов.–Т., 1998.

Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Имон: Ислом, Қуръон, одоб-ахлоқ. – Т., 1992.

- Термизий, Хожа Самандар.** Дастур ул-мулк: Подшоҳларга қўлланма / Форс-тожикчадан эркин таржима, сўзбоши, изохлар муаллифи: Ж. Эсонов. – Т., 1997.
- Назаров Қ. Н.** Аксиология: қадриятлар фалсафаси. – Т., 1998.
- Форобий.** Фозил одамлар шаҳри. – Т., 1993.
- Махмудов Р.** Ҳуқуқ ва маданият. – Т., 1994.
- Саттор М.** Ўзбек удумлари. – Т., 1993.
- Сафо Очил.** Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Т., 1995.
- Иброҳимов А. ва бошқалар.** Ватан туйғуси. – Т., 1996.
- Тўланов Ж.** Қадриятлар фалсафаси. – Т., 1998.
- Тўрақулов Э., Раҳимов С.** Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. – Т., 1992.
- Кайковус.** Қобуснома. – Т., 1994.
- Абдулла Шер.** Ахлоқшунослик: Маърузалар матни. – Т., 2000.
- Тўхлиев Н.** Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. – Т., 1998.
- Юсупов Э., Исмоилов Ф.** Одавийлик сабоқлари. – Т., 1997.
- Ортиқов А.А. ва бошқалар.** Хўфиёна иқтисодиёт. – Т., 2002.
- Жумабоев Й.** Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. – Т., 1998.
- Абу Райҳон Беруний.** Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар, Т.1. – Т., 1998.
- Абдуллаев М., Абдуллаева М. ва бошқалар.** Мустақиллик: Изохли илмий-оммабоп луғат. – Т., 1998.
- Мўминов И.** Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т., 1994.
- Самохвалова В.И.** Культурология: Краткий курс лекций. – М., 2002.
- Федоров А.А.** Введение в теорию и историю культуры: Словарь –М., 2005.

Флиер А.Я. Культурология для культурологов: Учеб. пособие для вузов. – М., 2005.

Шендрик А.И. Теория культуры: Учебное пособие для вузов. – М., 2002.

Экономические основы культурной деятельности: Индивидуальные предпочтения и общественный интерес: В 3 т. – СПб., 2006.

Эргашев И. Миллий қадриятлар: ёшлар замон ва келажак // Фалсафа ва ҳуқуқ. – 2006.– 1-сон.

Эргашев Ш. Цивилизация: глобаллашув муаммолари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – 2006.–2-сон.

Азамат Ҳайдаров. Инсон камолоти ва миллий-маънавий қадриятлар. – Тошкент. “Мухаррир” нашриёти. – Т., 2008.

Н.Шодиёв, С. Шукуллаева. Ёшларга аждодларимизнинг илмий мероси ҳақида. – Т., 2008.

Шодмонқул Азизов, Санобар Азизова. Маърифатпарварлик – ижтимоий-маданий ҳодиса. – Т., 2008

З.Мадалиева. Ҳуқуқий маданият ва ёшлар. – Т., 2008.

Хамид Зиёев. Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири. – Т., 2008.

Улуғбек Саидов. ШАРҚ ВА ҒАРБ: маданиятлари туташган манзиллар. – Т., 2008.

Abdullayev N. Jahon san’ati tarixi — Т., 2007

Карабаев У. Этнокультура. — Т., 2005

Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. — Т., 2008.

Умаров Э., Абдуллаев М., Хакимов Э. Культурология. — Т., 2006.

Бандурка М., Друзь А. Этнопсихология. — Харьков, 2000

Буюк истеъдод соҳиблари. — Т., 2002

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

1-мавзу. Маданиятшунослик фанининг предмети ва вазифалари. «Маданият» тушунчасининг талқини

2- мавзу. Жаҳон маданий тараққиётининг асосий қонуниятлари.....

3-мавзу. Мустақиллик шароитида ўзбек миллий маданиятини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари.....

4-мавзу. Жаҳон маданиятининг вужудга келиши, унинг босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари....

5-мавзу. Марказий Осиё халқларининг маданияти ва унинг жаҳон маданияти ривожига тутган ўрни.....

6-мавзу. Марказий Осиёда ислом маданияти ва унинг диний экстремизм ва фундаментализмга қарама-қаршилиги.....

АРЗИҚУЛОВ ДИЛШОД НЕЪМАТОВИЧ
психология фанлари номзоди,

МАДАНИЯТШУНОСЛИК

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ I-ҚИСМ

Мухаррир: